

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**А.А. Абидов, Н.Ю. Власова,
И.Е. Жуковская, А.А. Собиров**

**ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ
АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИ**

Ўқув қўлланма

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
5A230107 – “Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари”
магистратура таълим йўналиши талабалар учун ўқув қўлланма сифатида
тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – ИҚТИСОДИЁТ – 2019

УДК: 6П.2.15:338.24

КВК:65.290-2

А -27

Абидов А.А., Власова Н.Ю., Жуковская И.Е., Собиров А.А. Электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари. Ўқув қўлланма – Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 209 б.

Мазкур ўқув қўлланмада электрон ҳужжат алмашув тизимлари умумий концепцияси кўриб чиқилган. Жаҳон ва Россия электрон ҳужжат алмашув тизимларининг ҳозирги ҳолати таҳлили амалга оширилди, электрон ҳужжат алмашув тизимлари бозорини танлаш масалалари ёритилди. Электрон ҳужжат алмашув тизимларини самарадорлиги ва сарф-харажатларни хисобга олган ҳолда жорий этиш хусусиятлари кўриб чиқилди. Давлат бошқарувидаги электрон ҳужжат алмашув тизимидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу ўқув қўлланма миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан узок муддатга мўлжалланган дастур асосида самарали фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи магистрантлар, докторант ва илмий ходимларга мўлжалланган.

Абидов А.А., Власова Н.Ю., Жуковская И.Е., Собиров А.А. Системы электронного документооборота. Учебное пособие. – Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 209 с.

В данном учебном пособии рассмотрены общие концепции систем электронного документооборота. Проведен анализ современного состояния мирового и российского рынка систем электронного документооборота, определены задачи выбора систем электронного документооборота на экономическом рынке. С учётом эффективности и затрат систем электронного документооборота рассмотрены особенности внедрения. В учебном пособии так же уделено особое внимание применению систем электронного документооборота в государственном управлении.

Данное пособие может быть полезно магистрантам, докторантам и научным сотрудникам, и тем кто занимается вопросами внедрения систем электронного документооборота и применением информационно-коммуникационных технологий в различных отраслях национальной экономики.

Abidov A.A., Vlasova N.Yu., Zhukovskaya I.E., Sobirov A.A. Electronic document management systems. Tutorial. - T .: IQTISODIYOT, 2019. - 209 p.

This tutorial examines the general concepts of electronic document management systems. The analysis of the current state of the world and Russian electronic document management systems market has been carried out, the tasks of choosing electronic document management systems on the economic market have been defined. Taking into account the effectiveness and cost of electronic document management systems, the features of the introduction are considered. The textbook also paid great attention to the use of electronic document management systems in public administration.

This manual can be useful for undergraduates, doctoral students and researchers, and those involved in the implementation of electronic document management systems and the use of information and communication technologies in various sectors of the national economy.

ISBN 978-9943-986-55-8

УДК: 6П.2.15:338.24

КВК:65.290-2

©- IQTISODIYOT нашриёти, 2019.

© Абидов А.А., Власова Н.Ю., Жуковская И.Е., А.А. Собиров 2019.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармоннинг учинчи бўлимида келтирилгандек: “давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-хуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш”¹.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг турли тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ахборотлаштириш муаммолари “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”, “Электрон хужжат айланиши тўғрисида” ва “Электрон тижорат тўғрисида”ги, шунингдек, Президент фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” ги қарори билан ҳал этилади. Яқинда қабул қилинган “Электрон ҳукумат” тўғрисидаги қонун ҳам электрон хужжат алмашув тизимлари фанининг қанчалик зарур ва долзарблигидан далолатдир.

Хозирда замонавий ахборот технологиялари маълумотларни қайта ишлашнинг мустақил тизими сифатида ҳам, функциявий таркибий қисм

¹ Мирзиёев Ш.М. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури. //Халқ сўзи, 2017й. 7 февраль.

сифатида ҳам ишлайди ва янада йирик тизим доирасида бошқарув жараёнини таъминлайди. Электрон ҳужжат алмашув тизимлари(ЭҲАТ) йилдан-йилга кишилик фаолиятининг турли соҳаларида янада кенг қўлланилиб борилмоқда.

Шу сабабдан мазкур ўқув қўлланма зарур ва ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Қўлланма ўнга яқин бобдан иборат. Ҳар бир боб бир неча мавзуларни ўз ичига олади. Ўз навбатида ҳар бир мавзуни алоҳида маъруза шаклида талабаларга берса бўлади.

Амалий машғулотлар компьютер ва тармоқ технологияларига асосланиб, электрон ҳужжат алмашув тизимларининг дастурий воситаларига таянган ҳолда ўтиш ва назарий билимларни мустаҳкамлашга қаратилган. Ҳукумат, вазирликлар сайтлари, солик, банк органлари билан электрон алоқа ва ҳужжат алмашув, фуқаролар ва ҳукумат идораларининг тўғридан-тўғри алоқасини баён қилиш назарияси баён қилинган. Электрон ҳукумат элементлари ва методологияси, усувлари ва чет эл тажрибаси кўрилган.

Қўлланмада қўйидагилар ўрганилган. Ҳужжатлаштириш тизимининг асосий тушунчалари ва таърифлари. Ҳужжатлаштириш тизимининг таснифи. Электрон ҳужжат алмашув масалалари. Электрон ҳужжат алмашув тизимининг асосий хусусиятлари, атрибулари, мантиқий компонентлари, турлари. Корпоратив ахборот тизимлари. Универсал электрон ҳужжат алмашув тизимлари(EDMS). PDM – маҳсус саноат маълумотларини бошқариш тизимлари.

Электрон ҳужжат алмашинув тизимлари ва билимларни бошқариш. Корпоратив ЭҲАТлари. Корпоратив ичидаи ахборотларни бошқариш ЕСМ-тизимлари. Электрон ҳужжат алмашув тизимлари бозорининг умумий ҳолати. ЭҲАТ иловаларини яратувчилар ўртасида рақобат. ЭҲАТларнинг Россия бозори.

ЭҲАТлар ривожланиш тенденциялари. Интернетга мўлжалланган ЭҲАТнинг ривожланиши. Электрон ҳужжат алмашув тизимларини иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўллаш. ЭҲАТларини кенг тарқалган корпоратив иловалар билан интеграцияси. ЕСМ- технологиялар. ЭҲАТларини

ERP – тизимлар билан интеграцияси. Электрон ҳужжат алмашув тизимларини CRM – тизимлар билан интеграцияси ва бошқалар кўрилган.

Электрон ҳукумат тизимларини қўллашдаги асосий қийинчиликлар. Корхоналарда электрон ҳужжат алмашув тизимларини қўллаш амаллари ва натижалари каби саволларга ургу берилган.

Ўрганилганларни инобатга олиб, таъкидлаш мумкинки, мазкур ўкув қўлланма электрон ҳужжат алмашув тизимларини иқтисодиётда тутган ўрни, ҳамда қўлланилиши кенг қўламда ёритилган. Унинг амалиётга татбиқи, яхши натижаларга олиб келиши кўриниб турибди. Зеро, бу мазмундаги китобларга эҳтиёж кучлидир.

I боб. АХБОРОТ ВА КОРПОРАТИВ ҲУЖЖАТЛАР ОҚИМИ

1.1. Корхонада ҳужжат алмашинуви

Ҳозирги вақтда электрон ҳужжат алмашинув замонавий ташкилотларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг амалдаги воситаларидан бирига айланаб бормоқда.

Ҳужжат алмашув тизимиға диққат эътибор қаратиш, сўнгги вақтларда инновацион бошқарув усулларини жорий этиш, тақдим этилган хизматларнинг сифатини ошириш учун ички жараёнларни қайта ташкил этиш заруратини англаш билан боғлиқ. Мазкур ҳолатда ҳужжат алмашинуви тизимлари ташкилотнинг инфратузилмасида асосий вазифани бажаради. Бу – электрон ҳужжат алмашинувининг тўлақонли тизимини жорий этиш устунликларини англашдир. Тизимларни ривожлантириш мамлакатимизда яратилган зарур меъёрий-ҳуқуқий ва инфратузилма базасини яратиш билан қўллаб-куватланади.

Тизимнинг асосий йўналиши – ҳужжатлар билан ишлаш, ходимлар ўртасида коммуникациялар тизимини такомиллаштириш ва ташкилотлар билимлар базасини тўплаш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳисобига бошқарув жараёнларини янги сифат даражасига кўтариш.

Ҳар қандай замонавий ташкилотда ҳужжат ахборотни тақдим этишнинг асосий усули ҳисобланади. Бизнесни муваффақиятли юритиш учун ташкилотнинг ахборот ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва сақланувчанлик аҳамияти шак-шубҳасизdir². Тўғри қарор қабул қилиш ва вазиятга қараб мослашиш қобилияти, бозорнинг барча ўзгаришларига тез мослашиш нафақат раҳбарнинг иқтидори ва тажрибасига боғлиқ. Ташкилотни бошқариш самарадорлиги бу ерда ҳужжат алмашинувини бошқариш қанчалик тўғри ташкил этилганлигига ҳам боғлиқ. Ҳақиқатда тўпланган ахборотдан самарасизроқ фойдаланиш (ёки уни йўқотиш) бутун бизнес барбод бўлишига

² Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. System analysis and design. Publisher: John Wiley & Sons, Inc., 2015, p.594.

олиб келиши мүмкін. Ахир вақтида олинмаган ахборот ёки хужжат, бұ авваламбор, йўқотилған пуллар, вақт ва бой берилған имкониятлардир. Бунинг натижасида, турли хужжатлар билан фаол иш олиб борилувчи ҳар қандай ташкилотда эртами кечми маълум ахборотлар ҳажмини тизимлаштириш, қайта ишлаш ва хавфсиз сақлаш муаммоси юзага келади. Замонавий электрон хужжат алмашинуви тизимлари ҳар қандай ҳажмдаги корхона фаолияти ва фаолият соҳасини оптималлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Умумий статистик маълумотлар

Қайд этиш жоизки, инсон тараққиёти ривожланиши яратиладиган, қайта ишланадиган ва сақланувчи ахборот ҳажмини ошириш тасаввурини юзага келтириши билан боғлиқ. Масалан, ASAP журналини баҳолаш бўйича, жаҳонда ҳар йили тахминан 6 млрд. янги хужжат пайдо бўлади. Delphi Consulting Group маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда АҚШда ҳар йили 1 млрд.дан ортиқ хужжат сахифалари яратилади, архивларда эса 1,3 дан ортиқ хужжатлар сақланмоқда.

Ўз иш вақтининг маълум қисмини ташкилот мутахассислари уларга зарур ахборотни излаш сингари хужжатларни яратиш ва жўнатишга сарфлайдилар. Референт-котиб ўз иш вақтининг 75 %ини хужжатлар билан ишлашга сарфлайди, раҳбарлар эса хужжатлар билан ишлашга иш вақтининг 45 %ини, корхонанинг оддий ходимлари эса 30 % вақтини сарфлашидан иборат.

Корпоратив ахборот оқимлари уни тақдим этиш манбаи ва шакллари бўйича ўта хилма-хилдир. Айни вақтда жами корпоратив ахборотнинг қарийб 30 %и электрон кўринишида сақланишини (таркиблаштирилған каби – маълумотлар базасига, таркиблаштирилмаганда ҳам) кўрсатувчи баҳолар ҳам мавжуд. Қолган барча ахборот (такминан 70 %), уни излашда катта қийинчиликлар туғдирган ҳолда сақланади. Шу билан бирга бу нисбат мунатазм электрон сақлаш шакли фойдасига ўзгаради (хусусан, электрон архивлар тизимини ривожлантириш орқали).

Delphi Consulting Group маълумотлари бўйича корпоратив электрон тест ахборотлари ҳажми ҳар 3 йилда икки баробар кўпаяди. Айнан шу ASAP журналининг башортига кўра, 2019 йилга келиб, корпоратив ахборотнинг тахминан 30 %и қоғоз кўринишида қолади, ахборотнинг 70 %и эса электрон кўринишда сақланади. Вақти келиб барча ҳужжатлар факт электронга айланади, бироқ, истиқболда ҳужжатларни электрон сақлаш шакли устунлик қила бошлайди. Бунда электрон ҳужжат атамаси остида кўриб чиқилаётган талқинида, одатда матнли файл, MS Word ҳужжат, MS Excel электрон жадвал, электрон файл, график файл, турли форматдаги бир неча ўзаро боғлиқ файллар (тузилган ҳужжат) ва бошқалар тушунилади.

Ушбу таассурот қолдирувчи рақамлар ва маълумотлар ҳужжат алмашинувини оптималлаштириш ва ахборотни қайта ишлаш назорати масалалари асосий аҳамиятга эга. Бу фикрни қуидаги маълумотлар билан тасдиқлаш мумкин. Siemens Business Services баҳоси бўйича раҳбарлар ўз иш вақтларининг 80 %ини ахборотлар билан ишлашга, ходимлар иш вақтининг тахминан 30 %и ҳужжатларни яратиш, излаш, мувофиқлаштириш ва жўнатаишга сарфланади, ҳар бир ички ҳужжат нусхалаштирилади, ўртacha ҳисобда 20 марта ва 15 % корпоратив ҳужжатлар йўқолади (бунда ASAP журнали маълумотларига кўра, ўртacha статистик хизмат кўрсатувчи ҳар йили ўз иш вақтининг 150 соатини йўқолган маълумотларни излашга сарфлайди). Шунингдек ҳужжатлар билан ишлашга меҳнат ресурсларининг 40 %ини ва корпоратив даромаднинг 15 %ини сарфлашга тўғри келаётганини қайд этувчи маълумотлар ҳам мавжуд.

Ҳозирги вақтда аксарият ташкилотларнинг корпоратив ахборотлари (шартномалар, прайс-листлари, буйруқлари, ишбилармонлик хатлари, молиявий ҳужжатлари) ҳам қоғоз шаклида, ҳам электрон кўринишда сақланмоқда (кўпинча тартиблаштирилган ҳолда файл-серверларда сақланади). Бунда ахборотни нусхалаштириш юзага келиши муқаррар, шунингдек ҳужжатларнинг турли талқинлари ва уларни сақланиш хавфсизлиги

таъминланмайди. Яъни ҳужжатларни сақлашнинг электрон шакли устунлик қилганда, улар баъзан самарали фойдаланилмайди.

Электрон ҳужжатлардан самарали фойдаланиш эҳтиёжи, айнан электрон ҳужжат алмашув тизимини яратишни келтириб чиқарди (улардан энг биринчилари 1980 йилда пайдо бўлди). Бу тизимлар Electronic Document Management Systems (EDMS) деб ҳам номланади.

EDMS-тизимлар жаҳон электрон ҳужжат алмашув ва ахборот тизимлари таркибини бошқариш бозори, яъни DCT (document and content technologies) бозорининг ажралмас қисми ҳисобланади. IDC таҳлилчилари DCT-бозорининг қуидаги сегментларини ажратиб қўрсатдилар: электрон ҳужжат алмашинув тизимлари; корхона порталларидағи бошқарув тизимлари таркиби ва электрон тижорат учун таркибий қисмларни бошқариш тизимлари.

1.3. Корпоратив ҳужжатлар салмоғи

Корхоналарнинг корпоратив ҳужжатлар билан ёппасига ишлаш самарадорлигини оширишга эҳтиёjlари ортиши ушбу бозорнинг янада ривожланишига туртки бўлиши муқаррар. IDC прогнозига кўра³ жаҳон DCT бозори ҳажми 1999 йилдаги \$1,1 млрд АҚШ долл.дан 2004 йилда қарийб \$4,4 млрд. АҚШ долл.га ортиши лозим (ҳар йили 32% ўсиш суръатлари билан). Электрон тижоратни кенг тарқалганлиги ва корхоналарнинг ахборотдан фойдаланишга оид Web-мос бирлаштирилган инструментал воситаларга эҳтиёжи ортиши бозорнинг ривожланишига кўмаклашади.

Бунда истеъмолчиларнинг ахборотларни йиғиш, излаш ва таҳлил қилувчи инструментал воситаларга эҳтиёжи жадал ортиб боради, ушбу воситалар ёрдамида матнли файлларни, график файлар, видео ва аудио файлларни турли йўллар билан тўплашга янада тезкор ишлов бериш мумкин. IDC баҳоларига кўра, ҳозирги вактда электрон ҳужжат алмашинув тизимлари савдоси DCT-бозорида даромад негизини шакллантиради. Бироқ электрон тижорат учун иловалар сегменти янада тезкорликда ривожланмоқда.

³ Document and Content Technologies Applications Forecast and Analysis, 2000-2004.

1998-1999 йй.да ушбу сегментнинг ҳажми 143,1 %га ошди. Қиёслаш учун, кўриб чиқилаётган даврда электрон ҳужжат алмашинув тизимларини яратиш сегменти ҳажми фақатгина 19,5 %га, корхона порталлари учун иловалар сегменти ҳажми эса 64,6 %га ортган. Шу билан бирга, таҳлилчиларнинг баҳоларига кўра, бизнесни муваффақиятли юритиш учун самарали ҳужжат алмашинув тизимларини жорий этиш сақланиб қолмоқда, келгусида ҳам уларнинг аҳамияти янада ортиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида мақсадлари нафақат сақланиб қолиш, балки янада тараққий этишни мақсад қилган корхоналар бунга фақат ишларни энг самарали ташкил этиш технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкинлигини англашетишлиари лозим. Таянч технологиялардан бири – электрон ҳужжат алмашинув бўлиб, унинг ёрдамида ташкилот ичида, ташкилотлар, тартибга солувчилар, таъминотчи ва истеъмолчилар, мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни самарали ташкил этиш мумкин.

Бугунги кунда ЭҲАТ нинг аҳамиятини деярли ҳамма англашетмоқда. Бу эса бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш тезлиги ва сифатини ошириш, қоғозга сарф-харажатларни қисқартириш, қимматли майдонни тежаш, ходимларга боғланиб қолиш ҳолатларини қисқартириш, интизомни яхшилаш, янги ходимларнинг мослашиш ҳолатларини тезлаштириш имконини беради. Электрон ҳужжатларни сақлаш, излаш, жўнатиш нисбатан осонроқ ва бу жараёнларда ҳеч бир ҳужжат йўқолмайди.

Ўзбекистонда, шу жумладан давлат бошқарувида ҳам ахборот-коммуникация технологияларини оммавий жорий этиш ва фойдаланишни таъминлаб берувчи стратегияларни ишлаб чиқиш бўйича маълум ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қуйидаги давлат дастурлари қабул қилинди: «Телекоммуникацияни ривожлантириш дастури», «Давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш дастури», «Электрон тижоратни ривожлантириш дастури». Буларнинг барчаси 2003-2010 йилларга мўлжалланган.

Давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш дастурида “Сирдарё вилояти давлат идораларида Электрон ҳужжат алмашинув тизими (ЭҲАТ)”ни ишлаб чиқиши ва жорий этиш кўзда тутилган.

Сирдарё вилояти давлат идораларида ЭҲАТ ни жорий этиш бўйича парвоз лойиҳалари икки йил мобайнида амалга оширилди. Лойиҳа ижрочиси Сирдарё вилояти ҳокимияти, “Сирдарё телеком” АҚ ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳисобланади. Лойиҳа БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон ҳукуматига Ўзбекистонни ривожлантириш учун АКТ⁴ни аниқ талқин этиш ва жорий қилишга кўмаклашиш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида молиялаштирилди. Мазкур лойиҳа учун ахборот-коммуникация ускуналари ва компьютер техникиси Халқаро Электрон алоқа Иттифоқи томонидан тақдим этилди. Парвоз лойиҳаси Россиянинг “Техносерв А/С” компанияси томонидан амалга оширилди.

Парвоз лойиҳасини амалга ошириш натижасида Сирдарё вилоятида давлат идоралари, бизнес ва аҳоли ўртасида электрон ахборот алмашинуви яратилди, вилоятнинг электрон орқали ташкил этилди.

Электрон ҳужжатлардан самарали фойдаланишга ЭҲАТИЁЖ электрон ҳужжат алмашув тизимини яратиш заруратини келтириб чиқарди. Ушбу қўлланманинг асосий мақсади электрон ҳужжат алмашинув концепциясини кўриб чиқиши, жаҳон ва Россия ЭҲАТ бозорининг ҳозирги ҳолатини намоён этиш, уни ривожлантириш истиқболлари, жаҳонда ЭҲАТни қўллаш намуналари, электрон ҳужжат алмашинув тизимларини танлаш масалалари, уларнинг самарадорлиги баҳолаш ва инвестицияларнинг қайтишини ҳисобга олган ҳолда электрон ҳужжат алмашинув тизимларининг жорий этилиш хусусиятлари ёритиб беришдан иборат. Бунда асосий эътибор давлат бошқарувида электрон ҳужжатлар тизимидан фойдаланишга қаратилади.

⁴ АКТ – Ахборот коммуникация технологиялари.

1.4. Электрон ҳукумат мақоми

Электрон ҳукуматнинг асосий ички моделлари:

- G2C – давлат ва фуқаролар ўртасидаги (Government – Citizen);
- G2B – давлат ва тижорат ўртасидаги (Government to – Business);
- G2G – давлат ҳукуматининг турли тармоқлари ўртасидаги (Government to – Government);
- G2E – давлат ва давлат хизматчилари ўртасидаги (Government to – Employess).

Мазкур материаллар Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тўғрисидаги 2015 йил 9 декабрда қабул қилган қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартағи “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сонли, 2013 йил 26 мартағи “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1942-сонли ва 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлигининг № 360-сонли, 2013 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2013 йил 23 сентябрда тасдиқланган 08-/417-сонли чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш тўғрисида” ги буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида ёритилди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг ахборот коммуникация технологияларини жамиятнинг барча соҳаларидаги кенг ва изчил татбиғини таъминлаш борасида олиб бораётган оқилона сиёсатини амалдаги ижросини таъминлаш замин яратади

Калит сўзлар. Ҳужжат, корпоратив ахборот оқими, EDMS-тизимлар, DCT бозори, электрон ҳукумат, электрон ҳукуматнинг асосий ички моделлари,

Назорат учун саволлар

1. Электрон ҳужжат алмашинув деганда нимани тушунасиз?
2. Ташкилотда ахборотни тақдим этишнинг асосий усули қайси?

3. Жаҳонда ҳар йили қандай миқдорда ҳужжат пайдо бўлади?
4. Корпоратив ахборот оқимлари сақлаш талаблари қандай?
5. EDMS-тизимлари ҳақида маълумот беринг?
6. DCT бозори нима?
7. Электрон ҳукумат мақоми тўғрисида баён қилинг.
8. Электрон ҳукуматнинг асосий ички моделлари қайси?

II боб. ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВ ТИЗИМЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИ

2.1. Электрон ахборот ресурслари

1. Ҳужжатлаштиришнинг асосий тушунча ва таърифлари. Ҳар бир ташкилотнинг фаолияти турли кўринишдаги ахборотни юзага келтириш ва ундан фойдаланиш билан боғлик. Ҳўжалик иқтисодий фаолиятида ахборот деганда кенг маънода атроф-муҳит ҳақидаги исталган маълумот тушунилиб, унга атроф-муҳит билан ўзаро таъсир, унга мослашиш ва ўзаро таъсирлар жараёнидаги ўзгаришлар орқали эришиш мумкин. Истеъмолчи нуқтаи назаридан ахборот якуний истеъмолчи томонидан фойдали деб қабул қилинган, тушунилган ва баҳолангандан янги маълумотлардир.


Ахборот ташкилотга қандай имконият беради? Ахборот ташкилотга қўйидаги имкониятларни тақдим этади:

- ташкилотнинг стратегик, тактик, тезкор мақсад ва вазифаларини белгилаш;
- ташкилотнинг жорий ҳолати, унинг бўлинмаси ва ундаги жараёнлар назоратини амалга ошириш;
- асосли ва ўз вақтидаги қарорларни қабул қилиш;
- мақсадга эришишда бўлинмалар ҳаракатини мувофиқлаштириш.

Узатилувчи ахборотни бирлаштирувчи ахборот оқимлари ташқи муҳит билан бирга ташкилотнинг ички муҳитида ҳам мавжуд. 1-расмда ташкилотнинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсиридаги соддалаштирилган тизим ва мавжуд ахборот оқимлари тасвирангандан.

Ахборот оқимлари ахборотнинг манбалардан истеъмолчиларга мақсадли ҳаракати бўлиб, йўналиш, унинг кириш ва чиқиш жойи билан ифодаланади. Ахборот оқимларининг манзиллилик, ахборот узатиш тартиби ва узатилувчи ахборот ҳажми сингари тавсифлари мухим ҳисобланади⁵.

⁵ Ralph M. Stair, George W. Reynolds. Principles of Information Systems. 2016 Course Technology, Cengage Learning, 705 p.



1-расм. Ахборот оқимлари чизмаси

Оқимда узатилувчи ахборот эса ҳажм, аниқлик, қыммат, түйиниши ва очиқлик орқали ифодаланади. Ташкилот доирасида юзага келиш манбай нұқтаи назаридан ички ва ташқи ахборот, уни ташкил этувчи ахборот ресурслари мавжуд. Ички мұхитдаги, одатда, аниқ ахборот молия-хұжалик фаолияти ҳолатини түлиқ акс эттиради. Унга ишлов бериш қўпинча стандарт ифодаланувчи тартиботлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Ташқи мұхит – ташкилотдан ташқарыда амал қилувчи иқтисодий ва сиёсий субъектлар ҳамда улар билан муносабатлар. Бу иқтисодий, ижтимоий, технологик, сиёсий ва ташкилотнинг мижозлар, таъминотчилар, воситачилар, рақиблар, давлат идоралари билан бошқа муносабатлари.

Ташқи мұхит ҳақидаги ахборот күпинча тахминий, ноаниқ, түлиқсиз, қарама-қарши, әхтимолий күринишга эга. Бундай ҳолатда у ностандарт ишлов бериш усууларини талаб этади.

Ташкилот турли манбалардан қуидаги ташқи ахборотни олиши мүмкін:

1. Иқтисодиёт ҳолати ҳақидаги умумий ахборот. Манба: ахборот-тахлилий материаллар, махсус журналлар, газеталар, Интернет ресурслари.

2. Махсус иқтисодий ахборотлар: молиявий бозор бўйича.

3. Товарлар нархлари бўйича ахборот. Турли манбалар, шу жумладан, Интернет ҳам.

4. Ўзига хос ахборот. Ўзига хос ахборотни излашда излаш тизимларидан фойдаланилади.

5. Давлат бошқаруви идоралари ҳақидаги ахборот. (қонунлар, қарорлар, солик идоралари хабарлари).

Ҳар бир ресурс сингари, ахборот ресурсларини бошқариш мүмкін, ахборот әхтиёжларини ўрганиш, ахборот ресурсларини режалаштириш ва бошқариш керак.

Ахборот ресурслари. Ахборот ташкилотнинг мүхим ташкилий ресурсларини акс эттиради. У кадрлар ресурслари, молиявий ресурслар билан бир қаторда ташкилот ресурслари умумий комплексига киради. Ахборотнинг келиб тушиши ва унга ишлов бериш тартиби бузилиши корхона амалий тизимлари ишида узилишларга сабаб бўлади, бу умуман корхона фаолияти самарадорлиги пасайишида ифодаланади.

Ахборот ресурслари ташкилотда айланувчи ахборотлар йиғиндисидир. Унинг моҳиятини тушунишни аниқлаш учун қуидаги қатор қоидаларга эътибор қаратиш зарур:

- ахборот – комплекс категория, яъни ахборот иш юзасидан мулоқот воситаси ва шарти;
- ахборот – жамиятга ташкилот ҳақида маълумотларни етказиш воситаси;
- ахборот – ташқи мұхит ҳақидаги маълумотлар манбаи;
- ахборот – товар;

- ахборот ишлаб чиқаришнинг мустақил омилини акс эттириб, у бошқарув қарорини қабул қилиш жараёнига асосланади.

Ахборот бошқа ресурс турлари билан кўпгина умумий хусусиятларга эга:

- ахборотни унда ташкилот эҳтиёжларини аниқлаш нуқтаи назаридан режалаштириш зарур;

- ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш харажатларини иқтисодиёт нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин, улар ташкилотнинг умумий балансига киритилиши керак;

- ахборот ресурслари уларни ички ҳамда ташқи манбалардан қондириш имкониятлари билан қиёсланиши керақ;

- истеъмолда ахборот йўқолмайди, балки ўз қимматини ўзгартиради.

2. Ҳужжатлаштириш тизими. Ахборот, одатда, маҳсус ташувчиilar – ҳужжатлар, магнит дискларда қайд этилиб, улар бошқарув обьектларининг таркибий қисмлари орасидаги функционал алоқаларни таъминлайди. Ҳужжат корхонадаги фаолиятни тартибга солувчи ва қайд этувчи намунавий ахборот обьекти ҳисобланади. Ҳар бир ташкилот учун уч асосий: кирувчи, ички ва чиқувчи ҳужжатлар оқими фарқлаш мумкин, улар ҳужжатлар оқимини белгилайди (1-жадвал).

1-жадвал

Ташкилотнинг ҳужжат оқими тавсифи

| Ҳужжат шакли | Ҳужжатлар оқими | | |
|--------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------|
| | кирувчи ахборот | ички ҳужжатлар | чиқувчи ахборот |
| Электрон ҳужжатлар | Электрон почта хабарлари Факсимил ахборот | Корпоратив тармоқдаги хабарлар Факслар | Электрон почта бўйича хат ва жавоблар Факсимил ахборот |
| Қоғозли ҳужжатлар | Хатлар Келишув ва шартномалар Қонунчилик ҳужжатлари Меъёрий ҳужжатлар Даврий нашрлар Китоблар Реклама Анкеталар | Бўйруқлар Йўриқнома Хисоботлар Хизмат ёзишмалари Хизмат сафари ҳужжатлари Бухгалтерия ҳужжатлари | Хатлар Келишув ва шартномалар Пресс-релизлар |

Дастлабки, ишлов берилмаган ахборотдан иборат кирувчи хужжатлар бошқарув обьекти ҳолатини акс эттиради; қўлда тўлдирилади ёки техник воситалар ёрдамида тўлдирилади. Кирувчи хужжатлар ишлов бериш натижасида олинган жамланган гурухловчи маълумотларни ўз ичига олади, ҳамда чоп этмайдиган мосламаларда тайёрланади.

Хужжатлаштирилган ахборотлар кўплаб кўрсаткичларни терминологик бирлик ва кўрсаткичлар орасидаги ўзаро таъсирни изоҳлаш бирхиллигини белгилаш мақсадида маълум тизимга келтиришни таъминлайди.

Иш юритиш вазифаси кирувчи хужжатларга ишлов бериш, уларни фирма ичида юритиш, чиқувчи хужжатларни жўнаташ, ҳисобга олиш, рўйхатга олиш, ижрони назорат қилиш, ишларни шакллантириш, сақлашни ташкил этишлар киради.

Хужжат – белгиланган шаклга мувофиқ моддий ташувчида жойлашган ва юридик кучга эга вазифаларни ҳал этишда фойдаланиувчи маълумотларнинг маълум йиғиндисидир.

Хужжат шакл, мазмун бирлиги билан махсус тил белгиси сифатида кўриб чиқилади ва қўйидаги хоссаларга эга [18]:

- яrim функционаллик, хужжат тизимда юз берувчи жараён ва элемментлар ҳолати, уларга ишлов бериш, сақлаш ва унинг масофасини узатиш ҳақидаги ахборотни рўйхатга олиш вазифасини бажариш учун мўлжалланиши мумкин;

- мансабдор шахсларнинг имзолари мавжудлиги билан таъминланувчи юридик куч мавжудлиги, у туфайли хужжатда мавжуд ахборотнинг тўғрилиги тасдиқланади.

Хужжат – ахборотли хабар бўлиб, у қоғозли, товушли ёки электрон шаклда тақдим этилиши мумкин. Хужжатларнинг қоғозли шакллари ахборотли хабарни қўлёзма ёки нашр усулида белгиланган шаклдаги бланкада табиий тилда қайд этилади. Ҳар бир хужжат ахборот элементлари: реквизит - белгилар ва реквизит - асосларни ўз ичига олади.

Бланк – доимий ахборот мавжуд такрор ишлаб чиқилувчи реквизитлар билан қоғоз шаклига эга.

Реквизит – ҳужжатнинг ахборот элементи. Реквизитлар йифиндиси ҳужжатнинг турга мансублигини белгилайди. Реквизит ҳужжатлар гурухи учун умумий ва ҳар бир муайян ҳужжат учун алоҳида ҳисобланган ўзгарувчан доимий ахборотдан иборат бўлиши мумкин.

Ҳужжат тури – умумий йўналиш ва ягона формулярга эга ҳужжатлар йифиндиси.

Ҳужжат тури формуляри – маълум кетма-кетликда жойлашган ҳужжатнинг маълум турига хос реквизитлар йифиндиси.

Формуляр – намуна (ҳужжатнинг тузилиш модели) – маълум кетма-кетликда жойлашган маълум комплексдаги ҳамма ҳужжатларга хос реквизитлар йифиндиси.

Ҳужжатлар тизими – бошқарув вазифаларидан бирини бажариш жараёнида фойдаланиувчи ва мунтазам ҳосил қилинувчи ўзаро боғлиқ ҳужжатлар йифиндиси.

3. Ҳужжат тизимлари таснифи. Ҳужжат тизимининг фарқли хусусияти – ҳужжатлар туридаги турли-туманлик бўлиб, уларни қуидагича таснифлаш мумкин:

- расмийлик даражаси бўйича – тасдиқланган ва тасдиқланмаган шаклдаги ҳужжатлар;
- такрор ишлаб чиқаришнинг расмий акс эттирилиши бўйича – ишлаб чиқариш, савдо ва ҳоказо;
- бошқарув даражаси бўйича – давлат даражаси, вазирлик даражаси, бирлашма, корхона ва ташкилотлар даражаси;
- фаолият соҳаси бўйича – режали, ҳисобга олинган, статистик, молиявий, бухгалтерлик ва ҳоказо. Ҳужжатларнинг ҳар бир гурухи маълум операция ва объектларни ифодаловчи маълумотларга эга;
- маълум бошқарув вазифасига мансублик бўйича – прогнозлаш, режалаштириш, ҳисоб, назорат, таҳлил, меъёрлаш, тезкор бошқарув ва ҳоказо;

- тизимга нисбатан – ички ва ташқи;
- олиш усули бўйича – бирламчи ва иккиламчи (ишлаб чиқариш, чиқувчи);
- ахборот тизимида нисбатан – тизимда ишлов берилмайдиган ва ишлов берилувчи ҳужжат;
- бошқарув объекти (вазифа)га нисбатан – бирламчи (кирувчи), натижали (чиқувчи, жамлама), оралиқ ва архивли;
- хўжалик операцияларининг мазмуни бўйича – моддий, пулли ва ҳисоб-китобли;
- реквизитларнинг барқарорлиги бўйича – доимий ва тезкор;
- йўналиш бўйича – буйруқли ва ижроли;
- акс эттирилевчи операциялар ҳажми бўйича – айрим ва жамлама;
- ҳисобга олинувчи операциялар бўйича – бир ва кўп муддатли;
- тўлдириш усули бўйича – кўлда тўлдирилевчи; яrimавтомат ҳужжатлар, унда ахборотнинг бир қисми автоматик тарзда маълумотлардан, қолган қисми клавиатурада кўлда териш орқали;
- электрон ҳисоблаш машинаси(ЭҲМ) ёрдамида амалга оширилевчи, автоматик олиш орқали ҳужжатга киритилади;
- техник воситаларнинг техник фойдаланиш имкониятларига мослашув даражаси бўйича – машинада ишлов беришга мослашган ва мослашмаган;
- расмийлаштириш бўйича бир ва икки томонлама ҳужжатлар. Компьютерга киритилувчи икки томонлама ҳужжатлардаги реквизитларни бланкнинг бир томонида жойлаштириш лозим;
- ишлов беришга мослашув шакли бўйича – намунавий ва алоҳида.

Намунавий ҳужжатлар компьютерда ишлов беришга мослаштирилиши керак, бу маълумотларга ишлов бериш намунавий тартиботларини яратиш имконини беради. Ҳисоб-китобларнинг катта тармоқли ва тармоқ ичидаги ихтисослашуви алоҳида ҳужжатларни қўллашга сабаб бўлади, гарчи бу уларга ишлов беришни мураккаблаштиrsa-да, тайёрлаш харажатларини оширади:

- реквизитларни ҳужжатда жойлаштириш усули бўйича – анкета, зона, жадвал ва аралаш шаклли;
- даврийлик бўйича – йиллик, чораклик, ойлик;
- муддат бўйича – муддатли ва муддатсиз.

Калит сўзлар: Ахборот ресурслари, ташкилот, ахборот – комплекс категория, ахборот – товар, ҳужжат, ҳужжатлар тизими, реквизит, бланк

Назорат учун саволлар

1. Ахборот ва ахборот ресурслари тўғрисида сўзлаб беринг.
2. Ахборот ташкилотга қандай имконият беради?
3. Оқимда узатилувчи ахборот нималар орқали ифодаланади?
4. Ташкилот қайси манбалардан ташқи ахборотни олади?
5. Ахборот ресурсларини ташкилотдаги моҳиятини тушунишни аниқлаш учун қандай қоидаларга эътибор қаратиш зарур?
6. Ахборот бошқа ресурс турлари билан қандай умумий хусусиятларга эга?
7. Ҳужжатлаштириш ахборотлар деганда нимани тушунасиз?
8. Ҳужжат нима?
9. Ҳужжат тизимининг фарқли хусусиятлари қайси?

2.2. Ҳужжатлаштириш тизимини такомиллаштириш йўллари

1. Унификацияланган ҳужжатлар тизими. Бошқарув органларининг асосий иш мазмуни – ҳужжатлар билан ишлаш шаклида давом этувчи бошқарув қарорларини ишлаб чиқишдан иборат. Шунинг учун уларнинг ўз функцияларини амалга ошириш самарадорлиги сезиларли даражада ташкилотда қабул қилинган ҳужжатлар билан ишлаш тизими.

Автоматлаштирилмаган ахборот тизимлари(АТ)га хос мавжуд ҳужжатлар тизими турли ҳужжатларнинг кўплиги; ҳужжатлар ҳажмининг катта оқими ва уларнинг чалкашлиги, ҳужжатлардаги ахборот ва уларга ишлов бериш бўйича ишлар бир-бирини тақорорлаши, охир-оқибатда, олинган натижаларнинг аниқлик даражаси камлиги билан фарқланади. Бундай тизимларда ҳужжатларга ишлов бериш бошқарув ходимлари вақтининг 40% дан ортиқ қисмини

эгаллайди. Ҳужжатлар тизимини соддалаштириш ва такомиллаштириш учун қуйидаги икки ёндашувдан фойдаланилади:

- ҳужжатларни унификациялаш ва стандартлаштириш;
- электрон ҳужжатлар ва уларга ишлов бериш бўйича янги ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган қоғозсиз технологияларни юритиш.

Ҳужжатларни унификациялаш. Ҳужжатларни унификациялаш синтаксик ва семантик унификациялаш натижасида ҳужжатларнинг ягона шаклини юритиш йўли билан бажарилади. Шу тариқа, кўрсаткичлар, ўлчов бирликлари терминлар номига бирхиллик киритилади, натижада унификацияланган ҳужжатлар тизими ҳосил бўлади.

Унификацияланган ҳужжатлар тизими (УХТ) – ўзаро боғлиқ ҳужжатларнинг оқилона ташкил этилган комплекси, у ягона талаб ва қоидаларга жавоб беради ҳамда баъзи объектларни қулай бошқариш учун зарур ахборотга эга бўлади.

Унификацияланган ҳужжатлар тизими маълум фаолият турларида маълумотлар, уларни юритиш воситалари, уларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича меъёрий ва услубий материалларни ҳужжатли тақдим этишни таъминлайди. УХТ ишлаб чиқилувчи бошқарув даражаси бўйича мамлакатнинг ҳамма ташкилотларида фойдаланиувчи умумдавлат ва тармоқларо ҳужжатлар тизимиға бўлинади, муайян тармоқ ташкилотларида қўлланиувчи тармоқ ва маҳаллий даражадаги, яъни корхона ёки ташкилотлар доирасида фойдаланиш учун мажбурий ҳужжатлар тизимиdir.

УХТни ишлаб чиқиш билан бирга ҳужжатларнинг унификацияланган тизимларида мавжуд маълумотларга интеграцияли ишлов беришни таъминловчи техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ишлаб чиқилади.

УХТнинг ҳар бир тури қуйидаги талабларни қондириши лозим:

- УХТ таркибиға кирувчи ҳужжатлар ўзаро боғлиқ АТ улардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак;

- УХТ ушбу тизим ишлаб чиқилувчи объектни қулай бошқариш учун зарур түлиқ ахборотга эга бўлиши керак;
- УХТ ахборотга түлиқ давр бўйича ишлов бериш учун техник воситаларидан фойдаланишга мўлжалланган бўлиши керак;
- УХТ турли даражадаги АТнинг ахборот сифимини таъминлаши керак;
- УХТ билан ишлаб чиқилувчи таркибга кирувчи ҳамма хужжат ва реквизитлар – улардаги белгилар халқаро, миллий, тармоқ ва маҳаллий классификаторлардан фойдалangan ҳолда кодланган бўлиши керак.

2. Анъанавий иш юритиш тизими. Анъанавий иш юритиш тизими уларнинг ижросидаги ҳамма босқичларда хужжатларнинг марказлаштирилган назоратига асосланган ва қатор муҳим афзаликларга эга. Бироқ катта ҳажмдаги ишлов берилувчи хужжатлар мавжудлигига қоғозли хужжатлар билан ишлашда муаммолар юз бериши муқаррар:

- ташкилотда хужжатларни узатиш бўйича узок муддатли тартибот;
- хужжатлар жойлашуви бўйича ахборотларнинг йўқолиш имконияти;
- алоҳида ходимлар иши билан бирга умуман ташкилот фаолиятининг юқори идора ва жамиятлар томонидан самарали назорат мавжуд эмаслиги;
- қоғозли хужжатлар ҳаракати ва сақланиши инфратузилмасидаги юқори харажатлар;
- бошқарув ходимлари фаолиятида эскирган операцияларнинг юқори меҳнат сифими ва сифатли қарорларни тайёрлашга вакт етмаслиги.

Кўпинча бу муаммолар масалаларни кўриб чиқишидаги муддатларнинг асоссиз чўзилиши, самарасиз иш ва ташкилотнинг яхши бошқарилмаслигига сабаб бўлади.

Бу муаммони ҳал этиш учун ахборот технологияларини қўллаш бўйича икки эҳтимолий ёндашув мавжуд:

- хужжатлар билан ишлаш бўйича мавжуд тартиботларнинг самарадорлигини ошириш (иш юритишни автоматлаштириш);
- электрон хужжат алмашувга ўтиш.

Иш юритиш – хужжатларни рўйхатга олиш, ижро назорати, излаш ва

сақлаш билан бөглиқ ишларни ташкил этиш бүйича ўзига хос фаолиятдир, унинг бажарилиши белгиланган қоида ва стандартларга асосланади.

Хужжат алмашинуви – ташкилот ичида ва ташкилотлар орасыда хужжатлар ҳаракати уларни олиш ёки яратиш вақтидан бошлаб, ижро ёки жүннатишга қадар жараёнлар йиғиндиси.

Электрон хужжат алмашинуви – электрон хужжатларни ахборот тизими орқали олиш ва жүннатиш жараёнлари йиғиндисини акс эттиради. Электрон хужжат алмашинув ғояси шундан иборатки, хужжатлар учун умуман қоғозли хужжат версиялари яратилмайди. Бу самарадорликни сезиларлича ошириш ва аралаш хужжат алмашинувига нисбатан ҳаражатларни камайтириш имконини беради.

Хужжатларни бошқариш – алоҳида ижрочилар ёки ижрочилар гурухи томонидан яратилувчи, шу жумладан узокдан фойдаланиш орқали хужжатларни яратиш жараёни.

Иш юритишни автоматлаштириш шунга асосланадики, қоғоз хужжатини рўйхатга олишда у тўлиқ ёки қисман электрон шаклга ўтказилади, келгуси иш асосан электрон рўйхатга олиш карточка ва хужжатларни тақдим этиш билан юритилади.

Бундай технологияни жорий этиш қўйидаги имкониятларни яратади:

- ташкилот бўйича хужжатлар ҳаракатини тезлаштириш;
- хужжатларни ўз вақтида кўриб чиқилишини кафолатлаш;
- хужжатлар ижроси ва бошқарув қарорларини қабул қилишнинг самарали назоратини таъминлаш;
- алоҳида ходимлар билан бирга умуман ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш;
- қўплаб қоғозли хужжатларни сақлаш ва узатиш, кўпайтириш ҳаражатларини камайтириш;
- қарор қабул қилишда ижрочига юқори даражада тўлиқ хужжатлар базасини тақдим этиш ҳисобига унинг асослилиги ва сифатини ошириш.

Бундай ёндашувда ҳужжатларни рўйхатга олиш жараёнида қўшимча харажатлар юзага келади. Шундай бўлса-да, ташкилот ҳужжатларининг сезиларли қисми электрон кўринишда олинса, уларнинг олдини олиш мумкин. Электрон ҳужжат алмашинувига ва иш юритиш(ЭҲАИ)га тўлиқ ўтиш сезиларлича вақт талаб этишини қўзда тутиш зарур. Лекин автоматлаштирилган иш юритиш тизимларни жорий этиш ҳозирданоқ электрон ҳужжат алмашинувига ўтиш учун яхши технологик шароит яратмоқда, чунки бундай ташкилотларда ходимлар аста-секин қофозлар билан ишлашни унутадилар (қофоз алмашинув канцелярия, архив ва экспедицияда қолиб кетади), уларга технологик эҳтиёж йўқолади.

Баъзи ҳужжат турлари (масалан, ички ҳужжатлар) учун электрон ҳужжат алмашувни айни вақтда қўллаш мумкин. Уни ҳамма ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келиштиришда ҳам қўллаш мумкин.

3. Электрон ҳужжат алмашув тизимларининг вазифалари. Электрон ҳужжат алмашинуви: комьютер тармоқларидан фойдаланиш асосида ташкилотда айланувчи ҳужжатларни яратиш, уларга ишлов бериш, ахборот узатиш, сақлаш, чиқаришни ўз ичига олади. Электрон ҳужжат алмашинувини бошқариш деганда умумий ҳолатда корхона ёки ташкилот бўлинмалари, фойдаланувчилар гуруҳи ёки алоҳида фойдаланувчилар орасидаги ҳужжатлар ҳаракатини ташкил этишни тушуниш қабул қилинган. Бунда ҳужжатлар ҳаракати деганда уларнинг табиий жой лашишигина эмас, балки муайян фойдаланувчиларни хабардор қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш орқали уларнинг қўлланиш ҳуқуқини бериш тушунилади.

ЭҲАТ тушунчаси. IDC электрон ҳужжат алмашинуви тизими (ЭҲАТ) (EDMS – Electronic Document Management Systems) тушунчасини қўйидагича таърифлайди: “ЭҲАТ компютер тармоқларида ҳужжатларни яратиш, уларнинг катта ҳажмини тарқатиш ва ундан фойдаланишни бошқариш жараёнини таъминлайди, шунингдек, ташкилотдаги ҳужжатлар оқими назоратини таъминлайди. Кўпинча бу ҳужжатлар маҳсус сақлаш жойларида ёки файлли тизим кетма-кетлигида сақланади. Файл турлари, улар, одатда, ЭҲАТни

қўллаб-қувватлайди ва қуидагиларни ўз ичига олади: матнли ҳужжатлар, тасвиirlар, электрон жадваллар, аудио маълумотлар, видео маълумотлар ва Web-ҳужжатлар.

ЭҲАТнинг умумий имкониятларига: ҳужжатлар яратиш, ундан фойдаланишни бошқариш, маълумотлар конвертацияси ва маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш”.

ЭҲАТнинг асосий йўналиши – электрон ҳужжатларни сақлаш, шунингдек, улар билан ишлашни ташкил этиш (хусусан, атрибут ҳамда таркиби бўйича излаш). ЭҲАТда ҳужжатлардаги ўзгаришлар, ҳужжатларнинг ижро муддатлари, ҳужжатлар харакати автоматик тарзда кузатилиши, шунингдек, уларнинг ҳамма версия ва кичик версиялари назорат қилиниши керак. Комплекс ЭҲАТ ташкилотда иш юритиш бўйича тўлик давр – ҳужжатни яратиш бўйича вазифани белгилашдан то уни архивга рўйхатдан чиқаришга қадар қамраб олиши, ҳар бир шаклдаги ҳужжат, шу жумладан, мураккаб композицияли ҳужжатларнинг марказлаштирилган сақланишини таъминлаши керак.

ЭҲАТ худудий жиҳатдан узоқ корхоналарнинг тарқоқ ҳужжатлари оқимини ягона тизимга бирлаштириши керак. Улар ҳаракат йўналишларини қатъий белгилаш ёрдамида ҳамда ҳужжатларнинг эркин йўналиши йўли билан ҳам мослашувчан бошқаришни таъминлаши керак. ЭҲАТда фойдаланувчиларнинг компетенцияси, эгаллаган лавозими ва тайинланган ваколатига боғлиқ ҳолда фойдаланиш бўйича қатъий чеклов амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, ЭҲАТ мавжуд ташкилий-штатли тузилма ва ташкилотларнинг иш юритиш тизимига мослашиши, шунингдек, мавжуд корпоратив тизимларга бирлашиши керак.

4. Электрон ҳужжат алмашинувини бошқариш. Электрон ҳужжат алмашинувини бошқариш деганда умумий ҳолатда ташкилот бўлинмалари, фойдаланувчилар гурухлари ёки фойдаланувчилар орасида ҳужжатлар харакатини ташкил этишни тушуниш қабул қилинган. Бунда ҳужжатлар харакати деганда уларнинг табиий жойлашуви эмас (чунки улар кўпинча

серверда қолади), балки муайян фойдаланувчиларни хабардор қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилган ҳолда улардан фойдаланиш ҳуқуқи бериш тушунилади.

Электрон ҳужжат алмашинуви тизимининг асосий йўналиши электрон ҳужжатлар сақланиши, шунингдек, улар билан ишлашни (хусусан, уларни атрибутлар ва таркиб бўйича излашни) ташкил этишdir. Электрон ҳужжат алмашинуви тизимларида ҳужжатлардан санкцияли фойдаланиш ҳам амалга оширилади, уларда амалга оширилган ўзгаришлар қузатилади ва уларнинг версия ва кичик версиялари назорат қилинади.

ЭҲАТдан фойдаланувчилар. ЭҲАТдан асосий фойдаланувчилар йирик давлат ташкилотлари, корхоналар, банклар, йирик саноат корхоналари ва бошқа тузилмалар ҳисобланиб, уларнинг фаолияти яратилувчи, ишлов берилувчи ва сақланувчи ҳужжатларнинг катта ҳажми билан давом этади.

ЭҲАТнинг вазифалари. Умуман, электрон ҳужжат алмашинуви тизими қўйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ижро интизомини яхшилаш, вазифаларнинг бажарилиш назорати ва ташкилот фаолияти таҳлилини оптималлаштириш ҳисобига бизнес жараёнларини (вазифа ва ахборот оқимларини) бошқариш самарадорлигини ошириш;

- ходимларнинг иш вақти бўйича унумсиз харажатлар ва харажатли материалларнинг молиявий сарф-харажатларини қисқартириш;

- корхонанинг ягона ахборот оқимини (ишларни мувофиқлаштириш ва жамоали ўзаро таъсирни) яратиш;

- электрон архив (ҳужжат ва ахборотларнинг корпоратив сақланиш жойи), ҳужжат алмашинуви (канцелярия ёки иш юритишни автоматлаштириш), ҳужжатлар ва бўғинларни бошқариш (билимлар базаси);

- ҳужжатларни ҳисобга олиш ва сақлашнинг ишончлилигини таъминлаш;
- ахборотни самарали ҳимоялашни ташкил этиш.

Электрон ҳужжат алмашинуви тизими қўйидагиларни таъминлаши жуда муҳим:

- хужжатлар бўйича ишлаш доирасида ходимларнинг ўзаро самарали муносабати;

- ахборотни дарҳол излаш (рўйхатга олиш карточкасининг ҳар бир жойи, файл матни бўйича);

- хужжатлар ва топшириқлар билан боғлиқ ишларнинг бажарилишини назорат қилиш; хабардор қилиш ва эслатиш тизимини созлаш қулайлиги, у раҳбарларга ишлар ҳолатини тезкор кузатиш, ходимлар ўз ишларини тўғри ташкил этишларига ёрдам беради, шу тариқа, ташкилотда ижро фаолиятини яхшилади;

- турли журнал ва ҳисоботларни шакллантириш ҳисобига ходимлар юкламаси ва бажарилувчи жараёнлар ҳолати мониторингини амалга ошириш;

- ташкилот хужжатларини узоқ муддат сақлаш;

- ходимларнинг ахборотдан фойдаланиш хуқуқини чегаралаш;

- худудий тақсимланган бошқарувга эга ташкилотлардаги ишни қўллаб-куватлаш, бу бош офис ва худудий жиҳатдан узоқда жойлашган филиаллар орасидаги топшириқ ва хужжатлар билан очиқ ҳолда ишлаш имконини беради;

- ҳамма ходимларнинг хужжатлари билан ишлашнинг маҳфийлиги, уларнинг ташкилотдаги лавозим мажбуриятлари ва мавқеига мувофиқ фойдаланиш хуқуқини тақсимлаш ёки тизимда фойдаланувчи вазифаларни шакллантириш имконияти, бу ишни бир ходимни бошқаси билан вақтинча ёки доимий алмаштириш тартибида ташкил этиш имконини беради;

- соҳа бўйича мутахассис учун қулай, мослашувчан хужжатлар, топшириқлар йўналиши, яъни бизнес жараёнларини лойиҳалаш механизми.

Калит сўзлар: Автоматлаштирилмаган ахборот тизимлари, унификациялаш, стандартлаш, унификациялашган хужжатлар тизими, ЭҲАТ, EDMS

Назорат учун саволлар

1. Автоматлаштирилмаган ахборот тизимлари деган тушунчани маъносини изоҳлаб беринг.

2. Ҳужжатлар тизимини соддалаштириш ва такомиллаштириш учун фойдаланиладиган ёндашувлар қайси?
3. Унификациялашган ҳужжатлар тизими нима ва у қайси талабларни қондириши лозим?
4. Анъанавий иш юритиш тизими ва улар билан ишлашда пайдо бўладиган муаммолар қайси?
5. Электрон ҳужжат алмашинуви ғояси шундан иборатки... Гапни давом эттиринг.
6. Автоматлаштирилган технология ҳужжат алмашинуvida қандай имкониятлар беради?
7. IDC электрон ҳужжат алмашинуви тизими (ЭҲАТ) (EDMS – Electronic Document Management Systems) тушунчасини қандай таърифлайди?
8. Электрон ҳужжат алмашинувини бошқариш деганда нима тушунилади?
9. ЭҲАТ қайси вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради?

III боб. ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

3.1. ЭҲАТнинг асосий хусусиятлари

1. ЭҲАТнинг умумий сифатлари. Очиқлик. Ҳамма ЭҲАТлар модуль принципи бўйича тузилган, уларнинг API-интерфейслари эса очик ҳисобланади. Бу ЭҲАТга янги вазифалар қўшиш ёки мавжудларини такомиллаштириш имконини беради. Ҳозирги кунда ЭҲАТ билан интеграцияланган иловаларни ишлаб чиқиш Дастурый таъминот(ДТ) саноат ишлаб чиқариши тармоғида бизнеснинг алоҳида турига айланди. Учинчи фирмаларнинг кўпчилиги бозорнинг бу сегментида ўз хизматларини таклиф этишга тайёр. Учинчи фирмаларнинг кўпгина модулларини ЭҲАТга оддий қўшишга нисбатан имконияти уларнинг функционал имкониятларини сезиларлича кенгайтиради. Масалан, ЭҲАТ учун сканердан ҳужжат киритиш модули, электрон почта ва факсларни жўнатиш дастурлари билан алоқалар ишлаб чиқилган.

Амалий ДТ билан интеграциянинг юқори даражаси. ЭҲАТнинг асосий имконияти унинг OLE Automation, DDE, ActiveX, ODMA, MAPI технологияларидан фойдаланиш ҳисобига турли дастурый иловалар билан юқори даражали интеграцияси ҳисобланади. Ҳужжатлар билан бевосита ишлашда эса ЭҲАТ утилитларидан фойдаланишга зарурат йўқ. Фойдаланувчилар оддий амалий дастурлар билан ишлайдилар: ЭҲАТнинг мижозлар қисмини инсталляциялаш пайтида амалий дастурларга янги функциялар ва меню элементлари қўшилади. Масалан, MS Word матн процессоридан фойдаланувчи файлни очган ҳолда дарҳол кутубхона(библиотека) ва ЭҲАТ ҳужжатларига эга папкани қўради (у ердан ўзига зарур ҳужжатни танлайди). Маълумотни сақлашда ҳужжат ЭҲАТ маълумотлар базасига автоматик равишда жойлашади. Бу бошқа офис ва ихтисослаштирилган дастурларга ҳам тааллуқли.

Таъкидлаш жоизки, аксарият кенг тарқалган ЭҲАТда нисбатан танилган ERP-тизимлар (хусусан, SAP R/3, Oracle Applications ва ҳоказо) билан

интеграция амалга оширилган⁶. Айнан турли иловалар билан интеграция ЭҲАТга хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. У туфайли ЭҲАТ турли корпоратив иловалар орасида боғловчи бўғин сифатида намоён бўлади, шу билан бирга корхонада иш юритишни ташкил этиш учун асос яратади. Баъзи тармоқ таҳлилчиларининг фикрича, ЭҲАТ корхона ёки ташкилотдаги корпоратив ахборот тизимининг асосига айлана олиши мумкин (бошқа фикрлар ҳам мавжуд).

2. Ҳужжатларни сақлаш хусусиятлари. ЭҲАТ асосан тақсимланган архитектуралар базасида ишлайди ва электрон ҳужжатларни тўплаш, инлексациялаш, сақлаш, излаш ва кузатиш технологиялари бўйича турли-туман комбинациялардан фойдаланади. Аксарият ЭҲАТда ҳужжатларни сақлаш бўйича (“шкаф/полка/папка” принципи бўйича) иерархик тизим амалга оширилган. Ҳар бир ҳужжат папкага жойлаштирилади, у, ўз навбатида, полкада жойлашган бўлади. Ҳужжатларни сақлашда уларни киритиш даражалари миқдори чекланмаган. Ҳавола (ссылка) механизмини қўллаш ҳисобига бир неча папка ва полкалар таркибига бир хил ҳужжат кириши мумкин (бу холатда чиқувчи ҳужжат ўзгармай қолади ҳамда ЭҲАТ администратори белгилаган жойда сақланади). Қатор ЭҲАТда ҳужжатлар орасида алоқани ташкил этиш (бу имкониятларни график кўринишида таҳrir қилиш ва белгилаш мумкин) ҳисобига уларни сақлаш бўйича янада кучли имкониятлар амалга оширилган.

ЭҲАТ атрибуtlари. ЭҲАТда ҳар бир ҳужжатга маълум атрибуtlар тўплами хос (масалан, унинг номи, ҳужжат муаллифи, уни яратиш вақти ва ҳоказо). Атрибуtlар тўплами бир турдаги ҳужжатдан бошқасига ўзгариши мумкин (у бир турдаги ҳужжат доирасида ўзгармай қолади). ЭҲАТда ҳужжат атрибуtlари реляцион маълумотлар базасида сақланади. Ҳар бир турдаги ҳужжатга визуал воситалар ёрдамида карточка шаблони яратилади, бунда тушунарли график кўринишида ҳужжат атрибуtlари номлари тасвирланган. ЭҲАТда ҳужжат киритишда зарур шаблон олинади ва карточка тўлдирилади

⁶ Eric J. Braude, Michael E. Bernstein. Software engineering: modern approaches - second edition. - Waveland Press, Inc. 2016. – 783 p.

(атрибут белгилари киритилади). Карточка түлдирилгач, у ҳужжат билан боғлиқ бўлиб қолади.

ЭҲАТнинг мантиқий компонентлари. Аксарият ҳолатларда ЭҲАТнинг сервер қисми қўйидаги мантиқий компонентлардан иборат (улар бир ёки бир неча серверларда жойлашиши мумкин):

- ҳужжат атрибутлари сақланувчи жой;
- ҳужжатлар сақланувчи жой;
- тўлиқ матнли индексация сервислари.

Ҳужжатлар сақланувчи жой деганда, одатда ҳужжатлар таркибидаги сақлаш жойи тушунилади. Атрибутлар сақланувчи жой ва ҳужжатлар сақланувчи жой кўпинча “ҳужжатлар архиви” умумий номи билан бирлаштирилади. Атрибутиларни сақлаш учун аксарият ЭҲАТда СУБД Oracle, Sybase, MS SQL Server ва Informixдан фойдаланилади.

Бевосита ҳужжатлар таркибидаги маълумотларни сақлаш учун аксарият ЭҲАТда MS Windows NT, Novell Net Ware, UNIX файл-серверлари қўлланилади. Бу ҳолатда тармоқ муҳитларининг гетерогенли комбинацияларини амалга ошириш ҳам мумкин. Масалан, ҳужжат атрибутларига эга маълумотлар базаси TCP/IP тармоғидаги OS UNIX бошқарувида ишлиши, ҳужжатлар эса IPX/SPX тармоғидаги OS Novell Net Wareда сақланиши мумкин. Тъқидлаш жоизки, ЭҲАТнинг асосий устунлиги ҳужжатларни дастлабки форматда сақлаш ва файлларнинг кўпгина форматларини автоматик аниқлаш ҳисобланади.

Хозирги пайтда ҳужжатларни атрибутлари билан бирга маълумотлар базасида сақлаш кенг оммалашмоқда. Бундай ёндашув маълум афзаллик ва камчиликларга эга. Ҳужжатлардан фойдаланиш бўйича хавфсизликнинг сезиларлича юқорилиги афзаллик ҳисобланса, асосий камчилиги – сақланувчи ахборот ҳажми катта бўлганда ҳужжатлар билан ишлаш самарадорлиги паст бўлади. Бундай ёндашувда катта ҳажмдаги тезкор хотира ва қаттиқ дискларга эга кучли серверлардан фойдаланиш ҳам талаб этилади. Бундан ташқари, маълумотлар базаси ишдан чиққанда унда сақланган ҳужжатларни тиклаш

жуда мушкул бўлади. Муайян маълумотлар базасини бошқариш тизими(МББТ) билан қатъий боғланиш ҳам зарур.

3. Ҳужжатларни маршрутлаш. Ҳужжат алмашинувига масъул ЭҲАТ модулларини ҳужжатларни йўналтириш модуллари деб номлаш қабул қилинган. Умуман, ҳужжатларни “Эркин” ва “қатъий” йўналтириш тушунчаларидан фойдаланилади. “Эркин” йўналтиришда ҳужжат алмашинуvida иштирок этувчи ҳар бир фойдаланувчи ҳужжатлар ўтишидаги мавжуд йўналишни ўз ихтиёрича ўзгартириши (ёки янги йўналиш белгилаши) мумкин. “Қатъий” йўналтиришда ҳужжатларнинг ўтиш йўналиши қатъий тартибга солинган, фойдаланувчилар уларни ўзгартириш хуқуқига эга эмас.

Бироқ “қатъий” йўналтиришда, бирор-бир илгаридан берилган шартни бажаришда (масалан, муайян фойдаланувчи ўз лавозим ваколатларини суистеъмол қилганда ҳужжатларни раҳбариятга юборишида) йўналиш ўзгарса, мантиқий операцияларни ишлаб чиқиш мумкин. Аксарият ЭҲАТда йўналтириш модули етказиб бериш комплектига киради, баъзи ЭҲАТда уни алоҳида харид қилиш керак. Тўлиқ функционал йўналтириш модулларини учинчи фирмалар ишлаб чиқади ва етказиб беради.

Фойдаланишни чеклаш. ЭҲАТда ҳужжатлардан фойдаланиш назорати ва ваколатларни чеклаш бўйича ишончли воситалар амалга оширилган. Аксарият ҳолатларда улар ёрдамида ҳужжатлардан фойдаланишнинг қўйидаги турлари белгиланади (берилувчи ваколатлар тўплами муайян ЭҲАТга боғлиқ):

- ҳужжатларнинг тўлиқ назорати;
- ҳужжатни таҳрир қилиш, лекин бартараф этмаслик хуқуқи;
- ҳужжатнинг янги версияларини яратиш, лекин уни таҳрир қилмаслик хуқуқи;
- ҳужжатга қисқача изоҳ бериш, лекин уни таҳрир қилмаслик ва янги версия яратмаслик хуқуқи;
- ҳужжатни ўқиш, лекин таҳрир қилмаслик хуқуқи;
- карточкадан фойдаланиш, лекин ҳужжатдаги маълумотдан фойдаланмаслик хуқуқи;

- хужжатдан фойдаланиш хуқуқи берилмаслиги (ЭҲАТ билан ишлаш вақтида фойдаланувчининг ҳар бир ҳаракати бўйича баённома тузилади, шу тариқа, унинг хужжат билан ишлаш жараёни осон назорат қилиш мумкин).

Хужжат версиялари ва кичик версияларини кузатиш. Бир неча фойдаланувчи хужжат билан бир вақтда ишлаганда (айниқса уни турли ташкилотлар билан келишириш зарур бўлганда) хужжат версиялари ва кичик версияларидан фойдаланиш ЭҲАТнинг жуда қулай функцияси ҳисобланади. Фараз қиласайлик, ижрочи хужжатнинг биринчи версиясини яратди ва уни кейинги фойдаланувчига кўриб чиқиши учун узатди. Иккинчи фойдаланувчи хужжатни ўзгартириб, у асосида янги версия яратди. Сўнгра ўз версиясини кейинги жойга учинчи фойдаланувчига узатди, у эса энди учинчи версияни яратди. Маълум вақт ўтгач, мулоҳаза ва тузатишлар билан танишиб чиқсан хужжатнинг биринчи ижрочиси дастлабки версияга ишлов бериб, у асосида дастлабки хужжат версиясининг кичик версиясини яратади.

ЭҲАТнинг афзаллиги унда хужжатнинг версия ва кичик версияларини автоматик равишда кузатиш имконияти ҳисобланади (фойдаланувчилар хужжатнинг айнан қайси версияси/кичик версияси тартиб ёки яратилиш вақти бўйича долзарброқлигини доимо аниқлашлари мумкин).

Аксарият ЭҲАТлар таркибига хужжатларни кўздан кечириш учун утилитлар (яъни кўздан кечиравчилар - viewers) кириб, улар қўплаб форматдаги файлларни тушуна олади. Улар ёрдамида, хусусан, графикили файллар (масалан, CAD-тизимларда чизмалар файллари) билан ишлаш жуда қулай. Кўздан кечириш утилитининг асосий (ҳар бир ЭҲАТга киравчи) комплектидан ташқари, ЭҲАТ билан яхши интеграцияланувчи қўшимча утилитларни учинчи фирмадан харид қилиш мумкин.

Хужжатларга қисқача изоҳ бериш. Хужжатлар билан гурухли ишлашни ташкил этишда уларга қисқача изоҳ бериш имконияти одатда жуда фойдали. Чунки бальзи ҳолатларда фойдаланувчилар хужжатларни келишириш жараёнида хужжатларга бирор ўзгартириш киритиш хуқуқидан маҳрум бўладилар, бунда улар унга қисқача изоҳ бериш имкониятидан

фойдаланишлари мумкин. Аксарият ЭҲАТларда ҳужжат карточкасига қисқача изоҳ учун атрибут киритиш ва карточканинг бундай жойини таҳрир қилиш учун фойдаланувчиларга узатиш ҳисобига қисқача изоҳ амалга оширилади. Лекин бундай қарор доим ҳам (айниқса графикили ҳужжатга қисқача изоҳ беришда) мақбул эмас. Шу сабабли, баъзи ЭҲАТда “қизил қалам” деб номланувчи функция мавжуд, унинг ёрдамида тасвирдаги камчиликларни график тарзида кўрсатиш мумкин. “Қизил қалам” функцияси мавжуд дастурий воситалар учинчи фирмалар томонидан кенг таклиф этилади.

Турли мижозлик дастурларини қўллаб-куватлаш. Аксарият ЭҲАТлар мижозлари OS MS Windowsли ДТ эга бўлиши мумкин. Баъзи ЭҲАТларда UNIX ва Macintosh платформаларидан ҳам фойдаланилади. Бундан ташқари, ҳамма замонавий ЭҲАТлар ҳужжатлар билан Web-навигаторлар стандартлари орқали ишлаш имконини беради. Чунки Web-навигаторларни турли-туман мижозлик платформаларида жойлаштириш мумкин, бу гетероген(келиб чиқиши ҳар хил) таркибли тармоқ муҳитларида ЭҲАТ ишини таъминлаш муаммолини ҳал этишни осонлаштиради. Интернет технологияларидан ЭҲАТда фойдаланишда Web-навигаторлар орқали ҳужжатлардан фойдаланишга масъул яна бир серверли компонент пайдо бўлади.

4. Электрон ҳужжат алмашинуви тизимларининг турлари. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда электрон ҳужжат алмашинувини бошқариш муаммолини ҳал этишга кўплаб ёндашувлар мавжуд. Электрон ҳужжат алмашув (EDMS) бўйича универсал тизимлардан ташқари ҳужжатларни бошқариш вазифасини қуидаги дастур воситаларининг асосий турлари ёрдамида ҳал этиш мумкин:

- груухли иш воситалари (Lotus Notes, Novell GroupWise и MS Exchange ДТга ўхшаш);
- алоҳида турдаги ҳужжатларни бошқариш тизими (хусусан, PDM-тизимлар);

- корхоналар учун корпоратив ахборот тизимлари таркибидаги ҳужжат алмашинувини бошқариш бўйича маҳсус модуллар (SAP R/3, Baan ва ҳоказо).

Универсал электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари улардан қандай фарқланади? Бошқа ёндашувларга нисбатан улардан фойдаланишнинг афзаллиги нимадан иборат?

Эҳтимол, ҳар бир ҳолатда корхона ҳужжат алмашинувини бошқариш тизимини жорий этишда белгилаган мақсад ва вазифаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиши керакдир. Масалан, баъзи ишлар учун Novell GroupWise ДТ энг яхши ечим бўлса, бошқалари учун эса айнан EDMS-тизимни жорий этиш қулай бўлади. Универсал электрон ҳужжат алмашинуви тизимининг муҳим хусусияти шуки, унда ҳужжатларни бошқариш вазифаларининг катта қисмини ҳал этиш имконини тақдим этади. Таъкидлаш жоизки, улар (динамик тарзда ўзгарувчи ва чексиз турли-туманлик туфайли) ҳужжат алмашинувини бошқариш бўйича ҳамма ишларни ҳал эта олмайди. Бундан ташқари, маҳсус ДТни жорий этиш арzonроқ ва самаралироқ бўлиши мумкин.

Барибир EDMS-тизимларнинг жиддий устунликлари мавжуд. Хусусан, гуруҳли ишни қўллаб-қувватлаш ДТга нисбатан жаҳонда кенг тарқалган EDMS-тизимларнинг аксарияти қуйидаги устунликларга эга:

- электрон архивларнинг ҳажмини амалий томондан чекланмагани;
- тўлиқ матнли индексацияни ўрнатилган қўллаб-қувватлаш;
- ҳужжат версиялари ва кичик версияларини қўллаб-қувватлаш;
- ҳужжатларни дастлабки ҳажмда архивда сақлаш имконияти;
- фойдаланувчилар ҳаракати бўйича журналларни юритиш имконияти.

Асосли савол туғилади: гуруҳли ишни қўллаб-қувватлаш ДТ асосида корхонадаги ҳужжат алмашинувини тўлақонли бошқариш тизимини яратиш мумкинми? Айтиш жоизки, яратиш мумкин, чунки гуруҳли ишларни қўллаб-қувватлаш бўйича баъзи дастур воситаларида (масалан, Lotus Notesда) иловаларни ишлаб чиқиши бўйича ривожланган муҳит мавжуд. Бундан ташқари, бозорда баъзи иловалар (масалан, Lotus Notes ДТ асосида ишлаб чиқилган ДТлар мавжуд) баъзиларида кўрсатиб ўтилган EDMS- тизимлар ҳам

амалга оширилган. Бироқ қайд этиш жоизки, бу имкониятлар EDMS-тизимларда илгаридан амалга оширилган.

Бундан ташқари, гурухли ДТ билан ишлашда қатор ҳолатларда катта ва ўта катта маълумот базалари билан ишлашда илованинг тезкор таъсирини камайтириш масаласи юзага келади. Гурухли ДТ ҳам, аввало, фойдаланувчилар орасидаги ўзаро таъсирни ташкил этиш вазифасини ҳал этишга мўлжалланган. Моҳиятан у электрон почта дастурларини кенгайтириш ҳисобланади ва доим ҳам йирик хужжатлар архиви билан ишлашга мос келмайди. Бозорда қўйидагича фикр кенг тарқалган (электрон хужжат алмашинуви тизимларини яратиш учун асос сифатида) гурухли ДТни кичик ва ўрта корхоналарда қўллаш янада ўринли. Қайд этиш жоизки, аксарият ҳолатларда EDMS-тизимлар гурухли ДТга шлюзларга эга, заруратга кўра, уларда мавжуд почта дастурларидан фойдаланиши мумкин.

Ўз навбатида, хужжатларни бошқариш бўйича маҳсус тизимларни гурухга шартли равишда 2 категорияга ажратиш мумкин. Биринчи категорияга тор профилли қўллашга аввалдан мўлжалланган ва бошқа ахборот тизимлари билан интеграция воситаларига эга бўлмаган дастур воситалари киради. Бундай тизимлар корхоналарда ҳали мавжуд, ва асосан, маҳаллий ишланма эгалари томонидан тақдим этилган. Хужжат алмашинувини бошқаришдан ташқари, бундай дастур тизимлари муайян молиявий вазифаларни ҳал этиш, ходимларни бошқариш, омбор ҳисобини юритиш учун мўлжалланган.

Таъкидлаш лозимки, аксарият бундай тизимларда уларни корхонада қўллашда сезиларли чекловлар мавжуд. Хусусан, бундай тизимдаги ҳар бир илова учун ўз маълумотлар базасини қўллаб-куватлаш зарур (баъзан бу маълумот базалари ўзаро боғлиқ эмас). Бундай тизимларнинг инфратузилмасини қўллаб-куватлаш сарф-харажатлари шу қадар қаттаки, улар аста-секин ўзига барҳам беради. Иккинчи категорияга ишлаб чиқариш ахборотини бошқариш учун мўлжалланган ва бошқа дастурий тизимлар билан интеграция воситаларига эга маҳсус PDM-тизимлар киради. PDM-тизимлар мураккаб объектларнинг (масалан, кема ва машиналарнинг) электрон

тимсоллари билан илгаридан ишлайди. РДМ тизимлари ҳақидаги түликроқ ахборотни КИ 3-7/2001дан топиш мумкин.

Корпоратив ахборот тизимлари (КАТ)га келсак, у ҳолда уларнинг аксариятида иш юритишни қўллаб-қувватлаш модуллари жойлаштирилган. Бироқ бундай модулларнинг имкониятлари етарлича чекланган, чунки универсал ва тўлиқ функционал КАТни яратишнинг деярли имкони йўқ. Бундан ташқари, Ғарб КАТларининг нархи шу қадар юқорики (юз минг ва миллион АҚШ доллари), ҳеч бир ташкилот уни жорий этиш имконига эга эмас. Таъкидлаш жоизки, аксарият тарқалган EDMS тизимларида нисбатан танилган КАТлар (хусусан, SAP R/3, Oracle Applications ва ҳоказолар) билан интеграция амалга оширилган.

Айнан турли иловалар билан интеграция имконияти EDMS-тизимларга хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Бу хусусият мавжудлиги туфайли EDMS-тизимлар ташкилотда иш юритишни ташкил этиш учун асос яратган ҳолда корхонада амал қилувчи турли тизимлар орасида боғловчи бўғин сифатида намоён бўлиши мумкин. EDMS-тизимда бошқа хусусиятлар ҳам мавжуд, уларнинг мавжудлиги туфайли универсал электрон ҳужжат алмашув тизимини қўллаш замонавий корхонани бошқаришни сезиларлича мақбуллаштириш имконини беради.

Калит сўзлар: Очиқлик, API-интерфейслари, OLE Automation, DDE, ActiveX, ODMA, MAPI технологиялари, ERP-тизимлар, SAP R/3, Oracle Applications, ЭҲАТ атрибутлари, СУБД Oracle, Sybase, MS SQL Server, Informix, MS Windows NT, Novell Net Ware, UNIX файл-серверлари,

Назорат учун саволлари

1. ЭҲАТнинг очиқлилик принципини қандай тушунилади?
2. Амалий ДТ билан интеграциянинг юқори даражаси нима кўрилади?
3. ЭҲАТ атрибутлари нима?
4. ЭҲАТнинг мантиқий компонентлари қайси?
5. Бевосита ҳужжатлар таркибидағи маълумотларни сақлаш имкониятларини келтиринг.

6. Ҳужжатларни маршрутлаш нима?
7. ЭҲАТда ҳужжатлардан фойдаланиш назорати ва ваколатларни чеклаш бўйича қандай ишончли воситалар амалга оширилган?
8. Ҳужжат версиялари ва кичик версияларини кузатиш деганда нима тушунилади?
9. Ҳужжатларга қисқача изоҳ беришни баён қилинг.
10. Турли мижозлик дастурларини қўллаб-қувватлашни келтиринг.
11. ЭҲАТ бўйича универсал тизимлардан ташқари ҳужжатларни бошқариш вазифасини қайси дастур воситаларининг асосий турлари ёрдамида ҳал этиш мумкин?
12. Гурухли ишни қўллаб-қувватлаш ДТ асосида корхонадаги ҳужжат алмашинувини тўлақонли бошқариш тизимини яратиш мумкинми?
13. Корпоратив ахборот тизимлари қайси?

3.2. Электрон ҳужжат алмашинуви жараёни

1. ЭҲАТ функциялари. Ташкилотнинг умумий ахборот инфратузилмасида ЭҲАТ қурилмаси концепциясини ифодалашга ҳаракат қиласиз. ЭҲАТнинг функционаллиги ҳакида фикр билдирилган ҳамма ҳолатларда мавҳум идеал тизим назарда тутилади. Бунда бошқа жиҳат кўрсатиб ўтилмаса, бирор-бир функционаллик деярли стандарт деб тахмин қилинади, демак электрон ҳужжат алмашинуви бўйича “нормал” тизим уни қўллаб-қувватлаши шарт.

ЭҲАТдаги ҳужжат. Ҳужжат – ахборотнинг асосий бирлиги, ҳужжат алмашинуви тизими фаолияти эса ҳужжатни сақлаш, унинг хусусиятлари ва тарихи, шунингдек, унинг фаолиятини таъминлашга бағишлиланади.

ЭҲАТ тармоқ муҳитида ҳужжатлар билан жамоа шаклида ишлаш учун мўлжалланган маҳсус ДТ. ЭҲАТ туфайли ҳужжатларни архивда сақлаш ва изланишини таъминлаган ҳолда мантиқий блокларга бирлаштириш мумкин. Лекин бу биргина файл эмас, балки рўйхатга олиш карточкаси билан таъминланган турли кўринишдаги файллар (ҳужжатнинг таркибий қисмлари) йиғиндисидир. Бундай карточка ЭҲАТнинг муҳим атрибути ҳисобланади. У

ташкилот номи, ҳужжат тури, келишув ва тасдиқлар белгиси, саналар, томонларнинг манзили сингари реквизитлар тўпламидан иборат ҳамда ҳужжатни рўйхатга олиш, идентификациялаш ва топиш, ижро интизомини назорат қилиш, ҳужжат тарихини кузатиш ва архивлаш имконини беради.

ЭҲАТнинг асосий вазифаси – ҳужжатни яратишдан архивга чиқаришга қадар тўлик фаолият даврини бошқаришдан иборат. Одатда, ЭҲАТ икки асосий блок: статик (электрон архив) ва динамик (ҳужжат алмашув) блокдан иборат. Биринчи блок ҳужжатларга бирламчи ишлов бериш (кирувчи ва чиқувчи ахборотни рўйхатга олиш, излаш, ҳисобот тузиш)ни, иккинчи блок эса ҳужжатлар ўтувчи ахборот оқимларини ташкил этиш, ижрони назорат қилиш, ҳужжатлар устида гурухли ишлашни таъминлайди.

Бироқ бирор-бир даражадаги замонавий маҳсулотлардаги асосий функциялардан ташқари, кўплаб бошқа фойдали имкониятлар: қоғозли ҳужжатларни оқимли киритиш, ҳужжатлар бўйича карточкалар юритиш (улар ташкилот талабларига мувофиқ юритилади), ҳужжатлар билан ишлаш тарихини (мурожаатларни ҳисобга олиш ва ҳисботлар тайёрлаш учун) қўллаб-куватлаш, ҳужжатни атрибутлари ва мазмуни бўйича излаш, фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, фойдаланувчиларнинг иш жойлари бўйлаб ҳужжатларни йўналтириш, почта тизимлари билан боғланиш, ҳисботлар тайёрлаш, шунингдек, кишиларнинг иш бўйича ўзаро таъсирлари ва билимларини бошқариш ҳамда шифрлаш ва электрон имзолар ёрдамида ҳужжатларни ҳимоялаш кўзда тутилган.

Ўз вақтида Microsoftда ўз офис иловалари билан сақланувчи файллар учун стандарт папка киритилган, унда муаллиф ва сарлавҳа сингари хусусиятлар берилган. Бироқ амалда бу имконият яхши натижা бермади; баъзи ҳужжатлардагина хусусиятлар бўлимида англанган жиҳатлар бўлиши мумкин. MS Offis 2000да амалга оширилган бир файлда ҳужжатнинг турли версияларини сақлаш ҳам кенг оммалашмади. Унинг сабаби оддий: тизимли ташкилий чоралар ва ёндашув бирлигисиз муайян маҳсулотларда хусусий механизмларнинг мавжудлиги қутилган натижани бермайди. Маълумки,

хужжат атрибутларини ифодалаш, унинг версияларини сақлаш сингари воситалар ахборот муҳити доирасида қўллаб-қувватланиши керак, хужжатни яратишга сабаб бўлган хужжат тури ва илова бунга тааллуқли эмас.

Хужжат мантиқий бирлик саналади. Уни сақлаш усули хужжат билан ишлаш қулайлигига боғлиқ. MS Windowsнинг яна бир механизми папка ва файллар ўхшашикларидан файл тизимиға ўхшаш жиҳатни битта файлда ташкил этиш имконини беради. Бу механизм, масалан, Wordда бошқа иловалар орқали яратилган объектларни матнга қўйиш имкониятини таъминлаш учун фойдаланилади. Лекин бу доим ҳам қулай эмас, хужжатнинг ҳамма қисмларини алоҳида файлларда сақлаш оддий ва қулай бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз дастури ёрдамида таҳрир қилинади. Аксарият ЭҲАТларда алоҳида хужжат файллар тўпламидан иборат бўлиши мумкин.

2. ЭҲАТ компонентлари. Ҳамма ЭҲАТлар мажбурий тур компонентлари: хужжат карточка(атрибут)ларини сақлаш жойи, хужжатларни сақлаш жойи, тизимдаги бизнес мантиқни амалга оширувчи компонентларга эга.

Хужжат атрибутларини сақлаш жойи. Хужжат атрибутларини сақлаш жойи “карточка” – хужжатни ифодаловчи майдонлар тўпламини сақлаш учун мўлжалланган. Одатда ЭҲАТда хужжатлар (масалан, шартнома, таснифлаш, хат) тури тушунчаси мавжуд, ҳар бир тур учун алоҳида карточка юритилади. Турли кўринишдаги карточкалар ҳамма хужжатлар учун умумий мажбурий майдон ҳамда маълумот туридаги хужжатлар учун маҳсус майдонга эга. Масалан, хужжатнинг бекиёс рақами, унинг номи, муаллиф, яратилиш санаси умумий майдон бўлиши мумкин.

Бунда “шартнома” кўринишига эга хужжатлар имзолаш санаси, амал қилиш муддати, шартнома миқдори сингари майдонларга эга бўлиши мумкин. Хужжат турлари, ўз навбатида, умумий майдон тўпламига эга кичик турларга эга бўлиб, у асосий турдан мерос қолади, бунда қўшимча майдон кичик тур учун бекиёс саналади. Хужжатларни бошқариш бўйича янада ривожланган тизим бундай кичик турларнинг жамламасини қўллаб-қувватлаши мумкин.

Хужжатларни турларга ажратиш, уларнинг кетма-кетлигини тузиш, улар учун карточкалар лойиҳалаш ЭҲАТни жорий этиш жараёнида янада муҳим босқич ҳисобланади.

Хужжатлар тури тушунчасидан ташқари, хужжатларга категориялар бериш мумкин, бинобарин бир хужжат бир неча категорияларга тегишли бўлиши мумкин. Категориялар категориялар шажарасига жойлаштирилиши мумкин. Масалан, “Қонунлар”, “Шартномалар”, “Буйруқлар” кичик категориялари мавжуд “Юридик хужжатлар” категориясига эга бўлиш мумкин. Бунда бўлимлар бўйича параллел категория, масалан, “Савдо бўлими хужжатлари” категориясига, унда эса “Савдо шартномалари”, “ҳисобрақамлар” кичик категорияларига эга бўлиш мумкин.

Савдо шартномалари категориялар кетма-кетлигига турли тармоқларга тааллуқли “Шартномалар”, “Савдо шартномалари” кичик категорияларига киритилиши мумкин. Шу тариқа, хужжатни таснифлаш асосида бундай шажарадан уни излаш имконияти юзага келади, бинобарин бир хил хужжатда бу иерархиянинг турли узелларидаги исталган сон бир марта учраши мумкин.

Карточкаларни сақлаш жойини ташкил этиш учун уч вариантдаги ечим бўлиши мумкин: шахсий сақлаш жойи, стандарт МББТ ёки муҳит воситаларидан фойдаланиш мумкин, МББТ у асосида тузилади.

Хужжат атрибутларининг шахсан сақланувчи жойи карточкаларни сақлаш вазифасини қулайлаштириш, (масалан, турларнинг катта жамланишига эга) аралаш карточкаларни яратиш функциясини мослиқда амалга ошириш, шунингдек, карточкалардаги ахборотни излаш самарали алгоритмларидан фойдаланиш имконини беради. Бундай ёндашувнинг маълум камчилиги мавжуд ахборот муҳитидаги стандарт ресурслардан фойдаланишнинг имкони йўқлиги, шунингдек, ўта муҳим ахборотнинг ЭҲАТ таъминотчисига боғлиқлиги ҳисобланади. Стандарт МББТ дан фойдаланилса, доимо бошқа таъминотчидан МББТ даги маълумотларни миграциялаш имконияти мавжуд. Бунда танлов қатъийроқ – муайян ЭҲАТдан фойдаланишдан умуман воз

кечишга тўғри келади, маълумотларни бир ЭҲАТдан бошқасига миграциялаш эса МББТ холатига нисбатан мураккаброқ.

Ушбу муаммо ҳужжатларни сақлаш учун стандарт МББТ лардан фойдаланиш орқали ҳал этилади. Бироқ бундай ёндашув ўз заиф томонларига эга – аксарият МББТ ларда амалга оширилган реляция модели, ЭҲАТ да фойдаланилувчи маълумотлар модели учун ноқулай. Ҳужжат карточкаларини яратишда, айниқса, мураккаб структура зарур бўлса, мослашувни таъминлаш етарлича мушкул.

Бунда ЭҲАТ ихтирочилари олдида қуйидаги дилемма юзага келади: маълумотларни сақлаш бўйича оддий, лекин самарали тузилмани ишлаб чиқиш, бунда карточкаларни тузишда мослашувдан воз кечиш ёхуд тизим ишининг ишончлилиги, софлиги ва самарадорлиги ҳисобига зарур мослашувни таъминловчи катта тузилмага эга бўлиш. Иккинчи нохуш муаммо шундаки, ташки МББТ дан фойдаланишда ЭҲАТнинг бир версиясини бошқасига миграциялаш билан бирга МББТ нинг бир версияси бошқасига ўтишида баъзи қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Кўпинча бундай муаммо янги версияларга ўтиш масаласида фойдаланувчилар маълум консерватизимга сабаб бўлади.

Агар ЭҲАТ бирор-бир ахборот муҳити асосида тузилган бўлса, у ҳолда унинг ресурсларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай турдаги аксарият тизимлар Lotus Notes/Domino асосида тузилган. Бу мазкур муҳиттага киритилган ҳамма механизмлар, шу жумладан захирали нусхалаш, репликация, излаш воситаларидан фойдаланиш имконини беради. Бундай ёндашув муаммоси ҳужжатларни бошқариш тизими иши учун маълум муҳит мавжудлиги зарурати, шунингдек, муайян муҳит унинг маълумотлар базасига белгилаган чекловларига асосланади.

Ҳужжатларни сақлаш жойи. Ҳужжатларни сақлаш жойини амалга ошириш учун икки ёндашув мавжуд: файллар тизими ёки ЭҲАТнинг ихтисослаштирилган сақлаш жойида сақлаш. Бу ёндашувлар орасидаги

прагматик фойдаланувчи нуқтаи назаридан, улар умуман баҳоланса, катта фарқ йўқ. Лекин баъзи хусусиятлар ҳам мавжуд.

Файл тизимида сақлаш фойдаланишни чеклашда хавфсизликни камайтиради, чунки файл тизими ЭҲАТда амалга оширилган хавфсизлик моделини қўллаб-қувватлай олмайди. Шунинг учун ЭҲАТга ўз фойдланиш ҳуқуқини беришга тўғри келади, демак у сақлаган файллар бевосита фойдаланувчиларнинг ҳар бирiga нокулай бўлади. ЭҲАТ эса бу ҳуқуқлар орқали файллардан фойдаланишни ташкил этган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқига эга фойдаланувчилар рўйхати тизимини қўллаб-қувватлайди.

Бунда фойдаланиш тизими ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан давом этишда мураккаб ва бутунлай бенуқсонга айланмайди. Қўшимча ишончлиликни таъминлаш учун сақлашда кўпинча файлларни рақамлашдан фойдаланилади. Бундан ташқари, деярли ҳамма ЭҲАТлар файлларни тасодифий номлашдан фойдаланади, бу тизимни айланиб чиқиша фойдаланишга уринишда керакли файлни излашни янада мураккаблаштиради. Айтиш мумкинки, аксарият ЭҲАТлар файлларни файллар тизимида сақлайди.

Файллар тизими билан ишлашда аксарият ЭҲАТлар файлларни маҳсус ташкил этилган каталогларни жойлаштиришни талаб этади. Лекин истиснолар ҳам мавжуд. Масалан, Microsoft Share Point тизимлари сақлаш жойида табиий жойлашувни талаб этмай, тизимда файлларни рўйхатга олиш имконини беради. Бундай ёндашув маълумотларнинг яхлитлиги нуқтаи назаридан хавфли, лекин ЭҲАТни жорий этиш бўйича “ўтиш даврида” жуда қулай.

Файлларни шахсий сақлаш жойига эга ёки муҳитни сақлаш жойидан фойдаланувчи тизимлар, у асосида (масалан, Lotus Notes/Domino ёки Microsoft Exchange) тузилган ҳужжатлардан фойдаланишни янада самарали бошқариш ва фойдаланишни чеклаш муаммосини янада ишончли ҳал этишни кафолатлаши мумкин. Лекин бунда маълумотларнинг яхлитлиги, захирали нусхалаш самарали воситалари мавжудлиги ва секин ташувчиларда архивли сақлаш воситалари билан интеграция билан боғлиқ масалалар юзага келади. Аксарият тизимларда улар маълум жиҳатдан ҳал этилган, бироқ тизимнинг ўзида фақат

қулай воситалардан фойдаланиш мумкин, бунда файлли сақлаш ҳолатида танлов имконияти мавжуд.

Тизимнинг бизнес мантиғи. Бизнес мантиқ даражасида турли ЭҲАТлар орасида сезиларли фарқлар кузатилади. Аслида, ҳамма изоҳланган компонентлар, турлича тузилган бўлса-да, мураккаблик даражаси билан фарқланиши мумкин, лекин бунда функционал жиҳатдан ўхшашдир. Турли тизимларнинг бизнес мантиғи тубдан фарқланиши мумкин, у ҳам электрон ҳужжат алмашинуви тизими билан танишишда қўпроқ қизиқтириши керак. Қатор фундаментал компонентларни фарқлаш мумкин, улардан кубиклардан тузилгандек, ҳар бир ЭҲАТнинг функционаллиги юзага келади.

3. ЭҲАТда ҳужжатларнинг ҳаётий даври. ЭҲАТда ҳужжатнинг ҳаётий даври қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

Юзага келиши. Янги ҳужжат замонавий сақлаш тизимларида юзага келгач, қайд этилади ва сақланади, бироқ оддий файл тизимларида файлнинг кичик тарихини осон йўқотиш мумкин. Масалан, унинг ўрнига худди шу номдаги файлни оддий ёзиш етарли, ҳеч ким ўтмишдошлар ҳақида эсламайди, тармоқдан олинган файл “на насл, на жамоа” га эга бўлмайди: уни яратиш санаси у компьютернинг қаттиқ дискида бўлган пайт бўлади. ЭҲАТда ҳужжатнинг “паспорти” – ҳисобга олиш карточкаси бўлмаса, у юзага келмайди ва турли кўринишдаги ҳужжатлар учун турлича бўлиши мумкин: ҳужжатлар бўйича амалга оширилган ҳамма ишлар фойдаланувчиларга тақдим этилган ҳуқуqlар билан белгиланади, бу ҳужжатлар билан ишлаш стратегиясини аниқлаш имконини беради.

Барпо этиши. Ҳар бир ҳужжат албатта ҳаёт давридан ўтиб, у “қоралама дафтар” дейилади – бу даврда пухта бўлмаган ҳужжат қўлдан - қўлга ўтади, у ўзгартирилади ва қайта ишланади. Натижали ҳужжатнинг сифати кўп жиҳатдан у ўз ҳаётининг “қора” чизигидан қай даражада муваффақиятли ва ташкилий жиҳатдан ўтганлигига боғлиқ. ЭҲАТда ҳужжат устида жамоавий ишни ташкил этиш учун таҳрир қилинувчи ҳужжатларни блоклаш техникаси қўлланилади (“check-out, check-in”).

Хужжатни ҳар лаҳзада бир киши таҳрир қила олиши учун тизим ишни ўз зиммасига олади. Бу механизм туфайли икки ходим ҳужжатнинг иккита локал нусхасини яратиш ва унга ўзгаришиш киритиш имконига эга бўлади. ЭҲАТда ходимлардан бири ҳужжатни таҳрир қилиш учун олганда бошқалар буни кўрадилар, лекин аввалги фойдаланувчи уни қайтармагунча ҳужжатни ўзгариша олмайдилар. Бунда қайтаришган ҳужжатга кичик версиянинг янги рақами автоматик равишда тақдим этилади.

Ҳужжатнинг илгариги кичик версияси сақлаб қўйилади, уни очиш, кўриб чиқиш ва таҳрир қилиш мумкин. Жараёндаги ҳамма иштирокчиларнинг ҳаракатлари ҳужжатлаштирилади, шунинг учун ҳеч қандай чалкашлиқ юзага келмайди.

Публикация (чоп этиши). Ҳужжат яратилиб, фойдаланувчиларга тақдим этилган вақт. Публикация – маълум вақт давом этиб, ундан сўнг ҳужжатнинг яшаш даври “тугайди”. Публикация механизми мавжудлиги туфайли масалан, имзоланган ёки нашрга юборилган ёки ҳамкорга жўнатилган ҳужжат аниқликда электрон кўринишда доимо мавжуд бўлишига ишонч ҳосил қилиш керак. Публикациядан сўнг ҳужжатда нимадир ўзгаришиш керак бўлсачи? Бунинг учун чоп этилган версия асосида ҳужжатнинг янги варианти яратилади ва янги ҳаёт даври бошланади. Турли тизимларда бу функция турлича қўлланилади. Маълум жойда тўлалигича янги ҳужжат яратилса, баъзи жойларда эса фақат янги версия ҳосил қилинади.

Архивациялаш. Чоп этилгач, ҳужжат электрон архивга жўнатилади, бу ерда у ташкилот ички тартиб қоидаларида кўзда тутилган вақтда бўлиши керак. Мангу сақланувчи ҳужжатлар ҳам мавжуд. Бир неча кун сақланиши керак бўлган ҳужжатлар ҳам мавжуд. Архивни яратиш ташкилот эҳтиёжларига боғлиқ оддий вазифа эмас. Масалан, қўпинча мурожаат этилувчи ҳужжатларни тез ташувчиларда сақлаш керак, баъзан фойдаланиловчи нодолзарб ҳужжатларни эса арzonроқ, лекин секин ташувчиларга киритиш мумкин.

Бундай вазифаларни ҳал этиш учун HSM (Hierarchical Storage Management) иерархик сақлашни бошқариш технологияси қўлланилиб, улар

жуда катта ҳажмдаги “виртуал файл тизими” ни сақлаш бўйича эҳтимолий турли хил воситалардан яратилади. Асосий HSM воситалари Windows 2000га ўрнатилган, бироқ янада мураккаб ва самарали функционалликни таъминловчи бошқа технологиялар ҳам мавжуд. Бундай технологиилар, масалан, Legato Systems, Tivoli Storage Manager, Veritas Storage Migrator компаниясининг DiskXtender сериясидаги маҳсулотлари ҳисобланади.

Сақлаш жойида ҳужжатларни бошқариши. Ҳужжатларни қўшиш ва чиқариш, версияларни сақлаш, сақлаш учун архивга ўтказиш, архивни сақлаш.

Ҳужжатларни излаш. Атрибулар бўйича ҳужжат излаш, ҳужжатлар жойлаштирилган турли шажаралар бўйича визуал излаш, тўлиқ матн бўйича излаш, мазмунли излаш.

4. Йўналтириш ва ижро назорати. Ташкилотдаги бизнес тартиботлар доирасида ҳужжатларни етказиб беришни таъминлайди. Аслида, “электрон ҳужжат алмашинуви” термини ҳам шу функционалликдан ўтган. Ҳужжатлар йўналиши мослашувчан ва қатъий бўлиши мумкин. Мослашувчан йўналтириш ҳолатида ходим томонидан кейинги ҳужжат олувчи аниқланади, уни юритишида мазкур пайтда ҳужжат жойлашган жой белгиланади. Қатъий йўналтириш ҳолатида ҳужжатларнинг ўтиш жойи маълум мантиқ асосида олдиндан аниқланади. Ҳақиқатда икки ёндашувнинг “қоришмаси” қўлланилади: ташкилотда баъзи ҳужжат ва тузилмалар учун қатъий йўналтириш, бошқалари учун эса мослашувчан йўналтиришни қўллаш маъқулрок.

Йўналтириш функцияси ҳамма ЭҲАТларида мавжуд эмас. Одатда адашмаслик учун йўналтириш воситаларисиз тизимлар электрон архив дейилади. Ижро назорати йўналтиришнинг муҳим қисми ҳисобланади. Агар ҳужжатнинг “жойи” чиқса, у ҳолда у қаерга кетиши ва ҳозир қаерда эканлигини назорат қилиш керак. Ҳақиқатда йўналиш ўтиш жараёнининг ҳар бир иштирокчиси томонидан ҳужжатни ижро этиш бўйича вақтинча интервал ва ўтиш йўли терминларида белгиланади. Ҳужжатни ижро этиш деганда ҳужжат билан, ҳар иштирокчининг лавозим ваколатлари билан боғлиқ ҳаракатларнинг бажарилиши назарда тутилади.

Ҳисоботлар. Ҳужжатларни ҳисобга олиш идора ҳужжатларининг айнияти сифатида хизмат қилади. Турли ҳисоботлардан фойдаланган ҳолда, масалан, муайян ҳужжат устида ишлаш ходимлар томонидан сарфланган умумий вақт, бўлинмалар бўйича ҳужжатларнинг ўтиш тезлигини кўриш мумкин. Ҳисоботлар – бошқарув қарорларини қабул қилиш учун жуда яхши материал.

Маъмуриятчилик. Тизим ишини қўллаб-қувватлаш, унинг ўлчамларини созлаш.

5. Турли ЭҲАТларда ҳаётий даврни қўллаб-қувватлаш. Деярли ҳамма замонавий электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари ҳужжатлар ҳаётий даврининг ҳамма босқичларини қўллаб-қувватлайди. Бу қўллаб-қувватлаш қай даражада тўлиқлиги муҳим. Маълум функционаллик қўллаб-қувватланмаган ЭҲАТ санаб ўтиш номувофиқ иш: янги версия чиқиши мумкин, бунда мазкур функция аввалдан мавжуд. Тизимлардан бир қисми таҳир қилинувчи ҳужжатларни блоклаш механизмини қўллаб-қувватламайди, бу ҳужжатлар билан жамоавий ишни амалга оширишга имкон бермайди. Иш юритишга мўлжалланган тизимлар ҳам мавжуд, уларда ҳужжатларни самарали сақлаш амалга оширилмаган, мавжуд меъёрлар билан тартибга солинган ҳужжатлар билан ишлаш тартиботларни фаол бажарилади. Ҳужжатларнинг ўзи эса шкафлардаги папкаларда сақланиши мумкин.

Баъзи тизимлар тузилмада электрон ҳужжатлар ҳаракатини самарали қўллаб-қувватлашга мўлжалланган, лекин бунда шахсий электрон архив – бу тизимларда амалга оширилган сақлаш жойи уларнинг ҳаётий даври жараёнида ҳужжатларни тезкор сақлаш жойига эга эмас. Ҳужжатлар чоп этилгач, тизимдан чиқади ва сақлаш муҳити, масалан, файллар тизимиға қайтади. Бундай тизимга электрон архивни “бирлаштириш” мумкин, бунда ҳужжат ўз тарихи ва ҳамроҳ карточка билан бирга сақланади.

Калит сўзлар: Электрон архив, СОМ механизми, Lotus Notes/Domino, Microsoft Exchange, архивлаштириш, HSM (Hierarchical Storage Management), ҳаётий давр

Назорат учун саволлар

1. ЭҲАТ тармоқ мухитида ишловчи қандай дастурий таъминот? Унинг функциялари қайси?
2. ЭҲАТнинг асосий вазифаси ва блокларини келтиринг.
3. ЭҲАТ ва стандарт МББТлари алоқаси қанақа?
4. Ҳужжатларни сақлаш жойи қандай бўлиши керак?
5. ЭҲАТда файллар билан ишлаш натижаларини баҳоланг
6. ЭҲАТда хужжатнинг ҳаётий даври қайси босқичларни ўз ичига олади?
7. Архивлаштириш ва унда фойдаланиладиган технологиялар қайси?
8. ЭҲАТда йўналтириш ва ижро назоратини келтиринг.
9. Турли ЭҲАТларда ҳаётий даврни қўллаб-куватлаш деганда нимани тушунасиз?

IV. ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИ

4.1. Электрон ҳужжат алмашинуви тизимларини таснифи

1. Ташкилот ахборот тизимидағи ЭҲАТ ўрни. Технологиялар нұқтаи назаридан электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари бошқа тақсимланган ахборот тизимларидан кам фарқланади. Архитектура тузилиши принципи бўйича улар иложи борича замонавий йўналиш ва бозор талабларига риоя этишга интилади. Ҳозирда муайян эҳтиёжларга юқори даражада мослашган очиқ муҳит концепцияси нисбатан оммалашган, лекин бунда у “нозик” мижоз ва ажратилган иловалар сервери билан бирга, ўрнатишда мураккаб бўлмаган иложи борича кўп платформалидир.

Ҳамма мавжуд тизимлар маълум даражада бу идеалга яқинлашади. Бироқ муайян платформага боғланган тўлиқ функционал мижозга асосланган тизимлар етарлича кенг тарқалган. Баъзан бундай ҳолатларда маълумотдан узоқда фойдаланиш учун чекланган функционалликка эга алоҳида Web-мижоз таклиф этилади.

Таъкидлаш жоизки, тавсифланган “идеал” тизимни танлашда устуворлик касб этувчи мўлжал ҳисобланмайди. Бу омиллардан бири холос. Нарх ва функционаллик нисбати бўйича бирор-бир тизим сизга маъқул бўлмаса, у ҳолда мазкур тизим ахборот тизимларини тузиш соҳасидаги таъсири билан унга тўлиқ мос келиши шарт эмас. Олдинги ўриндаги ҳамма нарса тез ўзгаради, ҳамма янги нарсалар эртага эскига айланади. Текширилган ишончли ечимлар кўпинча сўнгги технология бўйича тузилган тизимлардан ортда қолмайди.

ЭҲАТ ва бошқалар. ЭҲАТдан фойдаланиш самарадорлиги даражаси ҳужжатлар (тузилмасиз ахборот) корхона фаолиятини ахборот билан тўлдириш кай даражада аниқланиши билан белгиланади. Маълумки, масалан, савдо ташкилоти учун асосий ахборот билан тўлдириш – маълумотлар базасидан иборат тузилган маълумотлар. Эҳтимол, бундай ташкилотлар шартномани саклаши керак, лекин иш ЭҲАТни жорий этишгача бормайди. Бироқ агар савдо ташкилоти ўнлаб шаҳарларда дўконлар тармоғи ва мураккаб логистика,

яримтайёр маҳсулотларни шахсан ишлаб чиқаришга эга савдо етакчисига қадар ривожланса, у ҳолда эртами ёки кечми ERP тизимини жорий этиш ҳақида ўйлашга тўғри келади.

Кейинги босқичда улгуржи харидор ва йирик буюртмачилар сони шундай миқёсга етадики, бунда CRM жорий этиш ҳақида ўйлашга тўғри келади. Агар бунда бошқарув аппарати сони юз кишига етса, параллел профилсиз лойиҳалар пайдо бўлади, диверсификация вазифалари юзага келади, ЭҲАТни жорий этиш вазифаси қўйилади. Бунда CRM тизими хат, шартнома ва ЭҲАТда сақланувчи кирувчи буюртма нусхаларига маълум ҳаволага эга бўлиши учун баъзи тизимларни интеграциялашга тўғри келиши мумкин.

Баъзи ҳолатларда бу тизимларнинг интеграцияси янада торроқ бўлиб, ЭҲАТ бу тизимлар орасида тузилмага солинган маълумотлар даражасида бевосита алоқа керак бўлмаса, уларни юзага келтирувчи тизимлар ва истеъмол қилувчи тизимлар орасида ҳужжатларни узатиш учун интеграцияловчи транспорт бўлиб хизмат қилиши мумкин. Фараз қилайлик, корхона CRM ва ERP тизимларига эга, бинобарин ERPдаги муайян мижозга товар етказиб бериш ҳақидаги ҳар чораклик ҳисоботлар CRMда қайд этилиши учун эксперталар шарҳлари билан тўлдирилиши талаб этилади⁷.

Бундай ҳисоботларни ЭҲАТда сақлаш қулайроқ эканлиги тушунарли. ERP ва ЭҲАТни интеграциялаш туфайли ҳужжат автоматик тарзда яратилади ва сақланади. ЭҲАТ ва CRMни интеграциялаш туфайли ҳужжатни муайян мижоз карточкасига автоматик бириттириш мумкин. Бу операциялар автоматик тарзда юз бериши ҳам мумкин (Қайд этиш жоизки, келтирилган мисол тахминий бўлиб, ҳақиқатда амалий аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин; ҳар бир ахборот тизимининг интеграцияси унинг мақсади аниқ бўлгандагина маълум маъно касб этади).

ЭҲАТ ва билимларни бошқариш. Ҳозирги кунда билимларни бошқариш вазифаси тўлиқ ҳал этилган дейиш мушкул. ЭҲАТ бу вазифани самарали ҳал этмоқда деган фикр шубҳали ҳисобланади: ЭҲАТ ахборотни

⁷ Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. System analysis and design. Publisher: John Wiley & Sons, Inc., 2015, p.594

фақат сақлаш ва уни таҳлил учун қулай кўринишда тақдим этиш имконини беради. Афсуски, мавжуд билимларни бошқариш воситаларининг самараси паст. Муаммо шундаки, статистика усусларига асосланган матнли маълумотлар билан ишлаш бўйича ҳозирда қўлланиувчи алгоритмлар жуда қўпол восита ҳисобланади. Матн маъносини мазмунли таҳлил қила оловчи тизимларнинг келажаги порлоқдир. Ҳозирча бундай тизимлар йўқ, ЭҲАТда билимларни бошқариш ҳақида шартли фикр билдириш мумкин.

Йўналишлар. Маълумки, бошқарув масаласини ҳал этиш қисмida хужжатларни бошқариш тизимининг функционаллиги ҳозирги талабларни деярли тўлиқ қониқтиради, бу ерда ҳам яқин йилларда ривожланишга эришиш қийин. Ҳужжат алмашинуви тизими니 ривожлантиришнинг асосий йўналиши – ахборотни излаш самарадорлигини ошириш, тармоқларда ахборотни чоп этиш воситалари билан интеграциялаш, хужжатларни автоматик тарзда саралаш ва руқнлашдан иборат.

Ахборотни мазмун жиҳатидан излаш ва мазмун асосида матнлардан автоматик тарзда реферат тайёрлаш имконини берувчи воситалар пайдо бўлиши билан хужжатларни бошқариш тизимларини ривожлантириш янги имкониятларга эга бўлади. Афсуски, бундай технологиялар тижорат нуқтаи назаридан қай даражада қулай бўлишини ҳеч ким айта олмайди.

2. ЭҲАТга намунавий талаблар. Агар техник топшириқни тузиш бўйича стандарт талабига амал қилинса, намунавий электрон ҳужжат алмашув тизимиға намунали фойдаланувчининг талабини қўйидагича тавсифлаш мумкин:

Электрон ҳужжат алмашинуви тизими қўйидагиларни амалга ошириши керак:

- ҳужжатлар ва уларнинг изоҳларини ишончли сақлашни таъминлаш;
- ҳужжатнинг ҳаёт даврини таъминлаш (уни яратиш, версияларини сақлаш, чоп этиш, истеъмолдан чиқарилган ҳужжатдан фойдаланишни блокировкалаш, ҳужжатни сақлаш учун архивга ўтказиш);

- фойдаланувчи томонидан турли кўринишдаги хужжатлар топширилишига рухсат бериш, улар учун карточкалар яратиш ва таҳрир қилиш;
- хужжатни самарали излаш учун категориялар кетма-кетлигига амал қилиш;
- карточкадаги маълумот, шунингдек, тўлиқ матн асосида хужжатларни излаш;
- алоҳида фойдаланувчилар даражасида, ролли принцип бўйича ва ташкилотнинг ўзаро боғлиқ (иерархия) тузилмаси асосида хужжатлардан фойдаланиш тақсимотини таъминлаш;
- HSM технологиясини қўллаб-қувватлаш;
- фойдаланувчилар ва тизим фаолияти билан боғлиқ ҳодисалар бўйича баённома тузиш; маъмурийлаштириш бўйича ривожланган воситалар мавжудлиги зарур;
- ахборотдан узокда фойдаланишни қўллаб-қувватлаш.

Илғор тизимлар қуидагиларни қўллаб-қувватлаши керак:

- узлуксиз ишлаш учун кластерли технологиялар;
- ҳудудий тақсимланган ташкилотлар;
- маълумотларни сақлаш ва ўтказишда шифрлаш алгоритмлари;
- рақамли имзо.

Архитектурага нисбатан талаблар қуидагича:

- ажратилган иловалар сервери мавжудлиги;
- нозик мижоз мавжудлиги; браузердан фойдаланган ҳолда хужжатга киришни қўллаб-қувватлаш.
- миқёсликни таъминлаш учун қўп платформалик.

Бошқа тизимлар билан интеграция ва очиқликка нисбатан талаблар қуидагича:

- хужжатларни оқимли киритиш воситалари билан интеграция;
- офис иловалари билан интеграция;
- электрон почта билан интеграция;
- ривожланган дастурли интерфейс (API) мавжудлиги;

- тизимдан фойдаланувчилар рўйхатини юритиш ва синхронлаш учун каталоглар стандарт хизмати (масалан, LDAP) билан интеграция;
- фойдаланувчилар интерфейсини муайян вазифаларга мослаштириш имконияти;
- тизимни шахсий маҳсус компонентлар билан тўлдириш имконияти.

Хужжатлар атрибутларини сақлаш учун ташқи маълумотлар базасидан фойдаланилганда маълумотларнинг тузилиши ва турли МББТлар билан ишлаш воситаларининг тўлиқ тавсифномаси мавжуд бўлиши зарур.

3. Хужжатларни бошқариш тизимлари учун стандартлар.

Хужжатларни бошқариш тизимлари соҳасида стандартлаш асосан тизимнинг турли ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, ташқи иловалар билан ўзаро таъсири таснифини ишлаб чиқишидан иборат. Баённомалар билан бирга тизимлар орасида ўтказилувчи маълумотлар ҳажми ҳам стандартланади. Ҳозирги пайтда ташқи иловалар (офис иловалари, оқимли киритиш воситалари) билан ўзаро таъсир бўйича оммалашган универсал стандарт ODMA (<http://odma.info>) саналади.

Бу стандарт 1994 йилдан буён мавжуд, кўплаб ДТ ишлаб чиқарувчилар уни қўллаб-қувватлайдилар. Бироқ ҳар бир универсал восита сингари ODMA ҳам маълум чекловларга эга ва баъзи сабабларга кўра тўлиқроқ интеграцияни амалга оширишнинг иложи бўлмагандан у доимо ЭҲАТ билан ўзаро таъсир бўйича “захирадаги” вариантга айланади. Масалан, Office 97 версиясидан бошлаб Word ва Power Point маҳсулотларида ODMA қўлланилишига қарамай, ЭҲАТнинг деярли ҳамма ишлаб чиқарувчилари MS Office билан интеграция учун маҳсус макрослар етказиб беради.

Ҳақиқатан ҳам, ODMA протоколи янада самарали бўлиб чиқкан ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, ABBYY FineReader тизими, 4.0 версиясидан бошлаб, ODMAни қўллаб-қувватлайди, бу фойдаланувчига ЭҲАТ ишлаб чиқарувчиси ёки интегратор хизматларига мурожаат этмай, бу протоколни қўлловчи тизимлар сақланувчи жойга қоғозли ҳужжатларни киритиш имконини беради.

Афсуски, ОDMA турли ЭҲАТлар орасида ўзаро таъсир масалаларида дахл этмайди, бироқ бошқа стандартлар сезиларлича кам қўлланилади.

4. ЭҲАТнинг таркибий қисмлари. IDC таҳлилчиларининг фикрига кўра, ҳозирги кунда ЭҲАТнинг асосий турлари мавжуд (бунда баъзи ЭҲАТларни бир неча турларга киритиш мумкин, чунки улар учун тегишли функцияларга эга):

Бизнес жараёнларига мўлжалланган ЭҲАТлар (business-process EDM). Улар ECM концепциясига асосланади. Бу турдаги концепциялар (EDMS) ўзига хос верикал ва горизонтал иловаларни учун мўлжалланган (баъзан улар тармоқда қўлланиши ҳам мумкин). EDMS-тизимлар тимсоллар билан ишлаш, ёзувлар ва иш оқимларини бошқариш, ҳужжатлар таркибини бошқаришни киритган ҳолда ҳужжатлар билан ишлаш бўйича тўлиқ ҳаёт даврини таъминлайди. EDMS-тизимлар оригинал ҳажмдаги 2-D ҳужжатларни (тасвирлар, CAD-файллар, электрон жадвалларни) папкаларга гурухлаш имконияти билан излаш ва сақлашни таъминлайди. Баъзи тармоқ таҳлилчиларининг фикрича, ушбу ҳужжатларга мўлжалланган ёндашув (фойдаланиувчи индексация ва иловалар чизмасига боғлиқ ҳолда) кам қийматда жорий этишда PDM тизимларининг 80 %гача функционаллигини таъминлаши мумкин.

EDMS-тизимларнинг бирмунча танилган ишлаб чиқувчилари Documentum (Documentum тизими), FileNet (Panagon ва Watermark тизимлари), Hummingbird (PC DOCS тизими) компаниялари ҳисобланади. Вендорлар ҳужжатлар таркибини бошқаришда муваффақият қозонган бошқа компаниялардан (масалан, Documentum ва FileNet компанияларидан) кўпроқ ўз фаолиятини ЭҲАТда шаблонларни бошқариш, динамик тақдимотни бошқариш ва Web-таркибни чоп этиш сингари функцияларни амалга оширишга қаратди.

Таъкидлаш жоизки, деярли ҳамма EDMS-тизимлар электрон ҳужжатларни (масалан, тимсоллар ва офис ҳужжатларини) бошқариш учун кутубхона сервислари ва репозитарийларни амалга ошириш бўйича яхши даражани таъминлаб, уларнинг ҳар бири ўз соҳасида янада кучли саналади.

Масалан, Open Text ва iManage компанияларининг тизимларида офис хужжатларини бошқариш яхши ишлаб чиқилган. Ўз навбатида, Tower Technology, FileNet, IBM ва Identitech компаниялари тизимлари катта ҳажмдаги буюмлар тасвирларини бошқаришда айниқса кучлидир.

Корпоратив ЭҲАТлар (enterprise-centric EDM). Бу турдаги тизимлар хужжатларни яратиш, улар устида жамоали ишлаш ва уларни чоп этиш учун (ҳамма корпоратив фойдаланувчилар учун қулай) корпоратив инфратузилмани таъминлайди. Корпоратив ЭҲАТларнинг асосий функциялари бизнес жараёнларига мўлжалланган ЭҲАТ функцияларига ўхшаш. Одатда, корпоратив ЭҲАТлар бирор-бир муайян тармоқда фойдаланиш ёки тор вазифани ҳал этишга қаратилмаган. Улар умумкорпоратив технологиялар сингари жорий этилади.

Корпоратив ЭҲАТларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш билан Lotus (Domino.Doc тизими), Novell (Novell GroupWise), Open Text (LiveLink тизими), Keyfile, Oracle (Context тизими), iManage компаниялари шуғулланади. Масалан, Open Text Livelink тизими ташқи ва ички фойдаланувчилар учун лойиха бўйича хужжатлар устида жамоали ишлаш, онлайли дискуссиялар(мунозара, баҳс, тортишувлар) ўтказиш, хужжатларни тақсимотли режалаштириш ва йўналтиришни таъминлайди.

Хужжатлар таркибини бошқариши тизими (content management systems). Ушбу турдаги тизимлар хужжатлар таркибини яратиш, уларни бошқариш ва улардан фойдаланиш, хужжатлар таркибини (хужжат бўлимлари, улардан кейинги такрорий фойдаланиш ва компиляция даражасигача) яратишни таъминлайди. Ахборотдан хужжат кўринишида эмас, кичик ҳажмдаги обьектлар кўринишида фойдаланиш иловалар ўртасида ахборот алмашиш жараёнини осонлаштиради. Web-таркибни бошқариш Web-тақдимот (масалан, HTML-саҳифалар ва Web-графика)га киритилиши мумкин бўлган турли таркибдаги обьектларни бошқариш имконияти мавжудлигини талаб этади.

Бундан ташқари, Web-таркибни бошқариш тақдимот шаблонларини яратишни талаб этиб, улар ёрдамида динамик таркиб ва уни

(фойдаланувчиларнинг афзалликлари, уларнинг соҳаларига асосланган) шахсийлаштириш амалга оширилади. Жаҳон бозорида Adobe, Excalibur, BroadVision, Documentum, Stellent, Microsoft, Divine, Vignette компанияларнинг таркибни бошқариш тизимлари маълум. FileNet, Tower и Identitech компаниялари ҳам Web-таркибни маълум бошқариш даражасини таклиф этади.

Ўз навбатида, IBM компанияси Interwoven ва Open Market компанияларининг ёчимлари асосида (улар билан ҳамкорлик муносабатлари орқали) Web-таркибни бошқариш функциясини амалга оширади, Tower компанияси эса Stellent компаниясининг Web-таркибни бошқариш бўйича қарорлари билан электрон ҳужжатни бошқариш бўйича ДТни интеграциялади.

Ахборотни бошқариши тизимлари (information management systems) – порталлар. Бундай тизимлар ахборотни жамлаш, ахборотни бошқариш ва уни Internet/intranet/extranet орқали етказишни таъминлайди. Улар ёрдамида бизнес қоидалари, контекст ва метамаълумотлардан фойдаланиш асосида тақсимланган корпоратив муҳитда тажриба тўплаш (ва қўллаш) имконияти амалга оширилади. Порталлар ёрдамида электрон тижоратнинг қатор иловаларига нисбатан стандарт Web-навигатор орқали (одатда, ERP-тизимлар интерфейси орқали) фойдаланиш ҳам таъминланади. Excalibur, Oracle Context, PC DOCS/Fulcrum, Verity, Lotus (Domino/Notes, K-Station) тизимлари порталларга мисол ҳисобланади.

Тасвирлар/тимсолларни бошқариши тизимлари (imaging systems). Улар ёрдамида қоғозли ахборот ташувчилардан электрон шаклга сканерланган (одатда, TIFF форматида) конвертация амалга оширилади. Ушбу технология мерос бўлиб қолган қоғозли ҳужжат ва микрофильмлардаги ахборотни электрон шаклга ўтказишга асосланади. Тасвирларга стандарт ишлов бериш тизимининг асосий функцияларига: сканерлаш, сақлаш, тасвирларни излаш бўйича қатор имкониятлар киради.

Иш оқимларини бошқариши тизимлари (workflow management systems). Бундай турдаги тизимлар корпоратив тузилмага солинган ва тузилмага солинмаган бизнес жараёнлари доирасида исталган турдаги ишлар оқимини

йўналтиришни (файлларни йўналтириш йўлларини белгилашни) таъминлаш учун мўлжалланган. Улар корпоратив бизнес жараёнларининг назорат қилиниш даражаси ва самарадорликни ошириш учун фойдаланилади. Иш оқимларини бошқариш тизими одатда қарорнинг бир қисми (масалан, EDMS- тизимлар ёки PDM-тизимлар) сифатида харид қилинади.

Бунда Lotus (Domino/Notes ва Domino Workflow тизимлари), Jetform, FileNet, Action Technologies, Staffware компаниялар сингари ишлаб чиқувчиларни қайд этиш мумкин. FileNet, IBM (MQ Series Workflow ДТ билан интеграция орқали), Identitech, Tower (Plexus и Staffware ДТ билан интеграция орқали), Gauss (Staffware ДТ билан интеграция орқали) ҳам ўз қарорларида иш оқимларини бошқариш бўйича яхши даражани таъминлайди.

Калит сўзлар: Web-мижоз, ERP тизими, CRM тизими, LDAP, HSM технологияси, универсал стандарт ODMA, ABBYY FineReader, business-process EDM, Open Text, iManage, Documentum тизими, Panagon ва Watermark тизимлари, enterprise-centric EDM, Lotus (Domino.Doc тизими), Novell (Novell GroupWise), Open Text (LiveLink тизими), Keyfile, Oracle (Context тизими),

Назорат учун саволлар

1. Технологиялар нуқтаи назаридан ЭҲАТ бошқа тақсимланган ахборот тизимларидан қанчалик фарқланади ва унинг архитектураси қандай?
2. ERP тизимини жорий этиш ҳақида қачон ўйлашга тўғри келади?
3. CRM тизими ҳақида маълумот беринг.
4. ЭҲАТ ни билимларни бошқаришдаги роли?
5. Хужжат алмашув тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қайси?
6. ЭҲАТга намунавий талабларни келтиринг.
7. ЭҲАТ архитектурасига нисбатан қандай талаблар қуйилади?
8. Бошқа тизимлар билан интеграция ва очиқликка нисбатан талаблар қўйиладиган талабларни баён қилинг.
9. Хужжатларни бошқариш тизимлари учун стандартларни баён қилинг.
10. Бизнес жараёнларига мўлжалланган ЭҲАТлар қайси?

11. Корпоратив ЭХАТларни (enterprise-centric EDM) келтиринг.
12. Хужжатлар таркибини бошқариш тизимлари түғрисида маълумот беринг.
13. Ахборотни бошқариш тизимлари қайси?
14. Иш оқимларини бошқариш тизимларини баён қилинг.

4.2. ERP ВА ЕСМ-ТИЗИМЛАР

1. ERP – тизимлар. ЭХАТнинг таклиф этилувчи IDC таснифини корпоратив электрон ёзувларни бошқариш тизимлари билан ҳам тўлдириш мумкин. Корпоратив ёзувларни бошқариш бўйича ДТнинг бозор сегменти яратилганига 5 йилдан ошди. Корпоратив ёзувлар вақт жиҳатидан қайд этилади ва ўзгармайди. Улар бизнес транзакциялари, турли ҳукуқ ва мажбуриятларнинг далолати ҳисобланади. Корпоратив фойдаланувчилар корпоратив ёзув билан қандай таркибни бажариш зарурлигини ўzlари белгилашлари керак (бундай қарор улар бизнесининг истиқболли эҳтиёжларини баҳолашни талаб этади).

Таркибни сақлашни талаб этувчи корпоратив қарорлар қаторига ERP-тизимлар ва бухгалтерлик тизимлари, почта тизимлари (масалан, MS Exchange), ҳисобот ва хulosаларни бошқариш тизими, электрон тижорат тизимлари, жамоали иш бўйича дастур воситалари (лойиҳалар, онлайнли конференц-алоқани бошқариш тизимларини киритган ҳолда асосий бизнес тизимлари киради. Ёзувларни бошқариш тизимларига мисол сифатида Tower Softwareдан Capture, OpenTextдан iRIMS ва TrueAgsдан Foremost ДТни келтириш мумкин.

ЭХАТда ёзувларни бошқаришдаги кўпгина муҳим функциялар (масалан, таснифлаш функциялари) илгари бўлмаган. Ёзув ва индексларнинг ҳаёт даври охирида (заруратга кўра) уларни таббий ўчириш усуллари ҳам амалга оширилмаган. Gartner Groupнинг фикрича, корпоратив фойдаланувчилар ўз Web-сайтларини ёзувларни бошқариш тизимлари функциялари билан тўлдириш зарур. Қатор Web-таркибни бошқариш тизимини ишлаб чиқувчилар Web-сайтлардаги ёзувларни қўллаб-қувватлаш учун ёзувларни бошқариш тизими ёрдамида ўз функционаллигини кенгайтиради.

Бу йўналишдаги ишлар 2002 йилда айниқса сезиларли бўлди. Масалан, Stellent компанияси TrueArc компаниясининг Foremost ёзувларини бошқариш тизими билан ўз ҳужжатлар таркибини бошқариш ДТ билан интеграциялади (қайд этиш жоизки, ёзувларни бошқариш ДТнинг ЭҲАТ билан интеграцияси оддий эмас, чунки функциялар ва депозитарийларнинг баравар ишлаши муаммосини ҳал этиш зарур). Бундай интеграциядан сўнг Web-сайтдан “сурат” олиш ва уларни ёзув сифатида бошқариш имкони юзага келди.

Он-лайнли транзакция пайтида учрашган экранлардаги (масалан, Tower Technology компаниясининг WebCapture ДТдаги) ёзув сингари қизиқарли имкониятлар ҳам амалга оширилади. Open Text компанияси (ёзувларни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи) PS Software фирмасини сотиб олди ва ўз LiveLink ДТга модуль сифатида уни iRIMS ДТга ўрнатди. Documentum, IBM ва Interwoven компаниялари (ҳужжатлар таркибини бошқариш ДТ бўйича бошқа вендорлар орасида) ёзувларни бошқариш тизимларининг функционаллиги билан ҳужжатлар таркибини бошқаришни тўлдирмоқда.

Кўпгина корпоратив фойдаланувчилар маълумотларни гетероген мухитда ишловчи турли иловалардан йиғиш ва ҳисоботларни электрон шаклда генерациялашни истайдилар. Бундай имконият ERP-тизимлардан фойдаланувчи компаниялар учун айниқса зарур (уларда қўплаб ахборот тўпланади ва сақланади, лекин доим ҳам ҳамма зарур ҳисоботларни мосликда генерациялаш қобилияти мавжуд эмас).

Айнан шунинг учун ҳам жаҳон ЭҲАТ бозорида хulosани (output management systems – OMS) бошқариш тизимлари юзага келиб, уларнинг асосий йўналиши чиқувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Баъзи OMS-тизимларда чиқувчи ҳисбот ва ҳужжатларни узоқ муддатли сақлаш ва архивлаш имкониятлари ҳам қўшимча тарзда амалга оширилган. Шу сабабли кўпгина OMS-тизимлар систем Gartner Group томонидан интеграцияланган архивлаш ва ҳужжатларни излаш тизимлари сифатида таснифланади (IDARS — integrated document archive and retrieval systems).

Бироқ OMS-тизимлар оммаболигининг асосий сабаби улар эгаллаган бозорги жой – корхона ва ташкилотларнинг ERP-тизимлардан фойдаланган ҳолда тузилган ахборот тизимларидағи хужжат ва ахборотни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Gartner Group таҳлилчиларининг фикрича, замонавий ERP-тизимларнинг заиф томонларидан бири айнан чиқувчи хужжатларни ишлаб чиқиши ёмон бошқариш ҳисобланади (ERP-тизимларни ишлаб чиқувчилар күпроқ ўз ДТнинг таянч модуллари функционаллигини оширишга эътибор қаратадилар, уларнинг фикрича, яхши бозор истиқболига эга бўлмаган чиқувчи хужжатларни ишлаб чиқиши “иккинчи даражали” масала. ERP-тизимларнинг бу камчилиги OMS-тизимлар бозорининг юзага келиши ва тез ривожланишига асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Қатор OMS-тизимлар чиқувчи хужжатларни (электрон кўринишда HTML, XML ва PDF форматларида) фақат тақсимлаш ва етказиб беришга жавобгар саналади. Кўпинча OMS-тизимлар хужжат ва тасвирларни сканерлаш дастурий пакетлари билан интеграцияланган. Баъзи OMS-тизимларнинг фойдали имконияти мерос қолган корпоратив тизимлар билан ўзаро таъсир ҳисобланади.

ERP-тизимга (SAP R/3, Baan ва ҳоказога) ўрнатилган электрон хужжатларни бошқариш бўйича маҳсус модулларни ҳам қайд этиш мумкин. Бироқ бу модулларнинг имкониятлари етарлича чегараланганд, чунки универсал ва яrimфункционал ERP-тизимни яратишнинг деярли имконияти йўқ.

2. ECM концепцияси. Ҳозирда бизнес учун жуда муҳим фақат электрон кўринишдаги хужжатлар қўп. Лекин муаммо хужжатлар миқдорида эмас, балки улар билан ишлаш учун изчил ўзаро боғлиқ тизим кераклигига. Маълум вақтларгача бу тизимни оддий, лекин файллар тизимидағи папкалар ва электрон почтадан то маҳсус иловаларгача тарқоқ воситалар ёрдамида қўллаб-куватлашга ҳаракат қилинган. Бунда жами “бизнес-мантиқ” кишилар хотирасида сақланиб, улар зарур хужжатни қаердан ёки кимдан топишни доимо билган ҳолда бошқа ходимлар учун ўзига хос маълумотли излаш тизими бўлиб

хизмат қилди. Айтиш мумкинки, ташкилотлардаги ЕСМ жамоатчилик асосида норасмий тарзда амал қилди.

Лекин ҳеч қайси инсон ўз хотирасида жами ўзаро боғлиқлик ва ахборотни ташкил этиш мантигини сақлашга қодир бўлмаган вазият кучаймоқда. Шунинг учун бу муаммони ҳал эта олувчи тизимга эҳтиёж юзага келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ҳеч нарса бўш жойда юзага келмайди. АТ ривожланишидаги дастлабки ўттиз йилда маълумотларни тузилмага солиш, уларни тўплаш, сақлаш ва ишлов бериш жараёнларига асосий эътибор қаратилди. Тузилмага солинмаган ахборот билан ишлаш учун фақат матн процессорлари сингари оддий воситалардан фойдаланилди. Бунда умуман ташкилот учун электрон почтанинг ягона умумий манзили мавжуд бўлиб, Internet ҳақида ҳеч ким билмасди.

ХХ асрнинг 90-йиллари охирида зиддиятли фикрлар мавжуд вазият юзага келди. Жами корпоратив ахборотнинг 80 %дан ортиги тузилмага солинмаган ҳужжатлар кўринишида сақлана бошлади, бунда уларни ишончли сақлаш ва ундан қулай фойдаланишни таъминловчи тизимлар деярли йўқ эди. Албатта, масалан, ходимларнинг электрон ёзишмалари компания учун алоҳида муҳимлик касб этмайди деб ҳисоблашда давом этиш мумкин, бироқ 5 та йирик Америка брокерлик компанияси бу эътиборсизлик учун жиддий зиён кўрди: улар 8 млн. долл.дан ортиқ жарима тўлади.

Нью-Йорк фонд биржасининг амалдаги қоидаларида ўтказилаётган операцияларга тааллуқли электрон ҳужжатларни уч йил сақлаш белгилаб берилган. Бироқ баъзан ходимлар ишдан бўшаб, уларнинг давомчилари аввалги ходимларнинг электрон почтасини ўчириб юборган ҳолатлар ҳам учраган.

Демак, электрон ахборот борасида тўпланган ҳужжатлар ташкилотнинг қимматли интеллектуал активи, унинг корпоратив хотираси ҳисобланади. Бундай бойликни айниқса эҳтиёткорлик билан сақлаш лозим. Бунда уни сақлаб қолишининг ўзи етарли эмас, интеллектуал активлардан фойдаланиш осон бўлиши керак. Ташкилотлар ўзига киритилган инвестициялардан тушумни олиши керак.

2001 йилдан бошлаб, (“Forrester TechRankings” га мувофиқ) электрон хужжат алмашувни бошқариш эмас, балки “корпоратив ҳужжатлар таркибини бошқариш(Enterprise Content Management – ECM)” концепцияси кенг оммалаша бошлади. ECM атамаси AIM International савдо ассоциацияси пайдо бўлиши билан юзага келди, у жами корпоратив ахборотларни бошқариш тизимини қўллаб-қувватламоқда.

Шу билан бирга, агар Forrester Research компаниси ECMни ҳужжатлар ва Web-таркибни бошқаришга интеграцияли ёндашув сифатида белгиласа, Doculabs консалтинг компанияси учун эса ECM-тизим “корпоратив ҳужжатларни бошқариш тизимлари ва корпоратив ҳужжатлар (унинг турлари сони ошишда давом этишида) таркибининг тўлиқ ҳаёт даврини бошқариш қобилиятига эга таркибни бошқариш тизимлари имкониятларини бирлаштирувчи категория”ни намоён этади.

Хозирги кунда таҳлилчилар ECMни ахборот портлаши оқибатларини бартараф эта олишга ёрдам бера оловчи стратегик концепция сифатида кўриб чиқадилар. АТ менежерларининг эътибори тегишли қарорларни ҳал этишга каратилган бўлиб, улар тузилмаган солинмаган ахборот билан ишлашни қўллаб-қувватловчи тарқоқ технологияларни бирлаштиришни кўзлайди.

XX асрнинг 90-йиллари ўртасида шаклланган ҳужжатларни бошқариш тизимлари сегментини ҳозирги Enterprise Content Management бозорининг асосчиси сифатида қайд этиш мумкин. Лекин кейинчалик Интернет пайдо бўлди, у билан бирга эса улкан янги йўналиш – Web-таркибни бошқариш юзага келди. Натижада электрон почта ва жамоали ишни қўллаб-қувватлаш учун мавжуд тизимларни алоҳида қарорлар билан яқинлаштириш жараёни бошланди. Web, ўз навбатида, тузилмага солинмаган маълумотларни излаш ва таҳлил қилиш вазифаларининг аҳамиятини ошира бориш ташаббуси билан чиқди. ECM соҳасига ERP майдонидаги ўйинчилар ҳам фаол кириб, улар ўз қарорларида ҳужжатларни функционал бошқаришни ривожлантироқда.

“Электрон ҳужжат алмашинуви” маҳаллий атамасига Document Management (ҳужжатларни бошқариш) яқинроқ атама ҳисобланади. Бу

категориядаги ДТ оғис хужжатларини жамоали ишлаб чиқишдан бошлаб, уни архивлаштиришга қадар түлиқ ҳаёт даврини бошқаради. Document Management тизимларининг асосий компонентлари индексациялаш, хужжатларни рўйхатга олиш (check in/check out), версияларни бошқариш, қисчақа маълумот бериш, workflow ва ҳаёт даврини бошқариш механизмлари ҳисобланади.

Умуман, ECM бозори Document Managementдан ташқари имижинг технологияси (қоғозли ахборот ва электрон ахборот ташувчилардан биргаликда фойдаланиш), Web-контент (Web Content Management), рақамли ҳисоботлар(Enterprise Report Management), шунингдек, ёзувларни бошқариш (Records Management)ни ҳам ўз ичига олади.

Турли кўринишдаги контентлар билан ишлаш воситаларини бирлаштириш шарти шуни англаш бўлдики, тузилмаган солинмаган жами ахборот турларини бошқариш учун технология нуқтаи назаридан бир хил функциялар (контентни сақлаш, кутубхона хизмати, workflow ва излаш) тўплами талаб этилади. Умумий ҳолатда бундай турдаги илова архитектураси контент/маълумотлар даражаси, лойиҳалаш ва бизнес жараёнлари, шунингдек, ташқи тизимлар билан ўзаро таъсирни таъминловчи бизнес сервисларини бажаришдан иборат.

3. ECMнинг бизнес устунликлари. Тармоқли таҳлилчилар нуқтаи назаридан ECM концепцияси кўпгина бизнес-устунликларни таклиф этади. Ташкилотда ҳамма контентли ва жараёнга мўлжалланган технологияларни интеграцияловчи ECM-тизим турли бизнес-функцияларни амалга ошириш учун кўпгина технологияларни қўллаб-қувватлаш ва кучайтириш заруратини камайтирувчи унинг хужжатлар алмашинувини бошқариш учун умумий инфратузилмани таъминлайди.

Ушбу ёндашувнинг моҳияти (у инфратузилма деб ҳам аталади) шундан иборатки, корпоратив таркиб факат битта илова ёки тизимга тегишли бўлмаслиги керак. У аксарият иловалар учун қулай бўлиши ва улар орасида эркин тарқатилиши керак. ECM-инфратузилма (тармоқдаги аксарият вендорларнинг тегишли иловаларини ўз ичига олувчи инфратузилманинг)

муҳим хусусияти хужжатлар таркибининг ягона универсал сақлаш жойига боғлиқ эмаслиги ҳисобланади. ECM-инфратузилмада кўпгина маҳсус (мерос қолган) маълумотлар (ҳатто рақобатлашувчи вендорлар) репозитарийлари, шу жумладан маҳсулотлар ҳақида электрон хужжатларни сақлаш жойи, электрон почта, Web-таркибни сақлаш жойи, файл тизимлари ва ҳатто МББТни киритган ҳолда интеграцияланади.

Шу тариқа, ECM-инфратузилма (умуман корхона бўйича исталган жойдан талабнома бериш имконини берган ҳолда) ҳар бир маълумот репозитарийсига умумий интеграция қатламини (ёки виртуаллашни) таъминлайди, шу билан бирга электрон хужжатларни бошқариш тизимлари ва хужжатлар таркибини бошқаришнинг кўплаб вендорларга интеграциялаш заруратини камайтиради. Бундан ташқари, ECM-инфратузилма ёрдамида шахсийлаштириш, фойдаланиш назорати, фойдаланувчиларнинг ваколатларини бошқариш сингари корпоратив хужжатлар таркибини бошқариш сервисларини амалга оширади (бу ECM-тизимни администрациялаш ва бирга олиб боришни соддалаштиради).

4. ECM-тизимнинг имкониятлари. ECM-тизимнинг имкониятларини бир неча асосий категорияларга ажратиш мумкин:

Хужжатлар таркибини бошқаришнинг умумий функциялари. Хужжатлар таркибини бошқаришнинг умумий функциялари деганда кўплаб электрон объектларни (тасвирлар, офис хужжатлари, графиклар, чизмалар, Web-таркиб, электрон почта, видео, аудио ва мультимедиани) бошқариш қобилияти тушунилади. ECM-тизим турли кутубхона сервисларига (таркибни профилактикалаш, check-in/check-out функциялари, версияларни бошқариш, ревизиялар хронологиясини юритиш, хужжатлардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашга) эга электрон объектларнинг ҳамма турлари учун репозитарийни, шунингдек, унинг ҳаёт даври давомида ушбу объектларни бошқариш қобилиятини таъминлайди.

Жараёнларни бошқариши функциялари. Жараёнларни бошқариш функциялари деганда, бизнес-жараёнлар ва ишлар оқимини автоматлаштириш ва бошқариш қобилияти тушунилади.

Бошқа ECM-тизимлар билан интеграция. ECM-тизимларнинг ташки ERP-тизимлар, офис иловалари, хужжатлар таркибини саклаш жойи, бошқа ЭХАТлар билан интеграцияси қобилиятини англатувчи бошқа ECM-тизимлар билан интеграция. Интеграция объектга мўлжалланган (EJB сингари) интерфейслар, коннекторлар, API-интерфейслар, EAI корпоратив иловалар интеграцияси технологиялари(Enterprise Application Integration)дан фойдаланишни ўз ичига олувчи турли ёндашувлар ёрдамида бажарилиши мумкин.

Қайд этиш мумкинки, ECM ҳозирга қадар концепция сифатида мавжуд, ҳозирда ECM-инфратузилмаси маълум даражада ЭХАТ бозорини ривожлантириш истиқболларига қарашни акс эттиради. Масалан, баъзи тармоқ вендорлари хужжатлар таркибини бошқариш ҳақида фикр билдиради, бироқ улар ўз тизимларини Web-таркиб ёки офис хужжатларини бошқаришга қаратади. Бундан ташқари, корхона бўйича маҳсус репозитарийларни интеграцияловчи очиқ ECM-инфратузилмани яратиш усулларига аниқ қарашлар мавжуд эмас. (EDMS-тизимлар етакчи ишлаб чиқарувчиларининг қарорларини тадқиқ этган) Doculabs компаниясининг баҳосига кўра, гарчи вендорлар ECM концепциясининг муҳимлигини тан олса-да, уларни ўз тизимларида тўлиқ амалга ошириши узоқ муддатли жараён.

Калит сўзлар: ERP ва ECM-тизимлар, IDC, Tower Softwareдан Capture, OpenTextдан iRIMS ва TrueArcдан Foremost ДТ, Tower Technology, output management systems – OMS), Forrester Research

Назорат учун саволлар

1. Корпоратив электрон ёзувларни бошқариш тизимлари нима?
2. Таркибни саклашни талаб этувчи корпоратив қарорлар қаторига кирувчи тизимлар қайси?

3. Қайси компаниялар интеграциясидан сўнг Web-сайтдан “сурат” олиш ва уларни ёзув сифатида бошқариш имкони юзага келди?
4. OMS-тизимлар оммабоплигининг асосий сабаби нимада?
5. ERP-тизимларни ишлаш моҳияти ва камчиликлари?
6. ECM концепциясини келтириинг.
7. ECM бозори Document Managementдан ташқари қандай технологияларни ўз ичига олади?
8. ECM ва Интернет алоқа : ютуқ ва камчиликларни кўрсатинг.
9. ECMнинг бизнес устунликлари нимада?
10. Хужжатлар таркибини бошқаришнинг умумий функцияларини баён қилинг.
11. Бошқа ECM-тизимлар билан интеграцияларни айтинг.

V боб. ЭҲАТ БОЗОРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

5.1. Жаҳон ЭҲАТ бозори

1. Таҳлилий маълумотлар. Умумий маълумот. Жаҳон ЭҲАТ бозори 20 йилдан буён амал қилиб келмоқда. У жуда кучли фрагментланган, чунки унда бутун жаҳонда машҳур кўп соҳавий АТ-компаниялар сингари, ҳали танилиб улгурмаган (ёки фақат ўз бозор нишасида танилган) фирмалар иштирок этади. Турли баҳоларга кўра жаҳонда амалий имкониятлари каби, технологик қарорлар бўйича ҳам бир- биридан фарқланувчи бир неча юзлаб дастурий иловалар мавжуд (уларни ЭҲАТ каби таснифлаш мумкин).

Жаҳонда электрон хужжат айланма соҳасида юзлаб компаниялар иловалар ишлаб чиқиши билан шуғулланиб келмоқда, улардан (алифбо тартибида) ACS Software, Action Technologies, Adobe, Artesia, AXS-One, BroadVision, Cyco, Cypress, Datamax Technologies, Datawatch, Divine, Documentum, Dynamic Imaging, Eastman Software, Excalibur, FileNet, Hyland Software, HP/Dazel, Hummingbird, Gauss Interprise, IBM, Ideal, Identitech, iManage, Interlucent Internet Solutions, Interwoven, InterTech, Ixos Software, Jetform, Keyfile, Kofax, Lotus Development, Microsoft, Mobius Management Systems, Novell, OIT, OpenText, Optio Software, Optika, Oracle, OTG, Plexus, Radnet, RedDot Solutions, Siemens Nixdorf, SER Microsoft, SER Solutions, Saperion, Saros, Staffware plc, Stellent, Symantec, Tower Software, Tower Technology, TrueArc, TSP; Unisys, Vignette, Westbrook Technologies ва бошқалар машҳурлик қозонган.

IDC таҳлилчиларининг фикрича, жаҳон хужжат ва унинг таркибини бошқариш технологиялари бозори истиқболлари (document and content technologies — DCT) уларнинг корпоратив ҳужжатлар билан жамоавий иши самарадорлигини оширишда корпоратив фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари мунтазам равишда ошиб бориши ("Document and Content Technologies Applications Forecast and Analysis, 2000-2004" ҳисоботи) натижасида етарли даражада мақбул ҳисобланади (GartnerGroup баҳоларига кўра 2001 йилнинг якунидаги жаҳонда ЭҲАТ дан фойдаланувчилар сони қарийб 40 млн.ни ташкил

этган). Мазкур ҳисоботда IDC DCT-бозорининг қуидаги сегментларини ажратди: айнан ЭҲАТ; корхона порталарида таркибий қисмларни бошқариш тизимлари ва электрон тижорат учун таркибий қисмларни бошқариш тизими.

IDC прогнозига кўра, жаҳон DCT-бозори ҳажми 1999 йилда 1,1 млрд. АҚШ долл.дан 2004 йилда 32% ўртача йиллик ўсиш суръати билан 4,4 млрд. АҚШ долл.гача ортиши лозим (IDC "Document Management Market Review and Forecast 1998-2003" йиллардаги ҳисоботига мувофиқ қиёслаш учун: 1998 йилда жаҳон ЭҲАТ бозори ҳажми қарийб 750 млн. АҚШ долл.ни ҳамда Фарбий Европа бозори учун 200 млн. АҚШ долл.ни ташкил этган).

Ахборотлардан Web-бирлаштирилган инструментал фойдаланиш воситаларга корхоналарнинг эҳтиёжлари ортиши ва электрон тижоратни янада кенгроқ тарқалиши ҳам DCT бозори ривожланишига кўмаклашади. Бунда ахборотларни тўпловчи, изловчи ва таҳлил қилувчи инструментал воситаларга истеъмолчиларнинг талаби тезкор ортиб бормоқда, ушбу воситалар ёрдамида турли-туман матнли файллар, график файллар, видео ва аудио файллар йиғишини тезкор қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади. IDC баҳоларига кўра, ҳозирги вақтда ЭҲАТ савдоси DCT бозорида даромадлар асосини шакллантирмоқда. Бироқ электрон тижорат учун иловалар сегменти янада тезроқ ривожланиб келмоқда.

1998-1999 йилларда мазкур сегментнинг ҳажми 143,1 %га ошди. Киёсловларга кўра, ўрганилаётган даврда ЭҲАТ сегменти ҳажми фақат 19,5 %га, корхона порталари учун иловалар сегменти ҳажми эса 64,6 %га ошган.

IDC кейинги прогнози ("Document and Content Technologies Market Forecast and Analysis Summary ҳисоботи, 2001-2005") иқтисодий тушиш даврида ҳужжатлар ва уларнинг таркибини бошқариш тизимининг жаҳон бозори истиқболларини баҳолаб берди. Гарчи мазкур тизимларнинг жаҳон бозори экстраординар, яъни 89 %га (2000 йилдаги каби) ўсиш ҳолатини такрорламаган бўлса-да, IDC унга яхши ривожланиш истиқболларини прогнозлади.

IDC бошланғич прогнози 2000 йилда түпланган маълумотлар ва АҚШ долл.дан 2005-2001 йилнинг биринчи чораги маълумотларига асосланган. Ушбу бозорнинг ҳар йили 47,2%га ўсиши прогнозланди (2000 йилдаги 2 млрд. АҚШ долл.дан 2005 йилда 14 млрд. АҚШ долл.гача). IDC таҳлилчиларининг фикрига кўра, ҳужжатлар ва уларнинг таркибини бошқариш тизимларини харид қилиш бўйича корпоратив фойдаланувчиларнинг режалари 2002 йилнинг дастлабки уч чорагида маълум вақтга тўхтатилади деб ҳисоблайдилар.

Бозор 2002 йилнинг охириларида ва 2003-2005 йиллар мобайнида қайта тикланиши таҳмин қилинди. Gartner Group фикрига кўра, корпоратив ҳужжатларни бошқариш тизимиға талаб давом этади, бироқ уларни ишлаб чиқувчилар бозор шароитлари босими (нархларни янада арzonлаштиришни талаб этувчи), маҳсулотларнинг давомий туркумланиши ва VAR-имкониятларни таъминлаш заруратига эътиборга олишлари лозим.

Порталлар янада кенгрок тарқалиб бормоқда. IDC ("Worldwide Enterprise Information Portal Software Forecast and Analysis ҳисоботи, 2001-2006") прогнозига кўра, корпоратив ахборот порталларини (enterprise information portal – EIP) яратиш учун жаҳон ДТ бозорининг ҳажми 2001 йилдаги 550.4 млн. АҚШ долл.дан 2006 йилда 3.1 млрд. АҚШ долга ортади. Ўз навбатида, Gartner Group прогнозига кўра, яқин беш йилда порталларнинг бозор сегменти ўртacha йиллик ривожланиш суръати 30 %ни ташкил этади (шу билан бир вақтда Овумнинг фикрига кўра, жаҳон иқтисодиётидаги мавжуд мураккаб ҳолатда аксарият порталли "ташаббуслар" шундай "четга олиб қўйилади"). Шунингдек образларни бошқариш тизимларига ҳам қизиқиш ортиб бормоқда.

IDC таҳлилчилари таркибий қисмлар ва ҳужжатларни бошқариш соҳасида бозор хизматларини ҳам таъкидлаб ўтдилар ("Content and Document Management Service Market Forecast ҳисоботи, 2001-2006"). IDC прогнозига кўра, ушбу бозорнинг ҳажми ҳар йили ўртacha 44 % ўсиш суръатини қайд этиб, 2006 йилда 24,4 млрд. АҚШ долларига етди. Бундай хизматлар қаторига IDC режалаштириш ва лойиҳалаштириш сервислари, шунингдек мижозларга корпоратив таркибларни самарали бошқаришда ёрдам кўрсатиш учун тақдим

этилувчи татбиқ этиш, ўқитиш ва қўллаб-кувватлаш сервисларини ўз ичига олади.

Таҳлилчиларнинг умумий фикрича, бизнесни муваффақиятли юритишни таъминлаш учун замонавий ЭҲАТ ни жорий этиш аҳамияти келгусида ҳам сақланиб қолади ва кучайиб боради.

2. Жаҳон ЭҲАТ бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Бозорнинг янада ривожланиши, унинг бирлашиши, бозорда янги иштирокчилар пайдо бўлиши, бозор иштирокчилари таклифлари дифференциацияси. ЭҲАТ бозорида қўшилиш ва жалб этиш ҳолатлари давом этмоқда, бинобарин маълум даражада – жаҳонга машҳур АТ-фирмалари (Oracle, Microsoft, SAP, Baan ва б.) ўзлари учун янги бўлган соҳага чиқдилар.

Йирик АТ-фирмалари томонидан ЭҲАТ ишлаб чиқарувчини жалб этиш жараёни ва уларнинг технологияларини ўз қарорлари мослаштириш жараёнлари кузатилди. Масалан, 2001 йил апрель ойида Microsoft компанияси Ncompass Labs (Ванкувер шаҳри, Канада) компаниясига Resolution Webтаркибни бошқариш тизими ишлаб чиқувчисини тақдим этди, у 2001 йил август ойи бошларида чиқарилган Microsoft Content Management Server 2001 ДТ учун асосга айланди.

Web-таркибларни бошқариш тизимлари вендорлари портал ишлаб чиқарувчилари билан бирлашмалар яратадилар (ёки уларни харид қиласдилар). Бунда Web-таркиб ва порталларни бошқариш тизимлари ўртасидаги ўзига хос синергетик самара юзага келади (Web-таркиб ва порталларни бошқариш тизимининг бундай конвергенцияси гурух бўлиб ишлашнинг янги шаклини яратади). Хужжатлар ва таркибларни бошқариш тизимларини ишлаб чиқувчилар ҳамда образларни бошқариш тизимлари вендорлари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ҳам шаклана бошлади (масалан – Artesia ва Vignette компаниялари).

Аксарият вендорлар ўз таклифларини туркумлайдилар, ўз хужжат алмашув компонентларини ишлаб чиқадилар ёки такомиллаштирадилар. Зоро, Oracle Applications Suite ДТ да хужжат алмашув компонентини қўшган Oracle

компанияси фаолият юритади. Ўрта корхоналар учун ERP-тизимлари ишлаб чиқувчилари, JBA International компанияси (www.jbaworld.com), ўз тизимиға ҳужжат алмашув модулини қўшди. Шу билан бирга Lotus Development компанияси Domino га асосланган мижозларга хизмат кўрсатиш иловаларини автоматлаштириш учун фойдаланиувчи ўз ҳужжат алмашинуви тизимини тизимини таклиф этади.

2001 йил сентябрда Vignette компанияси Web-таркибни бошқаришнинг аввалги автоном воситаси бирлаштирилган Vignette Content Suite V6 ДТ, иловаларни персоналлаштириш, бирлаштириш, таркибни агрегатлаш ва синдикатлаш, Web-сайт трафики бўйича ҳисоботлар таҳлил қилинди ва генерациялашга киришди.

3. ЭҲАТни кенг тарқалган корпоратив иловалар билан бирлаштириш. Корпоратив маълумотлар ва иловаларни бирлаштириш ҳозирги кунда корхоналар олдида турган муаммолардан бири ҳисобланади, ушбу муаммоларнинг кескинлиги келгусида ҳам сақланиб қолади. IDC таҳлилчиларининг фикрига кўра ("Surviving the eBusiness Transition: Strategies for Enterprise Information Management" ҳисботи), электрон бизнес даврига ўз корпоратив ахборотларини бошқариш стратегиясини пухта шакллантирган корхоналар кирадилар (Enterprise Information Management – EIM).

EIM-стратегии ҳар қандай корхона учун барча корпоратив билим ва маълумотлардан осон ва тез фойдаланиш ҳамда исталган жойдан корпоратив ахборотни бошқариш имконияти ҳисобланади (у ҳар қандай ҳолатда долзарб ва қулай бўлиши лозим). Бундай корхоналар ўзаро алмашувчи ахборотларнинг барча корпоратив иловаларини чуқур бирлаштиришлари лозим.

ЭҲАТ вендорлари эгаллаган вертикал жойларидан чиқади ва корпоратив ҳужжатлар таркибини бошқариш бўйича умумий қарорни таклиф этишга ҳаракат қиласидилар. Улар (ўзлари учун ҳали ҳам фойдали) офис қарорларини етказиб беришдан тўлиқ корпоратив қарорни жорий этишга қадар (кирувчи электрон почтага ишлов беришдан intranet/extranet ва Интернетдаги таркибгача) ҳаракатланади. Тармоқ таҳлилчиларининг фикрича, “тўлиқ коллаборатив”

корхонани яратиш лойиҳаси (унинг ҳамма ходимлари ЭҲАТ имкониятларидан фойдаланади) ҳозиргача чиройли ғоя даражасида қолади. Ғарбий Европа ҳозирда уни амалга оширишга яқин туради.

Ҳамкорликдаги қарорларни яратиш ва илгари суриш бўйича ДТни ишлаб чиқувчилар фаолияти тезкорлигини ошириш. Бунга мисол сифатида 2000 йилдаёқ Documentum 4i eBusiness Edition ДТ ва ATG Dynamo ДТ (Art Technology Group компанияси ишланмалари) асосида бажарилган B2B-қарорларда ахборот таркибини бошқариш бўйича ҳамкорликдаги қарорлар хизмат қилиши мумкин.

Тармоқ стандартларини ҳамкорликда ишлаб чиқиши. Бу тармоқни ривожлантириш бўйича барқарор йўналишдир. Хусусан, SyncML маълумотларини синхронлаш бўйича очиқ протоколни яратиш ишларини қайд этиш мумкин, уларда IBM, Lotus Development, Motorola, Nokia, Palm, Psion и Starfish Software сингари компаниялар иштирок этади.

ЕСМ концепциясининг ривожланиши. Бу жами тармоқни ривожлантиришда янги йўналиш (у 2002 йилда айниқса сезиларли бўлди). Бунда ЕСМ становится корхона даражасида унинг бўлимига нисбатан технологияга айланади. Порталлар фойдаланувчиларга эришиш (уларга ахборот етказиш) учун ЕСМ-технологияларни амалга оширишда янада афзал йўлга айланади.

4. Россия ЭҲАТ бозори. Умумий шарҳ. Россия корхона ва ташкилотларининг ўз хужжат алмашинувини мақбуллаштиришга эҳтиёжи юқори бўлиб, ривожланишда давом этмоқда. Сўнгги йилларда Россияда хорижий ҳамда шахсий ишлаб чиқаришдаги ЭҲАТларни ишлаб чиқиш ва етказиб бериш билан шуғулланувчи ўнлаб компаниялар юзага келди. Россияда ЭҲАТлар дастлаб кенг миқёсда (аксарият ҳолатларда, парвозли) жорий этилган. Айтиш мумкинки, хужжат алмашувни бошқариш ДТ бўйича Россия бозори асослари шаклланган.

IDC маълумотларига кўра, Россия ЭҲАТ бозори ҳажми (хорижий ЭҲАТлар билан бирга маҳаллий ЭҲАТлар) 1999 йилда қарийб 2 миллион АҚШ

долларни ташкил этди. Таҳлилчиларнинг фикрича, 1999 йилдан бошлаб, Россия ЭҲАТ бозорининг йиллик ўсиш суръатлари 30 %дан камроқни ташкил этади. Шундай фикр ҳам мавжудки, 1998 йилдан бошлаб, Россия ЭҲАТ бозори ҳажмининг деярли икки баробар йиллик ошиши кузатилган.

Корпорацияларо ўзаро таъсирда ЭҲАТни яратувчи электрон рақамли имзо ҳақидаги қонун қабул қилиниши Россия ЭҲАТ бозорининг истиқболларини яхшилайди. Қатор тармоқ таҳлилчиларининг фикрича, Россия ЭҲАТ бозорининг потенциал ҳажми (Россия иқтисодиётини муваффақиятли ривожлантиришда) юзлаб миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Қайд этиш жоизки, ҳозирда кузатилаётган Россия ЭҲАТ бозорининг кичик ҳажми Россия (ЭҲАТни бир неча ўн АҚШ долларидан бир неча минг АҚШ долларгача қийматда харид қилишга қодир) корхона ва ташкилотларининг умумий ҳужжат алмашинуvida электрон ҳужжат алмашинувининг улуши нисбатан сезиларсизлиги билан боғлиқ. Аксарият ҳолатларда Россия корхоналарида қофозли ҳужжат алмашув устунликка эга. Бу вазият нафақат анъана ва маълум консерватизм, балки аксарият Россия корхона ва ташкилотларининг мураккаб молиявий ва техник ҳолати билан изоҳланади.

Айтиш лозимки, Россия бозорида қатор муҳим хорижий тизимлар (Documentum, DOCS Open/Fusion, Staffware, Panagon, DocuLive, Lotus Notes ва ҳоказолар) ҳам мавжуд. Россия ДТ ишланмаларидан қуйидаги дастур тизимлари ва уларни етказиб берувчилар нисбатан танилди: БОСС-Референт (АйТИ); Кодекс: Документооборот (Консорциум "Кодекс"); Гран-док (Гранит), Евфрат (Cognitive Technologies); Дело (ЭОС); LanDocs (Ланит); Крон (Анкей); OfficeMedia (InterTrust); Effect Office (Гарант Интернэйшнл); N.System (Центр Компьютерных Технологий), LS Flow (Лоция-Софт), Оптима (Optima Workflow), ЭСКАДО (ИнтерпрокомЛан), 1С:Документооборот и 1С:Архив (1С), Циркуляр и VisualDOC (ЦентрИнвест Софт), Документ-2000 (TelcomService), Ирида (IBS), RS-Document (R-Style Software Lab) ва қатор бошқа компаниялар.

Таъкидлаш лозимки, баъзи Россия ЭҲАТлари Lotus Domino/Notes (турли объектив ва субъектив сабабларга кўра Россияда етарлича кенг тарқалган): БОСС-Референт (АйТи), семейство продуктов “Золушка” и DIS-Assistant (Москвадаги ривожлантириш институти), CompanyMedia и OfficemMedia (ИнтерТраст), N.System (Компьютер Технологиялари маркази), Делопроизводство (КСК) муҳитида яратилган.

IDC таснифига биноан, аксарият Россия ЭҲАТлари (баъзан иш оқимларини бошқариш элементлари билан) бизнес жараёнларига мўлжалланган тизимлар тоифасига киради. Турли манбаларда қайд этиладики, аксарият маҳаллий ЭҲАТларда қуйидаги функциялар амалга оширилган:

- хужжатларга ишлов бериш/сақлаш;
- иш оқимларини бошқариш (хужжатларни ижрочилар орасида ўтказиш);
- хужжатлар ижроси назорати;
- хужжатларни атрибутлар бўйича излаш ва тўлиқ матнли излаш;
- ўзаро боғлиқ хужжатлар билан ишлаш;
- хужжатдан фойдаланиш хуқукини тартибга солиш;
- хужжатларни рўйхатдан чиқариш;
- ташқи электрон почта тизимлари билан интеграция.

Россия ЭҲАТларининг асосий устунлиги Россиядаги ўзига хосликнинг маълум ҳисоби ва хужжатлар билан ишлаш (уларнинг бизнес-мантиғига азалдан асосланган) анъаналари ҳисобланади.

5. Россия ЭҲАТ бозори ривожининг асосий йўналишлари. Кўп соҳали АйТи компанияларининг Россия ЭҲАТ бозорига чиқиши. Россия АйТи бозорида мустаҳкам ўринга эга юзлаб Россия АйТи компаниялари орасида қатор йирик кўпсоҳали фирмалар ЭҲАТ бозорини жиддий қабул қиласи ва хужжат алмашувни автоматлаштириш соҳасида ўз қарорларини таклиф этган ҳолда ўз фаолиятини диверсификация қиласи. Бу ерда IBS, Аквариус (унинг шуъба корхонаси Аквариус Консалтинг), R-Style, Ланит (АйТи компаниясидан ташқари) сингари компанияларни қайд этиш мумкин.

ЭҲАТни стандартлаштириши бўйича ҳамкорликдаги ишлар. Қатор Россия компаниялари (НТЦ ИРМ, ИнтерТраст, ЭОС) ЭҲАТнинг ўзаро таъсири протоколларини стандартлаш соҳасида ҳамкорликда ишлайди. 2002 йил апрелда улар бунинг учун маҳсус доимий амал қилувчи “Протоколларни стандартлаш бўйича ишчи гурух” туздилар.

Хорижий ЭҲАТ ишлаб чиқувчилар ва етказиб берувчиларнинг Россия бозорига қизиқиши ортиши. Бу қизиқиши хорижий ЭҲАТ вендорларининг ҳамкор компаниялар орқали Россия бозорига чиқишида намоён бўлади. Мисол тариқасида ўз ҳамкори - DOCS Open/Fusion тизими, билимларни бошқариш Fulcrum тизимлари, Genio маълумотларни интеграциялаш воситалари ва Hummingbird EIP порталини илгари сурувчи Россиянинг компанияси орқали фаолият юритувчи Канаданинг Hummingbird фирмасини кўрсатиб ўтиш мумкин. FileNet компанияси (хусусан, “Галактика” компанияси, Россия бозорига ЭҲАТларни илгари суришда FileNetнинг ҳамкорига айланган Panagon компанияси ёрдамида) Россия бозорига чиқишига қарор қилди.

Интеграцияли қарорларни ишлаб чиқши. Россия бозорида ўнлаб ЭҲАТларнинг мавжудлиги ишлаб чиқувчиларни уларни интеграциялаш учун воситалар яратишга ундейди. 2002 йил марта ИТ компанияси ўз БОСС-Референт ЭҲАТда XML-шлюзини чиқариши бунга мисол сифатида хизмат қилиши мумкин, у ЭҲАТнинг ягона ахборот муҳитига турли платформаларда тузилган ва турли форматлардан фойдаланиш имконини берувчи маълумотларни бирлаштириш мумкин.

Ҳамкорлик ва интеграцияланган қарорларни биргаликда илгари суриши. Қизиғи шундаки, баъзи Россия компаниялари ўз ЭҲАТларини ўз ҳамкорини компьютерда йиғишга мўлжалланган OEM-версиялари кўринишида таклиф этади. Бунга мисол Эксимер АКда ўрнатилган БОСС-Референт ЭҲАТнинг OEM-версиясини таклиф этувчи АйТИ ва Инел-Дата Россия компаниялари ҳисобланади.

Калит сўзлар: ACS Software, , Adobe, Artesia, BroadVision, Cyco, Cypress, Datamax Technologies, Datawatch, Divine, Documentum, Dynamic Imaging,

Eastman Software, Excalibur, FileNet, Hyland Software, HP/Dazel, Hummingbird, Gauss Enterprise, IBM, Ideal, Identitech, iManage, Interlucent Internet Solutions, Interwoven, InterTech, Ixos Software, Jetform, Keyfile, Kofax, Lotus Development, Microsoft, Mobius Management Systems, Novell, OIT, OpenText, Optio Software, Optika, Oracle, OTG, Plexus, Radnet, RedDot Solutions, Siemens Nixdorf, SER Macsoft, SER Solutions, Saperion, Saros, Staffware plc, Stellent, Symantec, Tower Software, Tower Technology, TrueArc, TSP; Unisys, Vignette, Westbrook Technologies, БОСС-Референт, Евфрат, LanDocs, ЭСКАДО, Документ-2000

Назорат учун саволлар

1. Жаҳонда электрон ҳужжат алмашинуви соҳасида ном чиқарган компаниялар қайси?
2. Жаҳон DCT-бозори ҳажми қандай ўсиб бормоқда?
3. Жаҳон ЭҲАТ бозорини ривожланишининг асосий йўналишларини келтиринг.
4. ЭҲАТни кенг тарқалган корпоратив иловалар билан бирлаштириш муаммоларини баён қилинг.
5. Россия ЭҲАТ бозори тўғрисида маълумот беринг.
6. Россия компаниялари яратган ЭҲАТлар қайси? Уларнинг имкониятлари.
7. Россия ЭҲАТ бозори ривожининг асосий йўналишларини келтиринг.

5.2. Жаҳон иқтисодиётининг турли тармоқларида ЭҲАТнинг қўлланиши

1. Соғлиқни сақлаш ва фармацевтикада ЭҲАТлар. Geisinger Health System тиббиёт ташкилоти Danville шаҳрида жойлашган ва Пенсильвания штати 31-графлигига яшовчи 2 млн. кишини: қишлоқ жойда биринчи ёрдам кўрсатишдан бошлаб, Geisinger Medical Centerда мураккаб диагностика ва даволаш муолажаларини ўтказишга қадар соғлиқни сақлаш хизматлари билан таъминлайди.

Geisinger Health System ўз ташкилотида ЭҲАТ TOWER IDM (Document Imaging System ўрнига) TOWER Technology компанияси ишланмаларини жорий

этиб, у Ғарбий, Марказий ва Шимоли-шарқий Пенсильванияда Geisinger Health System клиникалар тармоғида кенг тарқалған Ambulatory System билан интеграцияланған. Тегишли Geisinger хизматлари молиявий, тиббиёт, суғурта ва ҳисобот ҳужжатларидан барқарор ва ишончли фойдаланишга эга бўлди. Geisinger тизимида фойдаланилувчи TOWER ДТ жорий этилгунга қадар 2 млн.гача ҳужжат намуналари ва 12000 COLD-ҳисоботга ишлов берилиб, сақланди. TOWER ДТ жорий этилгач, тизимнинг иш юкламасини 4 млн. намунағача (биринчи йилдаёқ) ошириш кўзда тутилмоқда. Geisinger компаниясидаги 7000дан ортиқ ходим, қарийб 24000 кишини йил давомида шифохонага жойлаштириш ва 1,4 млн. беморнинг уйига шифокорлар ташрифи ҳужжатлаштирилди.

Бундан ташқари, Geisinger Health System фирмасида TOWER Document Portal ДТ жорий этилган, унинг ёрдамида шифокорлар кўп минглаб беморлар ҳақидаги маълумотлардан Web-фойдаланишга эришдилар. Чунки тизим Web даражасига кенгайтирилган, бунда анъанавий қоғозли ҳужжатлар Web-ахборот билан бирлаштирилди. Бу Geisinger фирмасига ахборотни сақлаш ва ундан фойдаланиш тартиботларини унификациялаш имконини беради.

Novartis – йирик фармацевтика компанияси бўлиб, 1996 йилда Sandoz ва Ciba машхур швейцария фирмаларининг бирлашиши натижасида ташкил этилган. Novartis компаниясининг асосий йўналишларидан бири янги дори воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар ҳисобланади (ҳар йили Novartis компанияси бу йўналишга 2.9 млрд.дан ортиқ швейцария франки инвестициялади).

Бирлашувдан сўнг Novartis компаниясида муаммо— илгари мустақил бўлган икки компаниянинг ахборот ресурслари ва билимларини бирлаштириш ва уларни самарали бошқариш зарурати пайдо бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир фармацевтика компанияси учун яратилувчи дорилар бўйича ҳужжатларни бошқариш масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Novartis компанияси учун мазкур масаланинг қиймати янада юқори бўлди, чунки Novartis компанияси раҳбарияти компаниялар бирлашгач,

(айниқса илгари ўзаро ҳамкорликда ишламаган узокдаги лойиха жамоалари орасида ўзаро таъсир мавжуд әмаслигида) катта ҳажмдаги (ортиқча тақрорланган) ахборот ресурслари йўқолиб кетишидан хавфсирай бошлади.

Компаниялар бирлашишига қадар Sandoz компанияси ходимлари қоғоз шаклидаги тадқиқот ҳужжатларни ДТда, корпоратив тармоқдаги серверлар, шунингдек, ОС VMS номи билан ишловчи иловаларда сақлардилар. Sandoz компаниясининг ходимлари VMS тизимининг фойдаланувчилар интерфейси мураккаблиги натижасида у билан самарали ишлай олмасдилар. Шунинг учун бошқа олимнинг ёки тадқиқотчилар гурухи маълумотларидан фойдаланиш учун мазкур ходимлар муаллифлар билан телефон орқали боғланиш, талабномаларни электрон почта орқали жўнатиш ёки ушбу маълумотларни факс орқали сўрашга мажбур бўлардилар. Баъзан лойиха ҳужжатлари тақрорланган. Бундан ташқари, ходимлар маълум сабаблар билан компанияни тарқ этганларида улар тузган маълумот (билимлар)ни бошқалар тушуниши учун топиш қийинлашди (ёки йўқолиб қолди).

Сіба компаниясида ҳам ўхшаш вазият юзага келди. Унинг ходимлари ҳам локал ДКда сақланган қоғозли ҳамда электрон ҳужжатлардан фойдаланганлар. Янги дори воситасини шарҳлаш зарурати юзага келганда тегишли маълумотларни излашга (ёки уни қайтадан яратишга) кўп вақт сарфлашга тўғри келди. Шу билан бирга, янги дорининг бозорга чиқишидаги умумий муддат сезиларлича ошди, бу унинг рақобатбардошлигини камайтирди.

Шунинг учун Novartis компанияси илгариғи икки мустақил компанияларнинг ахборот ресурсларини бирлаштириш ва бошқариш учун муҳим воситаларни топишга қарор қилди. Билимларни сақлаш жойидан ташқари, Novartis компаниясига ЭҲАТ зарур бўлиб, унинг ёрдамида фирма менежери амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳақидаги маълумотни кўриб чиқиб, уларни молиялаштириш бўйича қарор қабул қилиш имконига эга бўлади. Бундан ташқари, ЭҲАТ компания ходимлари фойдаланишлари учун оддий бўлиши керак.

Novartis компанияси ўз муаммоларини ҳал этиш учун Documentum ЭҲАТни танлаб олди (ундан 1994 йилданоқ ЭҲАТ шакли сифатида фойдалана бошлаган). Умумий корпоратив репозитарий ҳисобига Docbase – (ҳамма тадқиқот ва лойиҳа ҳужжатлари учун) Documentum ЭҲАТ жаҳон бўйлаб Novartis бўлинмалари учун корпоратив илмий тадқиқот ахборотидан фойдаланишни таъминлайди. Икки компания бирлашгач, Ciba ва Sandoz компанияларига тегишли ҳужжатлар Docbase репозитарийсига ўтказилди. Ҳозирги кунда Docbasedа кўп минглаб ҳужжат сақланади. 1998 йил охиридан Novartis компаниясида Documentumдан фойдаланувчилар сони 1000 нафар кишига етди.

Янги дори шарҳлов учун тайёр бўлса, у ҳолда бу учун ишлаб чиқувчиларнинг зарур ахбороти катализацияланиб, Docbasedа сақланади (уни умумий обуна тизимиға ўтказиш зарур). Тадқиқотлар бўйича жами ҳисботлар ҳам стандарт равишда Docbasега ўтказилади (бу улардан фойдаланишни сезиларлича осонлаштиради). Тадқиқотлар бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш талаб этилса, ишнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун ҳужжатларнинг аввалги версияларини кўриб чиқиш мумкин.

Novartis компанияси Documentum ЭҲАТни жорий этишдан сезиларлича фойда олди. Биринчидан, ҳисботларни такрорлаш имконияти истисно этилган ва ҳар йили тадқиқот дастурларини ривожлантириш билан боғлиқ ахборотни бошқариш ва ҳужжатларни тарқатиш сарф-харажатлари камайтирилган. Иккинчидан, кўплаб харажатларни талаб этувчи VMS-тизим фойдаланишдан чиқарилгач, (компаниянинг баъзи ходимлари унинг имкониятларидан доимо фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда) тежамкорликка эришилган. Novartis компанияси учун кўпроқ фойда зарур ахборотга дарҳол кириш имкониятига эга компаниянинг илмий тадқиқот ходимлари меҳнати ва тадқиқот дастурлари унумдорлигини ошириш натижасида олинган.

Novartis компанияси раҳбарияти Documentum ЭҲАТда инвестицияларни уч йилда тўлиқ қайтариш муддатини баҳолади.

- мавжуд ЭҲАТ асосий функционаллигидан фойдаланган ҳолда буюртмачи асосий хужжатларининг базали тўпламида тизимни жорий этиш. Ушбу босқичнинг натижаси иш тартибида амал қилувчи хужжат алмашинуви тизими ҳисобланиб, унда асосий хужжатлар – шартномалар, ҳисобрақамлар ва хатларга ишлов берилади. Босқични бажаришнинг оддий муддати 1-2 ой. Баъзан тизимни буюртмачи хужжатларининг стандарт тўпламига мослаштириш учун бир ҳафта ҳам кифоя. Бундан стратегия ЭҲАТни жорий этиш учун стандарт ҳисобланади – машҳур тақсимот қонунига мувофик хужжатлар категорияларининг 20 %и деярли ҳар бир компаниянинг 80 % фаолиятини қоплади ҳамда бундай хужжатлар кўплигига тизимни жорий этиш уни жорий этишдан тезроқ самара олиш имконини беради;

- буюртмачи хужжатларининг кенгайтирилган тўпламида ЭҲАТ функционаллигини буюртмачининг ўзига хос эҳтиёжларига мослаштириш орқали тизимни жорий этиш. Ушбу босқичнинг натижаси иш тартибида амал қилувчи хужжат алмашув тизими ҳисобланиб, унда ҳар бир ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда буюртмачи учун зарур хужжатларга ишлов берилади.

Бундай жорий этиш методологиясининг устунлиги мавжуд натижаларга тезроқ эришиш ҳисобланади – лойиҳа бошлангач, биринчи ой давомида буюртмачининг мавжуд муҳимроқ хужжатларида тизимдан фойдаланиш мумкин.

Ушбу жорий этиш методологиясининг муҳим хусусияти буюртмачининг мавжуд бизнес жараёнларига тизимни мослаштириш ҳисобланади.

Хужжатлар билан ишлашда мавжуд тартиб бузилмайди, жорий этиш жараёнида бизнес жараёнлари реинжиринги юз бермайди. Бу бошқа жорий этиш методологиясида, афсуски, юзага келиши муқаррар бўлган ходимлар

қаршилигини камайтириш имконини беради. Тизимдан илгаридан мавжуд фойдаланиш жараёнида бизнес жараёнлари ўз-ўзидан такомиллаша бошлайди.

3. ЭҲАТни жорий этиш муаммолари. ЭҲАТни жорий этишда қуйидаги асосий муаммоларга дуч келишга тўғри келиб, жорий этиш лойиҳасининг муваффақияти уларни ҳал этишга боғлиқ:

- аксарият ҳолатларда корхонани кенг миқёсда қайта ташкил этиш зарурати;

- бизнес жараёнларининг суст ифодаланиши ва корпоратив стандартлар мавжуд эмаслиги;

- ЭҲАТни умуман корхонада (ахборот яратилувчи, ўзгартириш киритилувчи ва сақланувчи жойларда) жорий этиш ва ундан фойдаланиш керак, акс ҳолда жорий этишдан ижобий натижа жуда кичик бўлади (умуман бўлмаслиги ҳам мумкин);

- корхона ходимлари томонидан ЭҲАТни жорий этишга маълум қаршилик (“ўзгаришларга қаршилик”) мавжудлиги, баъзан ўз фаолиятида бирор-бир “шаффоффлик”ни истамаслик туфайли келиб чиқади;

- корхона ходимларида (шу жумладан, қуи, ўрта ва юқори бўғин раҳбарларида) ЭҲАТ билан ишлашга етарлича тайёргарлик даражаси мавжуд эмаслиги.

Электрон ҳужжат алмашув тизимини жорий этишнинг баъзи хусусиятларини қисқача кўриб чиқамиз.

1. Мавжуд ҳужжатларни қоғоз шаклидан электрон шаклга ўзгартириш энг хавфли жараён ҳисобланади. Агар у пухта режалаштирилмаган бўлса, аввалги ишларни йўқقا чиқаришга қодир муаммога дуч келиш, у лойиҳага салбий таъсир этиши мумкин. Агар ташкилотда ҳужжатларнинг қоғозли архиви мавжуд бўлса, у ҳолда архивнинг электрон вариантини яратиш учун тармоқ бўйича уларнинг нусхаларини излашга уриниш – иложсиз иш. Бундан ташқари, электрон нусхалар исталган киши томонидан модификацияланиши мумкин, буни текширишнинг деярли иложи йўқ. Бундай ҳолатда мавжуд ҳужжатларнинг электрон архивини қоғоз шаклидаги ҳужжатларни сканерлаш

орқали ҳосил қилиш мумкин. Агар ҳеч қандай архив бўлмаса, узоқ муддатли тайёргарлик ишларини амалга ошириш зарур.

Дастлаб хужжатларнинг каталогларда сақлаш ягона тартибини белгилашга эришиш зарур. Копьютерларнинг локал дискларида хужжатларни (шу жумладан, иложи бўлса, техник воситалар орқали) сақлашни ман этиш лозим. Ташкилотнинг ҳамма фойдаланувчиларида тармоқда хужжатларни сақлаш учун ўз каталоглари бўлиши керак. Бу хужжатларнинг электрон хужжат алмашинуви тизимиға келгусида ўтишини сезиларлича осонлаштиради. Хужжат алмашинуви тизими хужжатнинг юзага келиш тарихининг версиялилиги, уни қўриб чиқиш ва бир версия бошқасидан қандай фарқланиши имконияти ёки айнан қайси версия контрагентга келишув учун берилгани ҳақидаги қисқача тавсифловни сақлаш имконини бериши жуда қулайдир.

2. Электрон хужжат алмашинуви тизимини жорий этишда уни мавжуд автоматлаштирилган бошқарув тизими билан интеграциялаш зарурати ва имкониятини дарҳол таҳлил қилиш эҳтиёжи юзага келади. Бу фаолият тури бўйича бундай корхоналар ходимлари “оддий” хужжатлар (масалан, буюртма-наряд, табель) ва муҳандислик хужжатлари (чизмалар) билан ишни бирга олиб боришлари, булар – тезкор бошқарув функцияларини бажариш билан боғлиқ. Электрон хужжат алмашинуви тизимлари бундай интеграцияни амалга ошириш учун маҳсус воситаларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

3. Бизнес технология (тиббиёт, болалар озиқ-овқати маҳсулотларини ишлаб чиқариш) ҳамда бизнес жараёнларни қулай бажариш ва тижорат сиринининг сақланиши нуқтаи назаридан масъулият тушунчасига нисбатан етарлича талабчан, бу жараённинг ҳар бир босқичи бажарилишини хужжатлаштириш заруратини яратади. Электрон хужжат алмашув тизими бундай ҳолатларда бир неча йил ўтса ҳам “парвозларни ўрганиш” имконини беради. Бунинг учун у ўтмишдаги ҳар бир лаҳзага бу вақт лаҳзасидаги “кирқим”га эришиш учун вазиятни мослаштириш имконини бериши керак.

4. Холдинг тузилмаларига катта худудий тарқоқлик (минтаقا тузилмаси), кўп босқичли мураккаб иерархия бошқаруви, мавжуд ахборот

технологияларининг суст стандартлашуви ёки тизимлар “ҳайвонот боғи” хос. Шу билан бирга маълумотлар базаси хавфсизлиги ва фойдаланишни чеклашга юқори талабларни ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун жорий этиш бўйича ишни катта парвоз лойиҳасидан бошлиш мумкин. “Парвоз” – тизимнинг тимсоли бўлиб, у бошиданоқ жами талаб этилувчи функционалликни амалга оширмаслиги, лекин тизимни жорий этишдан самарани белгилаши, ягона амал қилувчи лойиҳани тузиш учун асос ишлаб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ишларнинг тўлиқ режасини тузиш имконини бериши мумкин.

5. Бирор янги тизимни жорий этишда компанияларга кўпинча ходимларнинг эскича фикрлаши, кўпинча эса суст ходимлар таркиби хосдир. Бу муаммони тушуниш ва уни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш, яъни таълим бериш ва бунда корпоратив таълим берган ҳолда унинг мазмуни, мақсади, имконият ва устунликларини тушунтириш орқали салбий муносабатни бартараф этиш зарур, жамоа янги тизим жорий этилганда компания ва унда ишловчи ходимлар қандай ютуққа эришиши мумкинлигини тушуниши керак.

Тавсифланган ҳамма муаммолар жорий этиш самарадорлигини баҳолаш мураккаблигини кўрсатади, чунки ушбу ҳолатда қатъий молиявий ҳисботлар унча тўғри келмайди. Бироқ эҳтимол, фақат сифат жиҳатидан, эҳтимол, лойиҳа давомида қабул қилинувчи алоҳида локал бошқарув қарорлари бўйича баҳолаш имкониятига эга мезонларни топиш зарур, чунки эртами ёки кечми киритилган маблағлар самараси бўйича ҳисбот талаб этилади.

ЭҲАТни жорий этишни аста-секин ҳужжат алмашув бўйича муҳимроқ (яхши тавсифланган ва тушунарли) бўғиндан бошлиш керак, уни автоматлаштириш ижобий самарага эришиш имконини беради. ЭҲАТни жорий этиш жараёнида янги технология билан бирга ташкилот фаолиятига халал бермаслик учун аввалги технология билан ҳам ишлаш имкониятини таъминлаш керак. Корхона раҳбарияти томонидан жорий этиш лойиҳасининг қўллаб-қувватланиши (“биринчи шахс омили”) жуда муҳим аҳамият касб этади. Бундай қўллаб-қувватлаш мавжуд бўлмаса (масалан, корхонани текширишда

ҳатто жами зарур маълумотларни олиш ташкил этилганда ҳам), энг яхши ҳолатда, тизим корхонанинг алоҳида бўлинмаларидағина жорий этилади (бундан инвестицияларнинг бирор жиҳатдан сезиларлича қайтишини кутиш мушкул).

“Ўзгаришларга қаршилик” муаммосини электрон ҳужжат алмашув элементларини аста-секин ва режа асосида энг оддийдан бошлаб (масалан, ходимларни электрон почта ва internet тармоғи билан ишлашга ҳамда электрон архивни ташкил этишга ўргатиш) ва зарур тушунтириш ишларини амалга ошириш орқали жорий этиш билан ҳал этиш мумкин. ЭҲАТни жорий этиш давомида корхона ходимлари учун тренинглар, шунингдек, раҳбарият учун электрон шаклда иш юритишга ўтишни ташкил этиш бўйича маслаҳатлар бериш лозим.

ЭҲАТни кенг миқёсли жорий этиш парвоз лойиҳаси билан албатта текширилиши керак, уни бажариш давомида бевосита жорий этишда дуч келиш эҳтимолига эга асосий муаммолар аниқланади. Парвоз лойиҳаси мувваффақият қозонгандан ЭҲАТни жорий этишдан сезиларли самара бор ёки йўқлигини (ёки тахмин қилинишини) аниқлашдан иборат. Парвоз лойиҳаси мувваффақият қозонгандан ЭҲАТни жорий этиш бўйича якуний қарор қабул қилинади. Тўлиқ жорий этиш режаси билан бирга амалий жорий этиш лойиҳаси ишлаб чиқилади. Одатда парвоз лойиҳасининг қиймати амалий лойиҳа қийматининг 10 %ини ташкил этади.

4. Қарор қабул қилишни қўллаб-куватлаш тизимлари. ЭҲАТ – лойиҳа тизимлари. Гарчи асосий функциялар тўпламига эга қути версиялари мавжуд бўлса-да, ҳар бир корхона учун, қоидага биноан, унинг ҳужжатлар билан ишлаш ўзига хослигини ҳисобга олувчи ўз ечими ҳосил қилинади. Бу тизимларнинг асосий хусусияти шундаки, муайян бўлинмаларни (бухгалтерия, омборхона ҳисботи, ходимлар бўлимини) автоматлаштиришга қаратилган дастурлардан фарқли ўлароқ, улар бирмунча маълум ва комплекс вазифаларни ҳал этади. Бу соҳанинг асосий муаммоси унга боғлиқ – кўплаб корхона

раҳбарлари ҳужжат алмашинуви тизимларининг устунликлари ва ўзига хослиги ҳақида суст тасаввурга эга.

ЭҲАТни жорий этиш корхона бошқарувининг ҳамма даражаларида дахл қилади ва бошқарув услубларини ўзгартирishiшга қаратилган. Кўпинча раҳбарлар ушбу вазифанинг мураккаблигини етарлича баҳолай олмайдилар. Бундан ташқари, уларнинг аксарияти ҳужжат алмашинуви автоматлаштириши маблағ сарфлашни истамайдилар. Кўпгина корхоналар ЭҲАТни жорий этиш фойда келтириши ва тез тушумни таъминлашига ишонмайди.

Шу тариқа, кўплаб раҳбарлар моддий қимматликлар ва пул оқимлари ҳаракатини ҳисобга олиш заруратини тушуниб етган, лекин доим ҳам ҳужжатлардаги ахборотнинг қимматини англамаган вазият юзага келади. Корхона ходимлари эса ҳужжатлар алмашинувида эркинликка одатланадилар ва расмий қоидалар доираси билан чекланишига уринмайдилар. Шунинг учун электрон ҳужжат алмашинувига ўтиш корхонанинг юқори раҳбариюни томонидан қўллаб-қувватлашни талаб этади. ЭҲАТни жорий этиш ғояси айнан раҳбариюнига тааллуқли бўлса, бу қулай вариант ҳисобланади.

Агар ташаббускор сифатида “қуий бўғин” – бўлим бошликлари, канцелярия, АТ мутахассислари намоён бўлса, у ҳолда раҳбариюни мададисиз ЭҲАТнинг кўпгина имкониятларини амалга ошириш, бинобарин, кутилаётган инвестицияларни қайтаришига эришиш мушкул. Муаммо шундай чуқурлашадики, етказиб берувчилар амалиётга дуч келувчи вазифаларини ҳал этишига уриниб, ўз маҳсулотларини мураккаблаштирадилар, харидорлар эса, одатда, осонроқ ва арzon ечимга эга бўлишга интиладилар. Бироқ тажрибага кўра, бундай тўлиқсиз жорий этиш тахминларни оқламайди ва ҳужжат алмашувни автоматлаштириш ғоясига зиён етказади.

Раҳбарлик омили. Раҳбарлик омили – энг муҳим омил. Ташкилот раҳбарларининг иродасизлиги турли оғирлик даражасидаги оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Одатда бунда тизим баъзи тизимларда ёки баъзи даражалар

ёхуд бизнес жараёнларининг баъзи тоифалари учундагина жорий этилади. Энг ёмони у умуман жорий этилмаслиги ҳам мумкин.

Ташкилот раҳбари ва иерархиядаги турли даража раҳбарларининг ЭҲАТни жорий этишга иккиланган муносабатининг яширин сабабларидан бири раҳбарият ҳамда ходимлар учун шахсий фаолиятнинг ошкор бўлишидан қўрқиб, у электрон хужжат алмашинуви тизими жорий этилгач, юзага келади.

Холисона омиллар. Қуйида ҳақиқатда холисона омиллар келтирилиб, улар одатда қўштироққа олинувчи ва иш барбод бўлганини оқлашга уринган ҳолда ҳавола қилинувчи омиллардан фарқланади. Бу омилларни тизимни жорий этиш босқичида ҳисобга олиш керак, акс ҳолда келгусида уларни бартараф этишнинг иложи бўлмайди.

Тузилмадаги тартибсизлик. Бартараф этиш мушкул ҳисобланган омиллардан бири ташкилотдаги доимий тузилма ўзгаришлари ва унинг натижаси ўлароқ, бизнес жараёнларини суст ифодалаш саналади. Қизиғи шундаки, жорий этилган электрон хужжат алмашинуви тизими бу тузилма ўзгаришларини сезиларлича соддалаштириш имконини беради. ЭҲАТнинг мавжудлиги қофоздаги катта миқёсли ахборотларни бир бўлимдан бошқасига масалан, янги ташкил этилган бўлимга ўтказища юзага келувчи мураккабликлар, ҳар бир тузилма ва ходимлар ўрнини алмаштиришда муқаррар ҳосил бўлувчи билимлар йўқолишининг олдини олиш имконини беради.

Бироқ баён этилган фикрлардан бундай ҳолатларда электрон хужжат алмашув тизимини жорий этишнинг иложи йўқ деган хulosса келиб чиқмаслиги керак. Шунчаки ташкилотнинг жорий ҳолатига мос ЭҲАТ компонентларини жорий этиш зарур. Масалан, ташкилотда етарлича шаклланмаган тузилма мавжудлигида ҳам етарлича самарали электрон архивни ўрнатиш мумкин, у хужжатлар, уларнинг версифларини сақлаш, турли ходимларнинг улардан фойдаланишини тартибга солиш ва қўшимча имкониятлар: хужжатлардан узоқда ҳам фойдаланиш, эскирган хужжатларни арzonроқ маълумот ташиш воситаларига кўчирган ҳолда диск ҳажмини тежаш каби қулайликлар яратади.

Кейинги босқичларда жуда турғун бўлинмаларда хужжат алмашинувини шакллантира бошлаш мумкин. Кўрсатиб ўтилган ёндашувда тизимни жорий этиш бўйича ҳамкор компанияни топиш жуда муҳим, унинг фаолияти юқори нархда бир лаҳзалик алоқа эмас, балки узоқ муддатли ишга қаратилган бўлади. Бундан ташқари, танланган тизим фойдаланиш жараёнида функционални ошириш имконини берувчи модулли бўлиши керак.

Калит сўзлар: “Ўзгаришларга қаршилик”, шаффоффлик, раҳбарлик омили, тизимдаги тартибсизлик.

Назорат учун саволлар

1. ЭҲАТни жорий этиш босқичлари қайсилар?
2. ЭҲАТни жорий этиш услубиятини келтиринг.
3. ЭҲАТни жорий этишда қайси асосий муаммоларга дуч келишга тўғри келади?
4. Мавжуд хужжатларни қоғоз шаклидан электрон шаклга ўзгартириш қандан жараён ҳисобланади ва у қандай кечади?
5. ЭҲАТни жорий этишда уни мавжуд автоматлаштирилган бошқарув тизими билан интеграциялаш зарурати ва имкониятини баён қилинг.
6. “Ўзгаришларга қаршилик” муаммоси қандай ҳал бўлади?
7. ЭҲАТни жорий этиш корхона бошқарувининг қайси даражаларига дахл қиласди?
8. Раҳбарлик омили тушунчаси нимани англатади?
9. ЭҲАТ тизимидағи тартибсизлик нима?

7.2. Электрон хужжат алмашинуви тизимларини жорий этишдаги муаммо ва ечимлар

1. Электрон хужжат алмашинуви тизимларидан фойдаланишдаги муаммолар. Электрон хужжат алмашинуви тизимлари (ЭҲАТ) маълум хусусиятга эга: тизимни ахборот яратиш, таҳrir қилиш ва сақлаш билан боғлиқ ҳамма иш жойларида жорий этиш керак ёхуд ундан фойдаланиш самарадорлиги жуда кичик бўлади. Масаланинг бундай қўйилиши жорий этиш борасидаги асосий муаммолардан бирини аниқлайди: ҳар бир

ташкilotда бирор янгиликни четлаб ўтишга интилевчи кишилар топилади. Ходимларнинг эскича фикрлаши одатда ўрганиш ва қайта ўрганишни истамаслик, шунингдек, маълумот даражаси пастлиги билан изоҳланади.

Бу муаммо умуман жорий этиш жараёнини мураккаблаштириши мумкин. Айниқса бу ходимлар сиёсати жуда эскича бўлиб, ҳеч ким, ҳатто раҳбарлар ҳам ходимларни қайта жойлаштириш ёки янгилашни истамайдиган ташкilotларга тааллуқли.

Бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин? Кишилар билан ишлаш доимо яхлит ташкilot даражасидаги сиёсат ва муайян кишилар даражасидаги психологиядир. Аксарият ҳолатларда ҳар бир инсонга алоҳида ёндашув, унинг – ёш, касб ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Йиллар давомида кишилар бир усулда ишлашга одатланганларни, энди эса бошқа ишга шиддат билан, улар учун мутлақо ноодатий тақлидда, бинобарин юкламани камайтиргмаган ҳолда ўтишни таклиф этилаётганини яхши тушуниш керак. Кишиларнинг бу ҳолатга ўтишларига енгиллик бериш учун нима қилиш мумкин?

Биринчидан, ўтишни аста-секин амалга ошириш мумкин. Масалан, дастлаб электрон почтани жорий этиш. Электрон почтанинг ишлаш модели етарлича тушунарли, кишилар унга осон мослашадилар. Сўнгра унча мураккаб бўлмаган интранет-тизимни тузиш ва ташкilot ходимларини зарур маълумот материалларини (ички телефон рақамлари, мажлис санаси ва кун тартиби, баённомалар, буйруқлар, ички меъёрий ҳужжатларни) топишни аста-секин одатлантириш мумкин. Шу туфайли кишилар ҳужжатларни экрандан ўқиш, электрон ҳужжатлар билан ишлаш, керакли ҳужжатларни чоп этишни ўрганиб боришлари керак.

Бундай ёндашув ҳар бир ҳолатда ҳам қоғозли ҳужжатларни кўпайтиришни қисқартириб, уларни янгилашни осонлаштиради. Электрон почта ва ахборотдан фойдаланиш воситалари дастлаб бўлғуси электрон ҳужжат алмашинуви тизимининг маълум қисмлари ҳисоблангани мақсадга мувофиқ

(лекин афсуски, доим ҳам уни амалга оширишнинг иложи йўқ). Бу маънода Lotus Notes муҳити маълум афзаликни тақдим этиб, унда қайд этилган компонентлар базали етказиб беришда мавжуд. Агар, масалан Outlook Express ва SMTP/POP3-сервер асосида почтани, сўнгра эса MAPI протоколи бўйича ишловчи интеграцияли мижози мавжуд ҳужжат алмашинуви тизими ўрнатилса, у ҳолда кишиларни бошқа мижоз ДТга мослаштириш, бир тизимдаги почта кутиларини бошқа тизимга ўтказишга тўғри келади.

Иккинчидан, тайёргарлик босқичида ташаббускор тарафдорларни топишга уриниш керак, улар “орқада қолувчилар” га янги қоғозсиз иш технологиясини ўзлаштиришга ёрдам берадилар. Улар атрофдагилардан устунлигини кўрсатишга интилувчи эмас, балки аксинча, билган нарсаларини бошқаларга ўргатиш истагидаги самимий кишилар бўлиши керак. Шу принципга мувофиқ ўргатиш курслари ташкил этилиши керак. Дастрраб курслар ихтиёрий бўлгани жуда фойдали.

Курсларга ихтиёрий келган ҳодимлар ташкилотга тўғри ёндашувда ишончли тарафдор бўлиш учун билимларни яхши ўзлаштиришга интиладилар. Сўнгра оммавий жорий этишда ўрганиш мажбурий бўлиши керак, бироқ бу пайтда кишиларда қизиқиш уйғонади ва етарли маълумот юзага келиб, уни биринчилар қаторида иш ўрганган кишилардан оладилар.

Хужжат алмашинуви мавжуд эмаслиги. Агар ташкилотда қоғозли ҳужжат алмашув тизими ҳам мавжуд бўлмаса қандай иш тутиш керак? Биринчи навбатда бу бирор кимсани қайта ўқитиш зарурати мавжуд эмаслигидир. Бундан ташқари, раҳбариятни ҳужжат алмашинуви тизимини жорий этишга ишонтириш учун холисона шарт-шароит мавжуд. Агар эскича қоғоз тизими ёки замонавий электрон тизимни жорий этиш танлови тақдим этилса, иккинчи тизим танланиши эҳтимолдан холи эмаслиги тушунарли ҳолат.

Жиддий муаммо шундаки, катта ташкилот ҳеч қандай расмий ҳужжат алмашинуви тизимига эга бўлмаса, у ҳолда доимий равища кўплаб муаммолар юзага келиши мумкин, раҳбарият айнан иш юритиш бўйича расмий тизим мавжуд эмаслиги уларнинг манбаи эканлигини доим ҳам тушунмайди.

Натижада раҳбарият кўплаб муаммоларга дуч келади ва “хужжат алмашинуви тизими” билан қизиқишига имкон бўлмайди. Вазият эса жуда оғир, лекин тажрибага биноан, доим ҳам умидсизликка тушмаслик керак.

Бу ҳолатда ечим жуда оддий. Парвоз лойиҳасини қўллаш зарур. Бунинг учун ташкилот фаолиятини таҳлил қилиш ва иш юритишда расмийлик мавжуд эмаслигидан азият чекувчи муаммоли вазиятларни аниқлаш керак. Сўнгра парвоз лойиҳаси муваффақиятли жорий этилди ва муаммолари ҳал этилган бўлинма раҳбарлари қўллаб-қувватлашига эга бўлсангиз, бу масала бўйича мажлисни ўтказишни қатъий талаб қилиш мумкин.

Бўлинма раҳбарлари тизими билан яққол қониқарли иш мавжуд бўлиб, нима қилиш кераклиги аниқ ва ташкилот бўйича умуман тизимни амалга ошириш харажатларининг оқилона сметаси тузилгани маълум бўлса, ҳатто жуда банд раҳбарият қарор қабул қилишга вақт топади. Раҳбарларга муваффақиятлар ҳақида маъруза шаклида ўтувчи мажлисларда иштирок этиш жуда ёқади, уларнинг фикрича, етарлича тарафдорларга эга, демак, раҳбар томонидан ҳеч қандай интилишсиз амалга оширилиши мумкин бўлган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш осон.

2.Электрон ҳужжатга юридик мақом бериш. Электрон ҳужжатларга юридик мақомни таъминлаш зарурати яна бир муаммо ҳисобланади. Лекин бу муаммо қанча узоқ бўлса, шунча оддий ташкилий техник вазифа сифатида ҳал этилиши мумкин. Электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланишни тартибга соловчи қонун қабул қилиниши туфайли электрон ҳужжатларга юридик мақом бериш имкони яратилди. Ташкилотлар орасида ҳужжат алмашинуvida электрон имзодан кенг фойдаланишга қадар маълум вақт ўтиши шубҳасиз. Лекин ЭРИни, мос равишда эса ташкилот ичидаги электрон ҳужжатларни тез жорий этишга ҳеч нима халал бермайди (Ҳақиқатда эса электрон имзо тушунчаси қонунчиликда оддий имзога ўхшашлик сифатида мавжуд бўлган.

Бундай вазият томонлар ўртасида ЭРИни қўллаш шартлари келишиб олинувчи шартнома имзоланиши шарти билан электрон имзодан фойдаланиш

имконини берди. Шу туфайли амалиётда, масалан, банклараро айирбошлашда ЭРИдан фойдаланишга мисоллар мавжуд).

Агар маълум потенциал хуқуқий зиддиятлар хавотир уйғотса, ўзаро келишув йўлига ўтиш мумкин. Хуқуқий натижага эга электрон хужжатларнинг “ҳақиқий имзо”га эга қоғоз нусхалари ҳам бўлиши мумкин. Ёдда тутиш керакки, ЭҲАТнинг мақсади қоғозли хужжатларга барҳам бериш эмас, балки ташкилотнинг амал қилиши ва бошқарувида самарали муҳитни яратиш ҳисобланади. Бундан ташқари, фақат якуний маҳсулот – тўлиқ тайёрланган қоғозли хужжатларни фақат бир “хуқуқан белгиланган” нусхасини чоп этиш мумкин, бу барибир қоғозли хужжатлар ҳажмини сезиларлича камайтиришга сабаб бўлади.

Ташқи олам билан ўзаро таъсир. Хужжат алмашинуви тизимини жорий этишда ташқи “қоғозли” олам билан ўзаро таъсирни ташкил этиш масаласи юзага келади. Айниқса бу доимий “тифиз” иш берувчи ўзаро боғлиқ ташкилот ёки идораларда параллел тузилмалар билан хужжат алмашинувига тааллукли. Кўпинча маълум ахборот улардан қоғоз шаклида келиб тушади. Вақт ўтиши билан бу вазият ўзгаради, деган умиддамиз ва электрон хужжатлар алмашинуви меъёрдаги ҳолатга айланади, лекин ҳозирча жорий вазиятни ҳисобга оловчи қарорларни жорий этиш зарур. Бу ўринда айтиш жоизки, ҳатто ахборот технологиялари борасида етакчи ҳисобланган ДТни ишлаб чиқувчи компаниялар ҳам ҳозирга қадар ўзаро аксарият шартномаларни қоғозда имзолайди. Фақат стандарт шароитда бажарилувчи сезиларсиз битимлар электрон шаклда расмийлаштирилади.

Ташқи оламдаги қоғозли хужжатлар электрон хужжат алмашинуви бўйича ички тизимга келиб тушиши учун уларнинг электрон шаклини олиш зарур. Бунинг учун эса сканерлардан фойдаланиш тушунарли ҳолат. Агар келиб тушувчи хужжатлар ҳажми катта бўлмаса, автоузатиш қурилмасига эга унча қиммат бўлмаган сканерлардан фойдаланиш мумкин. Катта ҳажмдаги хужжатлар учун эса жиддийроқ саноат сканерини харид қилишга тўғри келади.

Аксарият ҳужжат алмашинуви тизимлари ҳужжатларни сканерлаш учун модуллар билан етказиб берилади ёхуд тасвирларни киритиш бўйича мавжуд тизимлар билан интеграцияни кўзда тутади. Оддий ечимлар учун одатда ҳеч қандай маҳсус тизимлар керак эмас, бунинг учун ҳар бир сканерлаш ёки ўқиш дастури етарли. Катта ҳажмдаги ҳужжатларда ҳужжатлар тасвирини олиш учун мўлжалланган маҳсус тизимлар, масалан, Kofax компаниясининг Accent Capture ёки ActionPoint компаниясининг InputAccel тизимларидан фойдаланишни ўрганиш зарур.

Бу тизимлар тасвирларга ишлов бериш, ўзгартириш ва ўқиш учун ажратилган сервер, турли ишлар учун алоҳида иш жойларини ташкил этган ҳолда ҳужжатларни оммавий киритиш имконини беради. Уларга ўрнатилган алгоритмлар юқори тезликда юқори сифатли тасвир олиш имконини беради. Улар саноатга оид оқимли сканерлардан фойдаланишга мўлжалланган. Бундай тизимларнинг нархи бир неча минг АҚШ долларидан бир неча ўн минг АҚШ долларигача доирада бўлади.

Кирувчи ҳужжатларнинг матнларини ўқиш ва ҳужжат матнини тасвир билан бирга сақлаш зарур иш хисобланмайди. Лекин ўқилган матни мавжудлиги тўлиқ матнли излаш, рефератлар тузиш компьютерда яратилган ҳамда сканерланган ҳужжатлар учун таянч сўзларни автоматик тарзда ажратиш бўйича бир хил механизмлардан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, тасвирларни ўқиш ҳужжатларни сўнгти пайтларда жуда оммалашган PDF форматида дарҳол ўзгартириш имконини беради.

Яна бир қулай имконият: фойдаланувчилар мавжуд ҳужжатлардан маълум қисмларни кесиб олиб ёки шаклини ўзгартириб янги ҳужжат яратиш учун фойдаланишлари мумкин. Бундай иш доимий давом этиши тахмин қилинса, тўлиқ матнли излаш учун серверли ўқиш ва фойдаланувчиларнинг иш жойларида ўрнатилган ҳамда ЭҲАТнинг мижозлар қисмида интеграцияланган матни ўқиш дастури нусхаларини ҳам кўзда тутиш маъкулроқ. Бу ҳолатда фойдаланувчи ҳужжатлар тасвирини матнга зарур опциялар билан кирита олиш ва матнни ўзи учун керакли форматда сақлаш имконига эга бўлади.

Мавжуд ҳужжатларнинг кўчирилиши. Мавжуд ҳужжатларни қоғоз шаклидан электрон шаклга кўчириш энг хавфли жараёнлардан бири ҳисобланади. Агар у пухта режалаштирилмаган бўлса, аввалги ишларни йўққа чиқариш ва лойиҳани барбод қилишга қодир муаммоларга дуч келиш мумкин. Агар ташкилотда ҳужжатларнинг қоғозли архиви мавжуд бўлса, у ҳолда архивнинг электрон вариантини яратиш учун тармоқ бўйича уларнинг нусхаларини излашга уриниш – иложсиз иш. Бундан ташқари, электрон нусхалар исталган киши томонидан модификацияланиши мумкин, буни текширишнинг деярли иложи йўқ. Бундай ҳолатда мавжуд ҳужжатларнинг электрон архивини қоғоз шаклидаги ҳужжатларни сканерлаш орқали ҳосил қилиш мумкин. Агар ҳеч қандай архив бўлмаса, узоқ муддатли тайёргарлик ишларини амалга ошириш зарур.

Дастлаб ҳужжатларнинг каталогларда сақлаш ягона тартибини белгилашга эришиш зарур. Компьютерларнинг локал дискларида ҳужжатларни (шу жумладан, иложи бўлса, техник воситалар орқали) сақлашни ман этиш лозим. Ташкилотнинг ҳамма фойдаланувчиларида тармоқда ҳужжатларни сақлаш учун ўз каталоглари бўлиши керак. Бу ҳужжатларнинг электрон ҳужжат алмашинуви тизимиға келгусида ўтишини сезиларлича осонлаштиради.

Баъзи ЭҲАТлар тармоқдаги каталогларда жойлашган ҳужжатларга ҳаволаларни сақлаш имконини беради ҳамда бу ҳужжатларни тизимнинг сақлаш жойига жойлаштиришни талаб этмайди. Бундай ёндашув тизимдан фойдаланиш билан бирга ҳужжатларни тизимнинг сақлаш жойига жойлаштириш бўйича ишни амалга ошириш имконини берган ҳолда жорий этиш жараёнини осонлаштиради.

3. ЭҲАТни жорий этишда умумий муаммоларни бартараф этиш усувлари. ЭҲАТни жорий этишнинг қўйидаги босқичларида бир неча қийинчилик бўлиши мумкин. Улар орасида ташкилотда ҳужжат алмашинуви жараёнларини тартибга солувчи корпорация ичидаги ҳужжатларнинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги ва якуний фойдаланувчиларни ўқитиш масалаларига раҳбариятнинг суст эътибори ҳисобланади. Электрон ҳужжат алмашинуви

жараёнлари бўйича меъёрий хужжатларни тайёрлашдан тажрибада фойдаланиш параллел равишда олиб борилиши керак ва ходимлар учун иш юритиш бўйича тўлиқ йўриқномалар, тегишли буйруқ ва қоидаларни ишлаб чиқишини қўзда тутади.

Ходимларни ўқитиш масалаларига ЭҲАТни кенгайтиришни синчилаб ўрганишга алоҳида эътибор бериш керак. Бунда ўқитиш доимий асосда ва ҳамма жорий этиш босқичларида амалга оширилиши керак. Ташкилот раҳбарлари ЭҲАТни яратиш етарлича узоқ жараён эканлиги, уни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш доимий маблағ ажратишни талаб этишини аниқ тушунишлари керак. Ходимларни ўқитишга кўпинча маблағ тежалади, бу бир кишини ўқитишга етарли, у эса бошқаларни ўқитишга етади.

Хатто 50 % ходимни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиш мураккаб жараён, бироқ юзага келган вазиятдан чиқиш бевосита иш жойларида масофадан ўқитишни ташкил этиш бўлади. Уни яратиш ва кенгайтиришда ички ҳиссиёт билан қулай ва тушунарли интерфейсга таяниш, муайян мисолларда ўзига хос иш вазиятларини тавсифлаш ва таҳлил қилиш зарур, чунки асосий фаолият бўйича ходимларнинг юкори юкламаси сабабли турли маълумотнома материалларини ўрганишга кўп вақт сарфланади.

ЭҲАТни жорий этишда умумий муаммоларни бартараф этиш усуллари қўйидагилардан иборат:

Электрон ҳужжат алмашинуви тизимига аста-секин ўтиш. Масалан, дастлаб фақат электрон почтани жорий этиш мумкин.

Тайёргарлик босқичида ташаббускор тарафдорларни топиб, улар янги қоғозсиз технологияни ўзлаштиришда “орқада қолаётганлар”га ёрдам берадилар.

Корхона раҳбарини электрон ҳужжат алмашинуви тизимини жорий этишнинг ишончли тарафдорига айлантириш.

ЭҲАТнинг фақат унинг шундай ҳолатига мос компонетларини жорий этиш зарур. Масалан, ташкилотнинг етарлича расмийлаштирилмаган ташкилий тузилмаси мавжудлигига етарлича самарали электрон архивни яратиш мумкин.

Ташкилотда ҳатто қоғозли, лекин тартибга солинган ҳужжат алмашинуви тизими мавжуд бўлмаганда ҳам парвоз лойиҳасини ишга тушириш зарур. Бунинг учун унинг фаолиятини таҳлил қилиш ва иш юритишида расмийлаштирув мавжуд эмаслигидан азият чекувчи муаммоли жиҳатларни аниқлаш керак.

Мавжуд қонунчилик ЭРИни, мос равиша ташкилот ичидаги электрон ҳужжатларни тез жорий этиш, шунингдек, ташкилотлар орасида ҳужжат алмашинувида бу усулдан янада кенгроқ фойдаланишга аниқ ўтиш имконини беради. Ташки оламдан қоғозли ҳужжатлар ички электрон ҳужжат алмашинуви тизимида келиб тушиши керак, бунинг учун уларнинг электрон шаклини олиш зарур. Бунинг учун сканерлардан фойдаланишни кўзда тутиш кераклиги тушунарли ҳолат.

Янги ҳужжатларни яратиш учун мавжуд ҳужжатлардан фойдаланиш бўйича қулай имкониятни унутмаслик керак. Бундай иш доимий юритилиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда матнларни (тўлиқ матнли излаш учун) серверли ўқиш ва иш жойларида ўрнатилган матнни ўқиш дастурини ҳам кўзда тутиш яхшироқ. Бу ҳолатда фойдаланиувчи ҳужжатлар тасвирини матнга зарур опциялар билан мустақил ўтказиш ва зарур форматда сақлаш имконига эга бўлади.

Агар ташкилотда ҳужжатларнинг қоғозли архиви мавжуд бўлса, у ҳолда электрон архивни қоғозли архивдаги ҳужжатларни сканерлаш орқали тўлдириш ва буни асос сифатида суст тартибга солинган ҳужжатларнинг электрон версияларини олган ҳолда бажариш керак.

Агар ташкилотда архив бўлмаса, у ҳолда дастлаб ҳужжатларнинг каталогларда сақлаш бўйича ягона тартибга эришиш, ҳужжатларни компьютерларнинг локал дискларида (шу жумладан, иложи бўлса, техника воситалари орқали) сақлашни ман этиш керак.

Калит сўзлар: Outlook Express , SMTP/POP3-сервер

Назорат учун саволлар

1. ЭҲАТни жорий этишни муракаблаштирадиган муаммолар қайсиilar?

2. Йиллар давомида бир усулда ишлашга одатланганликларни янги усулга қандай ўтказиш мумкин?

3. Ходимларни ўқитиши масалалариға қандай ёндашиш керак?

4. ЭРИдан фойдаланиш шартлари қандай?

7.3. Корхоналар ва улар фаолияти турларининг ўзига хослиги

1. Корхонада ҳужжатлаштириш даражалари. Қўйида корхоналарнинг фаолият тури нуқтаи назаридан ЭҲАТни жорий этиш хусусиятлари қисқача кўрсатиб ўтилган. Корхоналарнинг баъзи турлари эслатиб ўтилган, ҳақиқатда эса электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш нуқтаи назаридан бу турлар сезиларлича кўпроқдир. Бироқ қўйида кўрсатиб ўтилган жиҳатлар ЭҲАТни жорий этиш борасида янада қизиқарли ташкилот турларини акс эттиради.

Саноат. Саноат корхонасида ЭҲАТни жорий этишда унинг автоматлаштирилган бошқариш тизимлари(АБТ), автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари(АЛТ) ва бошқа автоматлаштириш компонентлари билан интеграцияси зарурати ва имкониятини дарҳол таҳлил қилиш эҳтиёжи мавжуд. Бу фаолият тури бўйича бундай корхоналар ходимлари “оддий” ҳужжатлар (масалан, буюртма-наряд, табель) ва муҳандислик ҳужжатлари (чизмалар) билан ишни бирга олиб боришлари, булар – тезкор бошқарув функцияларини бажариш билан боғлиқ. Баъзи тизимлар (масалан, Documentum) бундай интеграцияни амалга ошириш учун маҳсус воситаларга эга.

Иштирокчилардан натижа учун юқори масъулият талаб этиш билан боғлиқ фаолият соҳаларида (ҳарбий, тиббиёт ва ҳоказо) жараённинг ҳар бир босқичи бажарилишини ҳужжатлаштириш зарурати мавжуд. ЭҲАТ бундай ҳолатларда бир неча йил ўтса ҳам “парвозларни ўрганиш” имконини беради. Бунинг учун у ўтмишдаги ҳар бир лаҳзага бу вақт лаҳзасидаги “қирқим”га эришиш учун вазиятни мослаштириш имконини бериши керак.

Баъзи ишлаб чиқариш турлари учун, айниқса АБТ билан интеграцияда, тизимнинг етарлича тезкорлик даражаси ва унинг рад этишга барқарорлигини сақлаб туриш талаб этилади.

Давлат идоралари. Давлат идораларига катта худудий тарқоқлик (минтақа тузилмаси), кўп босқичли мураккаб иерархия бошқаруви, мавжуд ахборот технологияларининг суст стандартлашуви хос. Шу билан бирга давлат идораларида ЭҲАТни жорий этишда маълумотлар базаси хавфсизлиги ва фойдаланишни чеклашга юқори талабларни ҳисобга олиш зарур. ЭҲАТни жорий этиш лойиҳасини мураккаб молиялаштириш схемаси билан юзага келувчи муаммолар (танловларни ўтказиш бўйича талаблар, қарор қабул қилиш бўйича мураккаб схема) дастлабки босқичда алоҳида мураккабликка сабаб бўлади. Шунинг учун давлат идораларида ЭҲАТни жорий этиш бўйича ишни унча катта бўлмаган оҳиста парвоз лойиҳасидан бошлаш мумкин. “Парвоз” – тизимнинг тимсоли бўлиб, у бошиданоқ жами талаб этилувчи функционалликни амалга оширмаслигини яхши тушуниш керак. Ишлаб чиқарувчи компания ёки ҳатто шахсий ишланма мутахассисларини “парвоз” босқичида тўлиқ ишловчи ва кўпайтиришга тайёр тизимни яратишга мажбур қилиш, қизиқ кўринса-да, аслида жуда хавфли жараён.

“Парвоз” лойиҳасининг вазифаси ўзгача: тизимни жорий этишдан самарани белгилаш, жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, ягона амал қилувчи лойиҳани тузиш учун асос ишлаб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ишларнинг тўлиқ режаси, жорий этиш режасини тузиш.

Бунда “парвоз” лойиҳаси маълум қийматга эга, ишлаб чиқарувчи компаниялар кўпинча жами тизимни жорий этишга буюртма олиш умидида сезиларли ён беришларга тайёр бўлса-да, уни суиистеъмол қилиш керак эмас: ижрочининг молиявий масъулияти доимо молиявий манфаатдорликка нисбатан кучли рағбатлантириш омили ҳисобланади. Микёс ва ёндашув нуқтаи назаридан “парвоз” лойиҳаси тизимнинг якуний қийматидан 10 %гача маблағни ташкил этиши мумкин. Maxsus майдонни пухта тайёрлаб, ҳамма қарорларни яхши ишлаб чиқиб, ташкилот раҳбарияти билан ўзаро келишган ҳолда, молиялаштириш кафолатига эришиб, буюртмачи ва маслаҳатчи компания тизимни кенг жорий этишга киришиши мумкин.

Давлат идораларига, ходимларнинг эскича фикрлаши, кўпинча эса суст ходимлар таркиби айниқса хосдир. Давлат идоралари ходимлари малакасини ошириш бўйича истиқболли дастур доирасида бу муаммони аста-секин ҳал этилади, лекин бу дастурларнинг натижаси, афсуски, узоқ муддат талаб этади. Қарорларни ишлаб чиқиш босқичида кўпинча ахборот олиш борасида қийинчиликлар юзага келади.

Тавсифланган ҳамма муаммолар жорий этиш самарадорлигини баҳолаш мураккаблигини кўрсатади, чунки ушбу ҳолатда ҳеч қандай молиявий ҳисоб-китоблар тўғри келмайди. Бироқ эҳтимол, фақат сифат жиҳатидан, эҳтимол, лойиха давомида қабул қилинувчи алоҳида локал бошқарув қарорлари бўйича баҳолаш имкониятига эга мезонларни топиш зарур, чунки эртами ёки кечми киритилган маблағлар самараси бўйича ҳисбот талаб этилади (Жорий этиш самарадорлигини белгилаш усули бўйича таклифлар алоҳида бўлимда берилган).

Йирик тижорат корхоналари. Ҳозирги ишлаб чиқариш-молия конгломератларини яратиш йўналишида кўпинча худудий тарқоқлик, ўз тарихига эга тузилманинг турли қисмлари турли-туманлиги муаммоси юзага келади. Бу турли-туманлик ташкилий тузилма ва бизнес жараёнлари билан бирга ахборот инфратузилмасида ҳам намоён бўлади. Бунга бошқарувнинг марказлашмаганлиги юкланади, қўплаб, ҳатто муҳим масалалар ҳам жойларда ҳал этилади ва марказий бошқарув аппарати даражасига чиқарилмайди. Бу ягона технологияларни жорий этиш билан боғлиқ муаммоларга сабаб бўлади. Бу объектив омил, унга қарши битта кураш усули мавжуд: барҳам бериш. У лойиха тақдирига таъсир этиши вазиятга боғлиқ.

Тижорат корхоналарининг доимий кўнгилсизлиги – менежмент орқали ахборот технологиялари соҳасида ўз малака даражасини юқори баҳолашдан иборат. Кўпгина ёш бошқарувчилар илгари техника олий ўқув юртларининг талабалари, кўпинча эса дастурчилар бўлганлар. Натижада бошқарувчилар технологик қарорлар қабул қилишда иштирок этишга интилиб, улар бунга тўлиқ тайёр эмаслар. Бу ишни мураккаблаштириб, ноxуш келишмовчиликларга

сабаб бўлади. Бошқарувчилар томонидан ахборот технологияларига ортиқча қизиқиш ҳам ўта хавфли саналади.

Бу ҳодиса билан курашнинг энг яхши усули – “ёлғон мақсадлар”ни яратишдан иборат. Кишиларни келажакка мўлжалланган қизиқроқ ва истиқболли ғоялар билан чалғитиш, улар жорий ишга етарли даражада киришишлари учун бу борада мажлислар ташкил этиш мумкин. Бундан ташқари, бу муҳокама ва режалардан янги қизиқарли лойиҳалар юзага келиши мумкин.

Хозирги пайтнинг яна бир ўзига хослиги – қўплаб корхоналарда зарурат мавжуд бўлса-да, стратегик қарор қабул қилишга тайёр эмасликдан иборат. Улар “энг яхши давр”ни кутиб, ярим-ёрти чора кўришга интилади. Умуман, мамлакатда инвестицион фаоллик кам бўлса, бундан стратегия қўл келади, лекин бошқа томондан, яшаб қолиш учун корхонанинг иш самарадорлигини ошириш зарур.

Бунда ўзаро келишув йўлини излаш лозим. Суст хатти-харакатда корхона учун “энг яхши давр” келмаслиги ҳам мумкин.

Хужжатларни ишилаб чиқувчилар. Бу категорияга бирмунча кичик бўлса-да, хужжатларни тезкор яратадиган (консалтинг компаниялари, йирик юридик идоралар, нашриётлар) корхоналар киради. Бу категориядаги корхоналарга хос муаммолар қуйида баён этилган.

Кенг тарқалган муаммо: вазифанинг мураккаблиги ташкилотларнинг молиявий имкониятларига мос келмайди. Уларга унча қиммат бўлмаган, етарлича функционал тизимлар керак.

Бундай ташкилотларда кўпинча тизимга талабларни ифодалаш учун ўзаро ҳаракатланиш имконини берувчи ахборот технологияларига ажратилган бўлимлар мавжуд эмас (бундай бўлим ўз корхонасини ўрганиш ва ундаги бизнес жараёнларини тавсифлаш бўйича маълум ҳажмдаги ишларни бажариши кўзда тутилади). Бу ҳолатда маслаҳатчи компаниянинг иштироки зарур, лекин унинг таҳлилчилари буюртмачининг барча ходимлари билан мулоқот

қилишларига тўғри келади. Бунда ходимлар турлича фаолият билан шуғулланиб, уларни ифодалаш мушкул ҳисобланади.

Бироқ бу муаммолар тўғри тизимни танлаш билан ҳал этилади. Айтиш жоизки, бундай корхоналар, масалан, заводларга дастгоҳлар зарурлигидек, ЭҲАТлар жуда зарур. Бундай корхоналарнинг ЭҲАТни фаол жорий этишга тайёрлигини вақт кўрсатади.

2. ЭҲАТ корхоналарни автоматлаштириш усули сифатида.

ЭҲАТнинг асосий функциялари: корхона фаолиятининг шаффоғлиги ва бошқарилиши, шунингдек, билимларни тўплаш ва билимларни бошқариш. Ҳозирги оламда бу икки вазифа янада кескин тус олади. Масалан, “Мерседес” автомобили таннархининг фақат 30 %и – бевосита ишлаб чиқариш харажатлари, қолганлари эса – автомобилни ишлаб чиқиш қиймати, яъни муҳандис ва бошқарувчилар фаолияти қийматининг компенсацияси, шунинг учун таннархни камайтиришнинг асосий ресурси улар фаолиятини оптималлаштиришга таянади.

Электрон хужжат алмашинуви тизимлари корхоналарни автоматлаштириш борасида янги тизимларни шакллантиради. Бундай тизимларда асосий автоматлаштириш обьектлари ҳужжатлар ҳаракати ва уларга ишлов бериш сифатида тақдим этилувчи бизнес жараёнлари ва ҳужжатлар (кенг маънода оддий ҳужжатлардан то исталган ҳажм ва тузилишдаги ҳужжатлар) ҳисобланади. Корхоналарни автоматлаштиришга ушбу ёндашув ягона концепция ва ягона дастрий инструмент доирасида корхонадаги бизнес жараёнлари ва ҳужжат алмашинувини автоматлаштиришни таъминлаган ҳолда бир вақтнинг ўзида ҳам амалий ҳам универсал ёндашув ҳисобланади.

Ҳужжатларнинг келажаги қайта ташкил этилган корхонанинг ажралмас қисмини ташкил этувчи ҳужжатларга асосланган янги бизнес жараёнлари доирасида бошқарилувчи ташкилотдаги ахборот ресурсларининг асосий бирлиги сифатида намоён бўлади. Корхонадаги менежер ва фойдаланувчилар ҳужжатни ахборотнинг асосий бирлиги сифатида қабул қилган ҳолда ахборот

менежменти функциясини аниқ тасаввур этиб, англаб оладилар. Улар ахборот менежменти жараёнининг суст бепарво кузатувчиларидан фаол иштирокчиларига айланадилар.

3. ЭҲАТни жорий этиш қийинчиликлари. ЭҲАТни жорий этишнинг беш асосий муаммоси. Корхонада ЭҲАТни муваффақиятли жорий этиш учун баъзи ўзига хос хатолар: ташкилий масалаларга эътиборсизлик, тизимни ишлаб чиқишида ўз кучига таяниш, “парвоз” лойиҳасида тежамга эришишнинг олдини олиш зарур. ЭҲАТ билан ишлаш тартибларининг етарлича тайёрланмагани ва ходимларни ўқитишнинг паст даражаси самарали жорий этишга ҳам халал беради.

Хужжат алмашинуви тизимини қўллаш ташкилий ҳамда техник кўринишдаги қатор қийинчиликлар билан боғлиқ.

Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича муаммоларни уч асосий блокка ажратиш мумкин. Биринчиси инсон омили – ходимларнинг янги тизим билан ишлашга мотивацияси етарли эмаслиги, уларнинг техник билимлари паст даражака эканлиги, баъзан эса қарорни жорий этишда вазифаларнинг мижоз томонидан хато ёки тўлиқсиз белгиланиши билан боғлиқ. Иқтисодий муаммолар, биринчи навбатда, сезиларли маблағларни киритиш зарурати, бунда буюртмачи учун доим ҳам ва дарҳол сезиларли эмас. Техник муаммолар орасида сифатли инфратузилмани яратиш зарурати, мавжуд тизимларни билан интеграция мураккабликлари. Кўрсатиб ўтилган қийинчиликларни тўлиқроқ кўриб чиқишига харакат қиласиз.

Раҳбарлар учун “арзимас нарсалар”. Компанияда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этишда ташкилий масалалар биринчи ўринда туради. Электрон ҳужжат алмашинувига ўтишда йўл қўйилувчи муҳим хатолардан бири, уларни етарлича ишлаб чиқмаслик хисобланади, бу ўз навбатида тизимнинг самарасиз ишлашига сабаб бўлади. Кўпинча компания раҳбарияти ҳужжат алмашинувини ташкил этиш масаласини иккинчи даражали, алоҳида эътибор талаб этмайдиган масала деб хисоблайди, лекин охир-оқибатда айнан

шу “арзимас нарсалар” компания бизнес жараёнлари самарадорлигини оширишда мұхим масалага айланади.

Рахбариятнинг лойихадан етарлича манфаатдор эмаслиги жорий этишнинг жуда узок муддатга чўзишишига сабаб бўлиши мумкин. ЭҲАТни қўллаб-қувватлаш бўйича “административ ресурс”ни жалб этиш учун янги тизим тақдим этувчи ҳамма устунликларни намойиш этиш ва раҳбариятни у билан амалий ишга ўргатиш зарур.

Ташкилий жиҳат – корхонани ҳужжатли таъминлаш, ЭҲАТни жорий этиш режасини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, лойиха раҳбарини танлаш ва ишчи гуруҳни шакллантириш мұхим эътиборни талаб этади. Ташкилий қийинчиликларнинг олдини олиш учун лойихани якуний мақсадларини аниқ белгилашга ёрдам беради. ЭҲАТга хос вазифалар қўйидагича ифодаланади: ходимлар иш вақтининг унумсиз сарфланиши, ҳужжат алмашинуви самарадорлигини ошириш, ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ҳамма босқичларни автоматлаштириш ва тартибга солиш.

Мақсадлар белгилангач, лойиханинг ишчи гурухини шакллантиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Муваффақият кўп жиҳатдан АТ хизматлари мутахассислари ва буюртмачи бўлимлари қай даражада ўзаро ҳамкорлик қилишига боғлиқ. Жорий этишга жалб этилган ҳамма бўлимлар ходимлари ўртасидаги масъулият соҳаси ва мажбуриятларни аниқ тақсимлаш зарур.

“Ўзинг бажар” принципи бўйича ишланма самарасизdir. Бошқа кенг тарқалган қаршилик ЭҲАТни тузиш ҳисобланади. Экспертларнинг фикрича, АТ бўлимларининг кучи билан корпоратив миқёсдаги ЭҲАТларни мустақил ишлаб чиқиш ташкилотни узок муддатли якунлаш жараёнига маҳкум этади ва лойихани ишлаб чиқувчи мутахассисларга боғлиқ қилиб қўяди. Бундай йўл жорий этишга молиявий харажатлар нуқтаи назаридан фойдасиз бўлиб чиқади. ЭҲАТни ўз кучи билан ишлаб чиқиш шунга олиб келиши мүмкінки, ҳужжат алмашув билан боғлиқ жорий вазият тўхтатиб қўйилади. Бунда ишлаб чиқарувчиларнинг тайёр қарорларига таяниш зарур. Бироқ ДТни танлаш ЭҲАТга умумқабул қилинган объектив талаблар мавжуд эмаслиги билан

қийинлашади. Бу давлат томонидан меъёрий-услубий асоснинг етарлича тайёрланмаганлиги билан ифодаланади.

Бундан ташқари, турли компанияларда ЭҲАТни жорий этиш тажрибаси асосида бир неча умумий талабларни таклиф этиш мумкин, улар сўнгги пайтларда турли тизим ишлаб чиқувчиларнинг қарорлари учун “де факто” стандартига айланди. Биринчидан, тизимда худудий жиҳатдан тақсимланган тармоқ воситалари, яъни узокда жойлашаган филиаллар билан ҳужжат алмашинуви имконияти кўзда тутилган. Бундан ташқари, турли қарорлар орасида танловни амалга оширган ҳолда саноат платформаларига устунлик бериш лозим, улар фойдаланувчи талабларига мослаштириш имкониятлари ва етарлича эластиックка ҳам эга бўлиши керак.

Ходимлар томонидан янги ДТни “жорий этишга қаршилик”ни камайтириш учун бирламчи стандарт муҳитга таяниш зарур. Масалан, агар компанияда Lotus Notes/Dominодан фойдаланилса, у ҳолда ЭҲАТ интерфейси Lotus интерфейсига ўхшashi мақсадга мувофиқ. Компаниянинг мавжуд ААТ, шу жумладан меъёрий маълумотли ахборот базалари билан ўзаро таъсири масаласи ҳам муҳим масалага айланади, чунки қарорга мослаштирилган ёки тайёр ташқи интеграция модуллари мавжудлиги жуда муҳим. Зоро, ЭҲАТни Lotus тармоғида жорий этиш лойиҳа сарф-харажатларини камайтириш ва ходимларнинг иш жойларини тезроқ ўрнатиш имконини беради.

Тизим электрон рақамли имзо (ЭРИ) механизми ишини қўллаб-қувватлаши керак, унга ЭРИ воситалари мослаштириши мақсадга мувофиқ. Фойдаланувчиларни алоҳида модуль кўринишида ўрнатилган ёки уланган ўқитиш, шу жумладан, масофадан ўқитиш имкониятлари ҳам жуда муҳим. Ходимларга кўргазмали тарзда, мисолларда кундалик иш жараёнда юзага келувчи муаммоларни ҳал этиш имконини берувчи қулай маълумотномадан фойдаланиш имконияти яратилиши керак.

Бунда қарорнинг функционал имкониятлари ортиқча бўлмаслиги керак, чунки бу ҳолатда ЭҲАТни жорий этиш бўйича маблағлар самарасиз сарфланади ва ходимлар учун у билан иш мураккаблашади. Бундан ташқари,

яна бир кенг тарқалган хатонинг олдини олиш жуда муҳим – тизимга жуда кам ходимлар уланганда, ундан ҳар бир жойда фойдаланилмайди ва уларнинг қопланиши паст бўлиб қолади.

Экспертлар орасида кенг тарқалган фикрга мувофиқ, аксарият ташкилотлар яхши коммуникациялар, ишончли аппаратли таъминот ва ходимларни тайёрлашга яхшигина маблағ сарфлаган ҳолда жами 15-20 иш ўрнига қарор белгилайди. Бу ҳолатда уларга тизимнинг жами қиймати тақсимланади, бу паст даража қопланишга сабаб бўлади, чунки ташкилотларнинг бошқа ходимлари бу ахборот магистралига ушланмаган ва у билан ишламайди.

Етти марта ўлча. Махсулот танлангач, автоматлаштириш, ишда қарорни тестдан ўтказиш, ҳамма камчиликларни аниқлаш кутилаётган бизнес жараёнларини якунлаш зарур. Бу масалалар парвоз лойиҳаси босқичида ҳал этилиб, унинг давомида, ЭҲАТ жорий этилувчи ташкилотлар миқёсига кўра, кам сонли 10-15дан 50 тагача иш ўрни танланади. Парвоз лойиҳаси қарорнинг белгиланган вазифаларга мослигига ишонч ҳосил қилиш, агар у ҳамма талабларни қондирмаса, сезиларли маблағларни сарфламай, тизимни жорий этишдан воз кечиш имконини беради. Шунинг учун тизимни жорий этишда яна бир хато “парвоз” лойиҳасини дастлабки бажаришда молиявий маблағларни тежаш ҳисобланади.

Парвоз лойиҳасини дастлабки амалга ошириш жуда муҳим, бунда комплексни ишлаб чиқиш ва тажрибада фойдаланиш даврида АТ бўлимлар ва якуний фойдаланувчиларнинг йўлга қўйилган ҳамкорликдаги иши зарур. Акс ҳолда буюртмачи ва АТ мутахассисларида қандай функцияларни амалга ошириш керак, у қайси талабларни қондириши кераклиги ҳақида турли тасаввурлар юзага келгани туфайли тизим ишламаслиги мумкин.

Ишлаб чиқувчи мутахассисларнинг фикрича, парвоз лойиҳаси асосий босқични намоён этади, чунки унинг давомида лойиҳали ва ахборотли текшириш давомида аниқланмаган ахборотга эга бўлиш мумкин. У умуман компанияда тизимга эгалик қиймати ҳисоб-китобини аниқ амалга ошириш

имконини беради. Бу мураккаб, жуда оғир, лекин шу билан бирга мұхим босқичлардан биридир.

Парвоз лойиҳаси яқунлангач, тизимдан тажрибада фойдаланишга ўтишда тахминан 3-6 ой ўтгач, раҳбариятга дастлабки ижобий натижаларни намойиш этиш зарур. Булар, масалан, ходимлар томонидан ҳужжатларга ишлов беришда вактнинг унумсиз йўшқотилишини камайтириш ёки қоғоз харид қилиш харажатларини қисқартириш бўлиши мумкин. Ижобий натижасиз лойиҳанинг маъмурий қўллаб-қувватланишини сақлаш мураккаб, чунки ЭҲАТни жорий этиш маълум даражада ўзаро келишувлар ҳисобига амалга оширилади, унинг йўқолиши эса лойиҳани амалга оширишнинг сезиларлича тўхтаб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: “Етти марта ўлча”, ўзинг бажар, “Парвоз” лойиҳаси, раҳбарлик омили, тизимдаги тартибсизлик.

Назорат учун саволлар

1. Корхонада ҳужжатлаштириш даражалари нимадан иборат?
2. Тизим электрон рақамли имзо механизми ишини қандай-қўллаб қувватлаши керак?
3. ЭҲАТ корхоналарни автоматлаштириш усули сифатида қайси сифатлари бор?
4. “Ўзинг бажар” принципи бўйича ишланмалар самаралими?
5. Етти марта ўлча дегани нимани англатади?

VIII боб. ИҚТИСОДИЁТ БОЗОРИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

8.1. ЭҲАТда критериялар мос инвестициялар киритиши

1. ЭҲАТни жорий этиш самарадорлигини аниқлаш мезонлари.

Жорий этиш муаммосини кўриб чиқсан ҳолда тизимли таҳлил нуқтаи назаридан корхонада ЭҲАТни яратиш, уни яратиш самарадорлигини баҳолаш бўйича муҳим мезонларда тўхташ мумкин эмас.

Хар бир хўжалик чора-тадбирларни амалга оширишда, аввало, унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаши лозим, бунда якуний натижаларнинг комплекс тавсифи тушунилади. Тизимли таҳлилнинг қатор умумий методологик принципларидан фойдаланиш мумкин, уларнинг муҳимлари қуидагилар ҳисобланади:

Комплекслилик. ЭҲАТни жорий этишга киришган ҳолда салбий оқибатларни киритган ҳолда ҳамма эҳтимолий оқибатларни эътиборга олиш керак. Янги ахборот технологиясига ўтиш, хусусан, ижрочилар ва қуий бошқарув бўғинларининг психологик (ўзгаришларни истамаслик) ёки объектив ижтимоий сабаблар (лаёқатсизлик туфайли ишдан бўшашдан қўрқиши) билан шартланувчи қатъий қаршилигига сабаб бўлиши мумкин. Маълумки, ўзгариш қай даражада муҳим бўлса, унга қаршилик янада кучли бўлади.

Ресурсларнинг чекланганлигини ҳисобга олиши. Хар бир даврда корхона эга бўлган ресурслар миқдори объектив тарзда чекланган бўлади. Шунинг учун ЭҲАТни жорий этишда ҳар бир ресурсдан фойдаланиш ижобий натижа бергандагина мақсадга мувофиқ бўлишидан келиб чиқиш керак. Ташибилот раҳбарлари кўпинча ресурсларни (айниқса меҳнат ресурсларини) баҳолашда хатога йўл қўядилар, бу қулай ишлаб чиқилган ва жорий этилган ЭҲАТда кўплаб, баъзан эса тузатиб бўлmas тўхтаб қолишларга сабаб бўлади.

Ечим вариантларининг қиёсланиши. Ахборотли ечимларнинг баҳоланувчи муқобиллари ва уларни баҳолаш усуллари қатор белгилар бўйича қиёсланиши керак: амалга ошириш, яъни ечимни зарур ҳажмдаги ҳамма турдаги ресурслар билан таъминлаш имконияти; ҳамма сарф-харажат ва

натижаларни тўлиқ ҳисобга олиш, такрорий ҳисобга олиш мавжуд эмаслиги (яна бир бор умумий самарани хусусий натижалар билан жамлашга ҳаракат қилиш); қўлланиувчи кўрсаткич ва баҳолаш мезонларининг аниқлик даражаси.

Динамика. Вақт омилиниң турли жиҳатларини ҳисобга олиш лозим.

Ноаниқлик ва хатар. Ечимлар самарадорлигини баҳолашда дастлабки ва якуний ахборотнинг тўлиқлигини ҳисобга олиш лозим.

Босқичлилик. ЭҲАТни жорий этиш жараёнини, дастлабки иш босқичини баҳолаш аникроқ, охирги иш босқичини баҳолаш эса вақт жиҳатидан узоқ ва ноаникроқ эканлигини ёдда тутган ҳолда босқичма-босқич баҳолаш лозим. Вақт омили, ноаниқлик ва хатарни етарлича баҳоламаслик ЭҲАТни нотўғри умумий баҳолашга сабаб бўлади, бу, ўз навбатида, унинг амал қўлланишига салбий таъсир этиши ёки ҳатто умумий лойиҳанинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Хулоса: ишни тизимни ишлаб чиқишдан эмас, балки эҳтиёж ва имкониятларни баҳолашдан бошлаш керак. Сўнгра бу омилларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иктисодий нуқтаи назардан мосроқ ахборот тизимини яратиш лозим.

Пул (автоматлаштириш харажатлари) ва вақт (муайян натижаларга эришилувчи давр) самарадорликни баҳолашдаги асосий мезонлар сифатида намоён бўлади. Белгиланган вақтда сарфланган маблағлар бирлигига нисбатан юқори фойда натижа бўлиши керак.

1. ЭҲАТни жорий этиш бўйича иктисодий баҳолар қуйидагилар ҳисобланади:

- самарадорлик – кам сарф-харажат билан талаб этилувчи вазифаларни мужассам этиш;

- иктисодий самарадорлик – тизим ёки технологияни жорий этишда қиймат шаклида ифодаланган натижа, жорий этишдаги тежамкорлик;

- қоплаш муддати – сарф-харажатлар қопланувчи вақт оралиғи;

- тежаш манбалари – маълумотларга ишлов бериш ва улардан фойдаланишининг технология жараёнларига таъсири натижаларини иктисодий

баҳолаш: ташкилот фаолияти натижаларини яхшилаш, ҳажмларни ошириш ва ахборотга ишлов бериш муддатларини қисқартириш, ходимлар сонини камайтириш, янги имкониятлар юзага келиши, меҳнат унумдорлигини ошириш.

Таъкидлаш жоизки, электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари ўз-ўзидан даромад келтирмайди, лекин даромад олишга ёрдам бериши мумкин. Улар қиммат бўлиши мумкин, агар уларнинг тузилиши ва стратегияси пухта ўйлаб чиқилмаганда, улар ҳатто фойдасиз бўларди. Электрон ҳужжат алмашинуви тизимини жорий этиш ходимлар вазифаларини автоматлаштириш зарурати билан боғлиқ, демак, уларнинг озод бўлишига кўмаклашади. Ташкилот тузилмасида катта ташкилий ўзгаришлар бўлиши ҳам мумкин, агар инсон омили ҳисобга олинмай, тўғри ижтимоий ва психологик сиёsat танланмаса, кўпинча улар жуда қийинчилик билан кечади.

2. ЭҲАТни танлаш мезонлари. Асосий мезон – тизимнинг функционал тўлиқлиги. Тизим корхонадаги электрон ҳужжат алмашинуви тизимининг ҳамма асосий вазифалар, шунингдек, ташкилотдаги муайян турларга (савдо, сугурта, воситачиликка) хос баъзи операцияларни ҳам бажара олиши керак.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқаан ҳолда ЭҲАТни танлашда қўллаш мумкин бўлган қатор умумий мензонларни осон ифодалаш мумкин. Ташкилотнинг ҳар бир турига хос муайян мезонлар ҳам мавжуд.

Тизим тушунарли бўлиши керак. ЭҲАТ ташкилот ходимларига тушунарли бўлиши керак. Тизимнинг функционал имкониятлари ва уни амалга ошириш ташкилотда давом этувчи асосий бизнес жараёнларига мос келиши керак.

Тизим қулай бўлиши керак. ЭҲАТ муайян инсон учун қулай бўлгандагина қулай ҳисобланиши мумкин, айнан унинг баҳоси муҳим бўлиши мумкин. Албатта, кишилар турли-туман бўлиб, бирор-бир тизим билан ишлаш қулайлиги баҳолаш бир хил бўлмаслиги мумкин. Баъзилар (биринчи навбатда, кекса ва тажрибасиз фойдаланувчилар), кўпроқ оддий ва тушунарли тизимни танлайдилар, мураккаб ишни қўлда бажаришни хоҳлайдилар. Бошқалар (ёшроқ ва компьютер билан таниш кишилар) фойдаланишда мураккаб бўлса-да, катта функционал имкониятларга эга тизимни афзал қўрадилар.

Мутахассиснинг компьютер борасида малакаси ошиши жиҳатидан тизимни аста-секин кучайтириш йўли ҳам мавжуд. Лекин: “аввал мураккаб тизимни ишлаб чиқиб, кейин кишиларга ўргатамиз” сингари тескари ёндашув ман этилади. Бундай қарор ҳақиқий ҳалокатга сабаб бўлиши мумкин, бунда ижрочи эмас, балки мазкур тизимни ўрнатишга мажбурлаган раҳбар айборд бўлади.

Ташкилотларда автоматлаштиришга яна бир нотўғри ёндашув: ходимларни тизимга мос ҳолда танлаш кенг тарқалган. Кўпинча қуидаги кўринишга эга рекламани учратиш мумкин: “дастурий таъминот билан ишлай оловчи мутахассис ишга таклиф қилинади...”. Ишга қабул қилгунга қадар номзоднинг мавжуд билимларини қандай текшириш мумкин? Ушбу тизим унинг ишлаши учун қулай бўлишини қандай билиш мумкин? Номзод лавозимни эгаллагунга қадар турли ваъдалар бериши мумкин, лекин кейин ҳақиқий муаммолар бошланади. Демак, тизим инсонга мослаштирилади ва унга қулай бўлиши керак.

Тизим, аввало, ишончли бўлиши керак. Аввало, тизимнинг ишончлилиги муаммосини тўғри тушуниш лозим. Аслида ҳар бир тизим ишончли эмас, компьютер миллионлаб АҚШ долларини ҳам, чақаларни ҳам бирдек қабул қиласи: ҳар бир ахборот компьютер учун электр сигналларининг кетма-кетлиги ёки информатика тилига ўғирсақ, ноль ва бирларнинг изчиллигидир. Дастур маълум тестдан ўтказилган бўлса (бозорга рамзли ахборотларни ракамли ахборотдан умуман фарқлай олмайдиган тизимлар чиқарилган вазиятлар ҳам учраган), у фойдаланувчиларни қўпол хатолардан асрайди. Бироқ бу ҳолат тизимда ахборотни ҳимоялаш ва таҳлил қилиш бўйича интеллектуал воситалар кўзда тутилганини англатмайди. Хўш, ишлаб чиқилаётган тизимни ишончлилик нуқтаи назаридан қандай баҳолаш мумкин? Бу вазифа уч асосий қисмга ажартилади.

Биринчидан, тизим ҳужжат алмашинуви тизимига заар етказувчи ҳамма тасодифий хатоларни кузатиши керак. Иккинчидан, унда ахборотга тасодифий ёки атайнин зиён етказишдан ҳимоялаш воситалари кўзда тутилиши керак.

Бошқача айтганда, тизим ахборот йўқолиши мумкинлиги ҳақида хабар бериши ёхуд ман этилган операцияни бажаришни рад этиши керак. Бундан ташқари, тизимдан санкциясиз фойдаланишдан ҳимоя воситаларини ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ниҳоят, тизим тўхтаб қолиш ва ускунанинг ишдан чиқишига чидамли бўлиши керак. Бунда турли ечимларни қўллаш эҳтимоли мавжуд: иш жараёнида маълумотлар базасини автоматик хотирада сақлаш, ахборот ташувчи мосламаларга маълумот нусхасини кўчириш, маълумотларни тиклаш бўйича маҳсус воситалар. Бу воситалар мавжуд бўлиши ва мақсадга мувофиқ ишлаши жуда муҳим.

Тизим тўғри ишилаши керак. Юқорида қайд этилганидек, ўтиш иқтисодиёти хужжат алмашинувини яратиш ва иш юритишда турли-туман ўзгаришлар мавжудлиги билан фарқланади. Бу шароитда ЭҲАТ жорий иш ҳолатига мос келмай қолиши мумкин. Тизимда жорий талабларга мувофиқ созлаш имконияти мавжуд бўлиши керак. Бу, тизим олдиндан осон мослашувчи, мобиль ва эластик тизим сифатида ишлаб чиқилишини англаатади.

Электрон хужжат алмашинуви тизими жорий этиш бўйича инвестицияларни қайтариш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш нисбатан мураккаб жиҳат ҳисобланади. Чунки биринчи навбатда, бу тизим, бир томондан, муҳим зарурат сифатида тан олинган саналмайди (масалан, супермаркет учун савдо тизими ёки аҳоли реестри учун маълумотлар базаси), бошқа томондан жорий этиш ва қўллаш бўйича маълум харажатларни талаб этади.

Хужжат алмашинувини автоматлаштириш тизимларининг нархи қиммат бўлиб, уларни жорий этиш жараёнига ҳам катта куч ва маблағ зарур. Натижада ташкилот қандай фойда кўради? Иқтисодий самарани қандай баҳолаш керак

3. ЭҲАТдан фойдаланишдаги устунликлар. Forrester Research маълумотларига кўра, Fortune рўйхатидаги 500 компаниядан 38 %ининг фикрича, замонавий ЭҲАТни харид қилиш бизнесни муваффақиятли юритиш учун жуда муҳим ҳисобланади. Тармоқ таҳлилчиларининг фикрига мувофиқ

(маълум маънода ўзаро фарқланувчи бундай фикрлар жуда кўп), ЭҲАТни жорий этишда корпоратив фойдаланувчилар учун фойда етарлича турли-тумандир. Масалан, Siemens Business Services маълумотларига қўра, ЭҲАТдан фойдаланишда қўйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- ходимларнинг меҳнат унумдорлиги 20-25 %га ортади;
- электрон хужжатларнинг архивда сақланиш қиймати қофозли архивларни сақлаш қийматига нисбатан 80 % кам.

Ташкилотлар ЭҲАТни жорий этиш орқали 2 хил: тактик ва стратегик устунликка эришиши мумкин.

Тактик устунликлар асосан сарф-харажатларни қисқартириш билан боғлиқ. Уларни пул ифодасида аниқлаш, ўлчаш ва ҳисоблаб чиқиш етарлича осон. Тактик устунликларга қўйидаги устунлик турлари киради:

- жойни табиий бўшатиш;
- нусха кўчириш бўйича сарф-харажатларни камайтириш;
- қофоз кўринишида ахборот етказиб бериш сарф-харажатларини камайтириш;
- ресурслар: кишилар ва асбоб-ускуналарга харажатларни камайтириш;
- қофозга харажатларни камайтириш;
- иш самарадорлигини ошириш: ишларни тезроқ бажариш, бажарилувчи ишлар умумий миқдорини ошириш, маълумотлар/ёзувлар (юридик мажбуриятга эга хужжатлар) билан ишлашни яхшилаш, янги турдаги ишларни бажариш ёки ишларни бошқача бажариш имконияти.

Стратегик устунликларга асосий бизнес жараёнларидағи яхшиланишлар билан боғлиқ устунликлар киради. Бу эса, агар тижорат тузилмалари ҳақида гап кетганда, айланма ёки фойда ошиши билан, давлат ҳокимияти идоралари ҳақида ишдаги яхшиланишлар, қарор қабул қилиш, хизмат қўрсатиш билан боғлиқ бўлади. Ўз табиатига қўра, бу устунликларни ўлчаш қийинроқ. Стратегик устунликларни икки катта гурухга ажратиш мумкин: эришилувчи устунликларнинг ўртача даражаси ва ўртача мураккаблик даражаси; устунликларнинг юқори даражаси ва юқори мураккаблик даражаси.

Эришилаётган устунликларнинг ўртача даражаси ва ўртача мураккаблик даражаси. Ушбу категориянинг ўзига хос устунликларига қуйидагилар киради:

- ахборотдан фойдаланишдаги яхшиланишлар;
- буюртмачиларга хизмат кўрсатиш сифати ва таъсирланиш тезлигидаги яхшиланишлар;
- жараёнларнинг назорат қилинишидаги яхшиланишлар;
- аудиторлик текширувлари натижаларидағи яхшиланишлар;
- кафолатли хизмат кўрсатиш жараёнидаги яхшиланишлар;
- маҳсулот/хизмат сифатини яхшилаш;
- молиявий айланмаларни ошириш.

- Юқори устунлик даражаси ва юқори мураккаблик даражаси. Ушбу категориянинг ўзига хос устунликлариغا қуйидагилар киради:

- қарорларни тезроқ ва сифатли қабул қилиш;
- раҳбарият томонидан назорат даражасини кучайтириш;
- тегишли қоида ва қонунларга мосликни таъминлаш;
- янги маҳсулот ва хизматларнинг бозорга тезроқ чиқарилиши;
- маънавий муҳит ва ходимларнинг ўз меҳнатидан қониқиш даражасини яхшилаш;
- таклиф этилувчи маҳсулотлар ва тақдим этилувчи хизматларнинг кенгроқ тўплами.

Калит сўзлар: Комплекслилик, ресурсларнинг чекланганлиги, динамика, ноаниқлик ва хатар. Босқичлилик, самарадорлик, қоплаш муддати, тежаш манбалари. Асосий мезон, тизим тушунарли, тизим қулай, тизим ишончли. Тактик устунликлар, стратегик устунликлар.

Назорат учун саволлар

1. Тизимли таҳлилнинг қатор умумий методологик принципларидан фойдаланиш мумкин, уларнинг муҳимларини келтиринг.
2. ЭҲАТни жорий этиш бўйича иқтисодий баҳоларни баён қилинг!
3. ЭҲАТни танлаш мезонлари қайсилар?
4. Тизим қулай бўлиши керак деганда нимани тушунасиз?

5. Тизим ишончли бўлиши кераклигини баён қилинг!
6. Тизим тўғри ишлаши керак дейилади. Бу нима дегани?
7. ЭҲАТдан фойдаланишда қандай натижаларга эришиш мумкин?
8. Тактик устунликларга қайси устунлик турлари киради?
9. Стратегик устунликлар нима?

8.2. ЭҲАТ самарадорлигини миқдорий баҳолаш

1. ЭҲАТни қўллаш афзалликлари. ЭҲАТдан фойдаланиш самарадорлиги, қоидага биноан, бошқа корпоратив тизимларга нисбатан аникроқ, айнан шунинг учун электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари ходимларнинг иш вақтидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун яратилган. Самарадорликнинг оддий ҳисоб-китоби ҳужжатларга ишлов бериш вақтини сезиларлича камайтиришга асосланади.

Офис ходимлари қўйидаги турли операцияларга сарфловчи иш вақтининг ўртача даражаси:

- ҳужжатларни излаш ва келиб тушишини кутиш – 20 %;
- ҳужжатларни келиштириш ва тасдиқлаш – 20 %;
- бўлинмалар орасида ҳужжатларни ўтказиш – 10 %;
- ҳужжатлар ҳаракати ҳақидаги стандарт ҳисботларни тайёрлаш – 10 %.

Ушбу баҳолар энг кичик бўлиб, кўпинча бу рақамлар сезиларлича қўп бўлади.

Шу тариқа, офис ходимлари ҳужжатларга эскича ишлов беришга сарфловчи жами ўртача вақт 60 %дан ортиқ. Бунда ходимларнинг маълум қисми деярли жами иш вақтини бу операцияларга сарфлайди. ЭҲАТдан фойдаланишда қўйидагилар ҳисобига ютуқقا эришилади:

- ҳужжатларни излашга соатлар эмас, сония ёки дақиқа сарфланади; ҳужжатларни кутиш талаб этилмайди – ҳужжатлар улардан фойдаланиш хуқуқига эга ҳамма ходимларга бир вақтнинг ўзида қулай бўлади;
- ҳужжатларни келиштириш ва тасдиқлаш жараёни шаффофлашади ва онлайн тартибида юз беради;

- бўлинмалар орасида хужжатларни ўтказиш вақти – умуман сарфланмайди – хужжат файллари ва карточкалар мавжуд вақт тартибида ундан фойдаланиш хуқуқига эга кишилар учун қулай;

- хужжатлар ҳаракати ҳақидаги стандарт ҳисоботларни тайёрлаш битта тугмани босиш орқали бажарилади.

Офисда асосий ходимларнинг меҳнат сафари туфайли хужжатлар билан иш тўхтамайди – янги авлод ЭҲАТ web-браузер орқали ва электрон почта бўйича узоқ масофадан хужжатлар билан ишлаш имконини беради.

Тизимнинг ўзини қоплай олиши. ЭҲАТ хужжатлар – шартнома, ҳисоб рақам, қайднома, хатлар, ордерлар билан ишловчи офис ходимлари иш вақтининг ярмини тежайди. Бундан ташқари, офисдан ташқарида сарфланувчи вақт ҳам тежалади, ЭҲАТ web-браузер орқали ва электрон почта бўйича узоқ масофадан хужжатлар билан ишлаш имконияти ҳисобига иш вақтида “конвертациялаш” имконини беради.

2. Сифат юзасидан самарадорликни баҳолаш. Инвестицияларни тизимга тез қайтаришга ишонтириш имконини берувчи тизим самарадорлигини миқдорий баҳолашдан ташқари тизимдан фойдаланиш самарадорлигини сифатли баҳолаш ҳам муҳим саналади. Бу, биринчи навбатда, хужжатлар ҳаркатининг шаффоғлигини оширишдир.

Ходимлар компьютер экранида ҳозирги пайтда ишлаш лозим бўлган ҳамма хужжатлар, вазифа ва топшириқларни кўриш имконига эга бўладилар, раҳбарлар эса мавжуд вақт тартибида бизнес жараёнларини бажариш даврини, масалан, мижозлар буюртмаларини ижро этиш, янги ходимларни ишга қабул қилиш, шартномалар ижросининг жорий ҳолати, компаниянинг турли бўлимлари орасидаги ўзаро таъсирни кўриш имконига эга бўладилар. Хужжатлар ҳаракати ва ходимларнинг хужжатлар билан иши мавжуд вақт тартибида назорат қилинади.

Иккинчидан, ягона корпоратив ахборот муҳитини ташкил этиш. Узоқдаги офислар, филиаллар, ваколатхоналар, марказий офис билан бирга ўзаро боғланади ҳамда уларнинг ўзаро таъсир даражаси сезиларлича ошади.

Учинчидан, корпоратив ахборотнинг сақланишини таъминлаш ва бирлаштириш. Корпоратив ахборот ходимлар хотирасида эмас, ҳужжатларни бошқариш тизимида сақланади. Ҳатто ходимлар ишдан бўшаганда ёки корхонанинг бошқа бўйлимларига ишга ўтганда ҳам, уларнинг ҳужжатларга ишлов бериш билан боғлиқ билимлари корхонанинг электрон ҳужжат алмашинуви тизимида сақланади ҳамда улар ўрнига келган бошқа ходимлар ундан фойдаланишлари мумкин. Ходимлар билимини умумий корпоратив тизимга бирлаштириш синергетик самара беради ва таъсирили натижаларга сабаб бўлиши мумкин.

Ниҳоят, умуман компаниянинг бошқарилиш даражасини ошириш. Долзарб ва ўз вақтидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳисобига ахборот оқимларини тезлаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда хатолар сонини камайтириш умуман компаниянинг бошқарилиш даражасини оширишга сабаб бўлади. Бошқа корпоратив тизимлардан фарқли ўлароқ, ЭҲАТнинг глобал хусусияти шундаки, ЭҲАТ одатда компьютерга эга ҳамма ходимларга ўрнатилади, бу корхонани ташкил этиш умумий даражасини ошириш имконини беради.

3. ЭҲАТ унумдорлигини ташкил этувчи жиҳатлар. ЭҲАТдан самара ҳар бир автоматлаштирилган тизим сингари икки қисмга бўлинади:

- материалларга маблағлар, ходимларнинг иш вақтини тежаш билан боғлиқ тизимни жорий этишдан бевосита самара;
- ташкилот амал қилиши учун ЭҲАТ берувчи устунликлар билан боғлиқ билвосита самара (бошқарувнинг шаффоғлиги, ижро интизомини назорат қилиш, билимларни жамлаш имконияти).

Иккинчи турдаги самарани умумий ҳолатда баҳолаш жуда мушкул. Бу мушкулот уни баҳолашнинг иложи йўқлигига эмас, балки баҳо доимо экспертли бўлиб, уни шубҳа остига қўйиш жуда осонлигидадир.

Зиддият шундаки, ҳақиқатда бу самара сарфланмаган қофоз ёки меҳнат сарф-харажатларини камайтириш кўринишида ЭҲАТни жорий этиш бўйича

бевосита тежамни сезиларлича оширади. Қуйида самарадорликни ҳисоблаш схемаси таклиф этилади.

Харажатларни ҳисоблаш схемаси. Фараз қилайлик, N ходимларга эга ташкилот мавжуд. Дастьлаб тизимни жорий этиш бўйича ҳамма харажатларни ҳисоблаб чиқамиз. Баъзи тахмин ва белгиларни киритамиз, оддий ҳисобкитобларни бажарамиз.

ДТ битта лицензияси қиймати L . Одатда бу рақам иш жойига 150 дан 800 АҚШ долл. гача доирада бўлади ва сезиларли даражада харид қилинувчи лицензиялар сони, яъни ЭҲАТдаги иш жойлари миқдорига боғлиқ.

ЭҲАТни жорий этиш учун зарур қўшимча техника (компьютерлар, принтерлар, сканерлар ва ҳоказо) қиймати H . Миқдор аксарият ҳолатларда N га деярли мутаносибдир. Агар қиммат маҳсус техника, масалан, саноатга оид сканерлар ёки электрон архив учун роботлаштирилган йирик кутубхоналарни харид қилиш талаб этилмаса, бундай мутаносибликка риоя этилади. Маълумки, мутаносиблик коэффициенти техника билан жиҳозланиш бўйича жорий даражага боғлиқ. Замонавий шароитда бир ходимга тўғри келувчи иш бошлангунга қадар тахминан 1500 АҚШ долл. миқдоридаги техника тўғри келади. (ўртacha нарҳ доирасида бўлган техника қиймати олинади). Етарлича жиҳозланмаганлик коэффициенти 10дан 40 %гача бўлиши мумкин, аксарият корхоналарда бу рақам кўпроқ бўлиши мушкул.

V тизимни жорий этиши бўйича ишлар қиймати. Бу миқдор ташкилот ҳажмига номутаносиб, лекин, табиийки, унга маълум боғлиқлиқда бўлади. Жорий этиш қиймати сезиларли даражада тизимни жорий этиш қандай ташкил этилиши, уни ким нечта босқичда амалга оширишига боғлиқ. Бирор-бир ўзгариш киритиш учун жорий этиш қиймати қуидаги миқдорга тенг эканлигини ҳисоблаш мумкин:

$$V=M \cdot W + M \cdot W \cdot F(N),$$

бунда: M – киши ой миқдори, жорий этиш бўйича ишларни амалга ошириш учун керак (одатда 4 дан 6 киши-ойга қадар); W – ишларнинг 1 ойлик ўртача қиймати (талабларга ўзартириш киритиш, жорий этиш лойиҳасини

яратиш, ДТни якунлаш, инсталляция ва ўргатишни ўз ичига олади). Иккинчи *F*га боғлиқ қўшилувчи – ташкилот ҳажми тавсифи функцияси, у ташкилот ҳажми катталиги ҳисобига харажатларда вазифани мураккаблаштиришни ҳисобга олиш имконини берувчи “тузатиш” сифатида хизмат қиласди. Бу функцияning ҳаракати *N* миқдордаги логарифмга ўхшаш.

Тизимни администрациялаш ва кузатиш – ҳисобга олиниши зарур бўлган харажат қисми. Улар йилига тизим қийматидан 15-20 %ни ташкил этиши керак. Тизимни жорий этиш бўйича асосий харажатлар амалда ҳисобга олинган.

4. Бевосита самарани баҳолаш схемаси. Ишни маблағларни бевосита баҳолашдан бошлаймиз. У мазкур тизимни жорий этишда тежалган қоғоз қиймати ходимларнинг тежалган иш вақти қийматини ўз ичига олади. Бу доимий харажатлар, шунинг учун маблағни қоплаш муддатларини баҳолаш учун ойлик харажатларни ҳисоблаб чиқамиз. Бу харажатлар ташкилот фаолиятига боғлиқ ҳолда сезиларлича ўзгаради, ҳисоб-китоблар ўртачалаштирилган баҳоларнинг сезиларлича априор кўринишига эга бўлиши мумкин.

Бир ойда сарфланувчи максимал қийматни бир ходим имкониятидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаш, ойига ҳужжатлар саҳифаларининг маълум миқдорини ўқиш ва ўзлаштириш мумкин. Оддий тажриба асосида аниқлаш мумкин-ки, иш куни давомида битта оддий ходим 100 тагача машинада терилган ҳужжат саҳифаларини ўқишга қодир эмас.

Бошқа томондан, бир ходим иш куни давомида ўқийдиган саҳифаларнинг минимал ҳажми битта тўлиқ ҳужжат, яъни 4-5 саҳифадан кам бўлмаслиги керак, акс ҳолда бу ходим ҳужжатлар билан ишлайди, демак, у ЭҲАТни жорий этиш нуқати назаридан қизиқиш уйғотмайди. Тартибсизлик катта бўлади, шунинг учун амалда ҳисоблаш учун бухгалтериядан ёзув қоғозини харид қилиш бўйича маълумотларни олиш яхшироқ. Лекин олинган схема учун (айниқса даромад ва харажатларнинг умумий балансида бу омил яққол сезиларли бўлмайди) олайлик, ўртача ташкилотнинг бир ходими кунига 25 саҳифа ўқиши тўғри келади.

ЭҲАТда иш ўринлари сонини ҳисобга олишда V – иш қийматига нисбатан тузатишни ҳисоблаш учун коэффициент қийматининг F-боғлиқлик функцияси характери агар Р ахборот киритилган бир саҳифа қоғознинг қиймати (ксерокс, мухр) бўлса, у ҳолда қоғозга ойлик харажатлар $21 \cdot 25 \cdot P \cdot N$ ни ташкил этади. Жамланган иш вақтининг қийматини баҳолаш янада мураккаброқ. Биринчи навбатда у қуидаги омиллардан ташкил топади:

- мавжуд ҳужжатлардан такрор фойдаланиш ҳисобига кучларни тежаш;
- ҳужжатларни сақлаш ва ахборотни излаш бўйича самарали воситаларни излашда тизимлаштириш ҳисобига керакли ҳужжатларни излаш вақтини тежаш;
- бизнес жараёнларини автоматлаштириш, ижро интизомини назорат қилиш ва расмийлаштириш ҳисобига уларни тезлаштириш.

Бу омилларни муайян баҳоларга ўтказишга ҳаракат қиласиз. Бунинг учун эксперт баҳоларни амалга оширамиз. Чунки ҳар бир ташкилот доимий равища бир-бирига етарлича ўхшаш қарор билан шуғулланади, бу мавжуд ҳужжатлардан такрор фойдаланиш имконияти жуда реаллиги маълум. Агар баъзи турдаги ҳужжатлар (шартномалар, хатлар, таклифномалар) учун бундай такрор фойдаланиш аксарият жойларда эскирган амалиёт бўлса, у ҳолда тижорат таклифи туридаги ҳужжатлар, таҳлилий шарҳлар, дастлабки лойиҳалар ёки оддий ёзишмалар учун, афсуски, аксарият ҳолатларда такрор фойдаланиш фоизи нолга teng.

Илгаридан мавжуд ташкилот учун ҳар бир ҳужжат учун доимо тимсол топилишидан келиб чиқиш керак. Кўпинча тимсолдан (матн ҳажмидан эмас, яратишга меҳнат харажатлари бўйича) 20 дан 30 %гачани “олиш” мумкин, қолганлари – алоҳида ҳолатнинг ўзига хослиги бўлиб, у қарорларни ўйлаб чиқиш ва қабул қилишни талаб этади. Шунинг учун 25 %лик такрорий фойдаланиш коэффициентидан келиб чиқилади. Ҳар бир ходим янги ҳужжат яратишга ўз иш вақтининг тахминан 30 %ини сарфлаши тахмин қилинса (бу параметр ҳеч қаерда ўлчанмаган, лекин, экспертларнинг фикрича, ҳақиқатга

яқин ҳисобланади), у ҳолда ходимларнинг умумий иш вақтини тежаш уларнинг тўлиқ иш вақтидан тахминан 75 %ни ташкил этади.

Хужжатни излаш бўйича вақтни тежаш ЭҲАТни жорий этиш адептлари томонидан етарлича яхши ўлчанганд. Реклама мақсадида ходим иш вақтининг 30 %гача миқдордаги рақамлари кўрсатилади. Воқеликда, бу рақам албатта кам ҳамда тўғрироғи 5-10 % доирасида бўлади. Аниқлик учун 5 %ни оламиз. Шу тариқа, иш вақтининг умумий тежами бу икки омил бўйича тахминан 12 %ни ташкил этади.

Бизнес жараёнларини тезлаштириш – ЭҲАТни жорий этишдан маълум фойдани ташкил этади. У априор баҳога учраши қийинроқ, лекин бирор баҳони амалга оширишга ҳаракат қиласиз. Қоғозли ҳужжат алмашинувида ходимларга почта канцелярия томонидан кунига икки марта тарқатилади. Шу тариқа, келишув рўйхати нуқтаи назаридан ҳужжат уч кундан бир ойгача ва ундан ортиқ инстанциядан ўтиши мумкин. Ижронинг ҳар қандай тўхтаб қолиши бу муддатни фақат узайтиради. Алоҳида ҳужжатлар бўйича ижронинг тўхтаб қолишини назорат қилишнинг иложи йўқ, алоҳида ходимнинг ижро интизомини комплекс назорат қилиш эса унинг фаолияти соф эмаслиги туфайли мураккаблашади.

ЭҲАТни жорий этишда ҳужжатлар ижродан сўнг кейинги инстанцияга ўтади. Бирор ижрочи томонидан ҳар бир тўхташда тўхташ муддатлари ҳамда бошқа ходимлар томонидан ижро юкламасини ҳам кузатиш, мос равища чоралар кўриш мумкин. Буни ҳисобга олган ҳолда уч кундан кам бўлмаган муддатда ижро этилган ҳужжат бир-икки кунда ижро этилиши мумкин, кўп босқичли тасдиқ ва келишув орқали ўтувчи ҳужжатларни ижро этиш вақти эса бир неча баробарга қисқартирилиши мумкин. Бир ходимга ҳаражатларда S тежам миқдорни ташкил этиши мумкин. Лекин буни фақат амалиётда текшириш мумкин. Бошқача айтганда, бу иш вақтини 10-30 %гача тежашдир.

5. Самарадорликни баҳолашга мисол. Бирор-бир ташкилот шароитлари учун кўрсатиб ўтилган рақамларни қўллашга ҳаракат қиласиз. Қуйида келтирилган рақамлар шартли бўлиб, ҳақиқатда улар бир неча бор фарқланиши

мумкин, лекин мавжуд ўзига хос ҳолатлар учун баҳолар ўзаро яқин бўлиши мумкин. Фараз қилайлик, турли даражадаги 50 нафар мансабдор фаолият юритувчи ташкилот кўриб чиқилмоқда. Дастреб жорий этиш қийматини баҳолаймиз. Иш жойига қайта ҳисоблашда ДТ лицензияси қиймати ушбу ҳажмда $L=300$ долл. ДТ қиймати 15 000 долл.ни ташкил этади. Фараз қилайлик, 20 %гача техника билан жиҳозлаш талаб этилади. Бу ҳолатда қўшимча жиҳозлар қиймати тахминан қуидагича: $H=0,2 \times 1500$ долл. $\times 50 = 15\,000$ долл.

Тахмин қилайлик, ташкилотда тизимни жорий этишни ташкил этишга қодир шахсий ходимлар штати мавжуд, мураккаброқ муаммоларни ҳал этиш учун маслаҳатчи жалб этиш керак. Бундай тоифадаги ахборот тизимларини жорий этиш бўйича намунавий иш ҳажми, юқорида айтилганидек, тахминан беш киши камида бир ой ишлашини ташкил этади. Улардан тахминан икки ой – маслаҳатчи иши бўлиб, у қиммат туради. Ташкилотдаги кўп сонли ходимларни ҳисобга олган ҳолда яна икки кишини бир ойлик маошини қўшамиз. Маълум турга хос идорадаги шахсий ходимларнинг ўртacha қиймати – ойига тахминан 400 долл.ни ташкил этади. Хизматларни тақдим этиш шартларига кўра маслаҳатчининг қиймати – ойига 2000 дан 6000 долл.гача. Аниқлик учун у 5000 долл.га тенг дейлик. Жами жорий этиш бўйича қийматни баҳолашни ҳосил қиласиз: тахминан 12 000 долл.

Шу тариқа, жараённи оқилона ташкил этишда бундай тизимни жорий этиш бўйича жами харажатлар 42 000 долл.ни ташкил этиши мумкин. Кузатиш қиймати икки йил учун тахминан 16 000 долларни ташкил этади. Икки йилга 58 000 долларлик харажат ҳосил бўлади.

Энди жорий этишдан иқтисодий самарани баҳолаймиз. Ҳужжатларни нусхалаш қийматини аниқлаш учун ташкилотда чоп этилган бир саҳифа тахминан 0,02 долл. туради. Бунда ташкилот қоғозга ойига тахминан 525 долл.маблағ сарфлайди (юқорида таклиф этилган формулага қаранг).

Меҳнат сарф-харажатларини тежашнинг пессимитик баҳоси тахминимизга кўра, тахминан 20 % миқдорни ташкил этган. Маълум турдаги идорада бир ходимга 400 долл.лик ўртacha ойлик харажатлардан келиб чиқсан

ҳолда ЭҲАТни жорий этиш ойига 50 киши х 400 долл. х 0,2 = 4000 долл.ни ташкил этади деб ҳисоблаш мумкин.

ЭҲАТни жорий этиш ва ундей фойдаланиш бўйича икки йиллик 58 000 долл. миқдоридаги умумий харажатларда уни қоплаш муддати икки йилдан кам бўлмайди. Бу етарлича яхши кўрсаткич. Шубҳасиз, юқорида келтирилган ҳисоб-китобга норозилик билдириш осон. Биринчидан, ЭҲАТни жорий этиш қиймати жорий этиш шакли қандай танланиши, ташкилот талаблари тизимга киритилган имкониятлардан қандай фарқланишига кўра бир неча бор юқори бўлиши мумкин. Иккинчидан, тизимни жорий этиш самарадорлиги унча аниқ бўлмаслиги мумкин, қатор экспертларнинг фикрича, ҳаракатларни 20 % тежаш ҳужжатлар билан доимий ишловчи ташкилот учун эришиш осон бўлган миқдордир.

Агар ташкилотда ҳужжатлар билан ишлаш ҳажми ресурсларни сезиларлича тежаш учун етарли бўлмаса, у ҳолда тизимга талаблар ҳам сезиларлича оддийроқ бўлишини ҳисобга олиш керак, демак, тизимни жорий этиш, техникани модернизациялаш ва ҳоказолар анча кам бўлиши мумкин.

ЭҲАТнинг кенгроқ қўлланишидаги самара ресурсларни бевосита тежаш эмас, балки ташкилотнинг иш сифатини ошириш билан ўлчанади. Бу тижорат корхоналари учун яшаш омили, идоралар ва давлат тузилмалари учун давлат вазифаларини самаралироқ ҳал этиш, турли субъектлар ва идоралар орасидаги тезкор ўзаро таъсир имкониятини амалга ошириш ҳисобланади. Бундай тизимларни жорий этиш шарти билан давлат бошқаруви шаффоф, ахборотлашган ва тезкор бўлади. Технологиялар доирасида уларни давлат бошқаруви тузилмаларида қўллаш вақти етди, электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари асосий тизимлардан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: Ҳужжат, офис, web-браузер, электрон почта, шаффофлик, корпоратив ахборот муҳити, бизнес жараёнларини тезлаштириш, меҳнат сарф-харажатлари.

Назорат учун саволлар

1. Офис ходимлари турли операцияларга сарфловчи иш вақтининг ўртача даражаси қандай?
2. ЭҲАТдан фойдаланишда қандай ютуқقا эришилади?
3. Тизимдан фойдаланиш самарадорлигини сифатли баҳолаш қандай амалга оширилади?
4. Компаниянинг бошқарилиш даражасини оширишни қандай бажарса бўлади?
5. ЭҲАТдан самара ҳар бир автоматлаштирилган тизим сингари неча қисмга бўлинади?
6. Харажатларни ҳисоблаш схемасини келтиринг.
7. Бевосита самарани баҳолаш схемаси қандай?
8. Бизнес жараёнларини тезлаштиришни тушунтириб беринг.
9. Самарадорликни баҳолашга мисол келтиринг.

IX боб. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИ

9.1. Электрон ҳукуматни тузиш мақсади ва тамойиллари

1. Электрон ҳукуматни тузиш мақсади. “Ўзбекистоннинг электрон ҳукумати” концепциясида таъкидланганидек, Ўзбекистон е-хукуматининг асосий мақсади ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ)дан кенг фойдаланиш, шунингдек, давлатнинг жамият билан ўзаро таъсирини ахборот жамияти талабларига мос даражага ўтказиш асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида АКТдан фойдаланиш очиқ фуқаролик жамиятини яратиш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, давлат сектори сарф-харажатларини қисқартириш, давлат ҳокимияти идораларининг фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро муносабатини яхшилашга кўмаклашади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича тегишли қонунлар ва меъёрий база тайёрланган ва қоидалар ишлаб чиқилган, мисол учун: Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари электрон ҳужжат алмашинуви қоидалари.

Бу қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниши давлат бошқаруви соҳасига АКТ жорий этишни тартибга солади, чунки уларда қуйидагилар:

- ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви ахборот тизимлари ва оммабоп ахборот ресурсларидан эркин ахборот олиш ҳукуки амалга оширилади;
- Интернет тармоғида иқтисодий фаолиятни рамийлаштириш таъминланади (Е-тижорат; Е-ҳужжат алмашинуви, ахборот хизматлари ва ҳ.к.);
- давлат томонидан АКТдан фойдаланишда ахборот хафсизлиги таъминланади;
- АКТда айланувчи электрон ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш воситаларидан фойдаланиш тартиби белгиланади.

ЭҲАТнинг асосий мазмуни – электрон ҳужжатларни яратиш ва сақлашни ташкил этиш, шунингдек, уларнинг ҳаёт даврини бошқариш. Комплекс ЭҲАТ ташкилотдаги иш юритиш даврини – ҳужжатни яратиш вазифасини қўйишдан уни архивга топшириш, исталган форматдаги ҳужжатлар, шу жумладан мураккаб компазицияли ҳужжатларни марказлаштирилган сақлашга қадар қамраб олиши керак.

ЭҲАТлар худудий жиҳатдан узокда жойлашган ташкилотлар ҳужжатларининг тарқоқ оқимларини ягона тизимга бирлаштириш; ҳужжатларни қатъий ёки ихтиёрий йўналтириш ёрдамида ҳужжатларни қулай бошқаришни таъминлаши керак. ЭҲАТда маълум ҳуқуқ, эгалланган лавозим ва белгиланган ваколатларга кўра истеъмоилиарнинг турли ҳужжатлардан фойдаланиши қатъий чекланиши керак. Бундан ташқари, ЭҲАТ мавжуд ташкилий штат тузилмаси ва корхонанинг иш юритиш тизимиға мослаштирилиши, шунингдек, мавжуд корпоратив тизимларга бирлаштирилиши керак.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АҚТ) соҳасидаги инқилобий ўзгаришлар жаҳонда саноат ва хизматлар секторида катта ўзгаришларга олиб келди – товар ва хизматлар қиймати камаяди, ишлаб чиқарувчилар ва якуний фойдаланувчилар орасидаги масофа қисқаради, таъминотчиларнинг истеъмолчилар эҳтиёжаларига эътибори кучаяди. АҚТ жамият ҳаётининг турли соҳаларига кириб бориб, марказий ва маҳаллий ҳукуматлар ҳамда давлат ҳокимиятининг бошқа соҳалари (масалан, қонунчилик ва суд ҳокимияти) фаолиятини ташкил этишни қамраб олган ҳолда жамиятга кучли таъсир этади.

Бу йўналишдаги ишлар ривожланган мамлакатларда қабул қилинган миллий лойиҳалардан бошлаб, “Катта саккизлик” мамлакатлари глобал ахборот жамияти (АЖ)ни қуриш дастури билан яқунланган ҳолда турли даражаларда юритилади.

Охириги бир неча йилда жаҳондаги ҳукуматлар ўз хизматлари самарадорлиги ва сифатини ошириш учун ахборот-коммуникация

технологияларидан тезкор фойдаланади. Бу ташаббуслар ҳатто “электрон хукуматлар” (e-Government) номи билан юритила бошлади.

Давлат муассасаларининг веб-сайтларида турли даражадаги тузилмалар фаолияти ҳақидаги ахборот, уларнинг иш тартиби ҳақидаги маълумотлар, алохида бўлинмалар ва ҳатто муайян мансабдорлар, меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларнинг манзил ва телефонларини олиш мумкин. Ҳукумат муассасалари фуқаролар ва бизнесга кўрсатувчи қатор хизматлардан ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда онлайн тартибida фойдаланиш мумкин. Масалан, уйдан чиқмай, даромадлар ҳақида солик декларацияси топшириш ва тўлдириш; янги корхонани рўйхатга олиш; ҳайдовчилик гувоҳномасини янгилаш мумкин.

Электрон хукуматни давлат маъмуриятида ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш ва ижтимоий хизматлар ва демократик жараёнларни яхшилаш, шунингдек, давлат сиёсатини қўллаб-кувватлашни кучайтиришга қаратилган янги кўнікмаларни эгаллаш билан бирга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш сифатида белгилаш мумкин. Электрон хукумат давлат томонидан хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш воситаси ҳисобланади. У давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этишни соддалаштиради ва давлат секторига зиддиятли талабларни ҳал этиш: бир томондан, хизматлар ҳажмини кенгайтириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошқа томондан ресурслар тежамини оширишга ёрдам беради.

Электрон хукумат (e-government) – ахборотга ишлов бериш, ўтказиш ва тарқатиш бўйича электрон воситалар асосида давлат бошқарувини ташкил этиш. Ахборотга ишлов бериш, ўтказиш ва тарқатиш бўйича электрон воситалардан фойдаланиш ҳамма тоифадаги фуқароларга (пенсионерлар, ишчилар, ишбилармонлар, давлат хизматчиларига) давлат хизматларининг тўлиқ комплексини тақдим этиш ва уларга давлат идораларининг фаолияти ҳақида ахборот беришни таъминлайди. У ўз ичига қўйидагиларни олади: фуқароларнинг давлат ахборотидан эркин фойдаланиш; давлат тузилмаларини қофозсиз иш юритишга ўтказиш; ҳамма ташкилотлар учун парламент ва фуқаролар томонидан маълум даврда ўтказилувчи иш самарадорлиги

кўрсаткичлари ва уларнинг мунтазам назоратини белгилаш; давлат секторида хизматчиларни идентификатлаш, уларга иш ҳақи ҳисоблаш, хизмат сафарлари бўйича ҳисоб-китоблар учун пластик карточкаларни юритиш.

Электрон ҳукумат – ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида давлат хизматлари тақдим этиш бўйича самарали тизим.

Электрон ҳукумат яратишдан мақсад – самарали давлат бошқаруви, давлат ҳокимияти ишининг шаффоғлиги, мансабдорларнинг ахборотга монополиясини бекор қилиш. Электрон ҳукумат мақсадлари пирамидаси 2-расмда келтирилган.


Электрон ҳукуматнинг асосий ғоялари қуйидагилар ҳисобланади:

- очик жамиятнинг қадриятлари, ахборотдан фойдаланиш бўйича тенг ҳуқуқлар, сервислар тўплами сифатида давлат бошқаруви тизими, қабул қилинувчи қарорларнинг очиқлиги ва шаффоғлиги;

- фуқаролик жамиятини ривожлантириш катализатори сифатида АҚТдан фойдаланиш.

“Электрон ҳукумат” ғояларини самарали амалга ошириш учун уни яратиш мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалаш зарур. Асосийси – жамият бирламчи, жамият ўзи учун зарур қатъий ваколатларни ижро этишни топширувчи ҳокимият ва ҳукумат эса иккиласми деган маълум ҳақиқатни қабул қилишдан иборат. Ишнинг моҳияти бўйича ўз фуқаролари ва бизнесга хизмат кўрсатувчи сервисли давлат ғоясини тўлик амалга ошириш бирорта алоҳида эмас, балки давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини юқори даражада тавсифлашдан бошлаб, амалий ахборот тизимларини жорий этишга қадар лойиҳалар комплекси ҳисобланади.

Электрон ҳукуматнинг мақсадлар пирамидаси ва мониторинг



2-расм. Электрон ҳукумат мақсадлари пирамидаси

Электрон ҳукуматнинг устунликлари 9-жадвалда кўрсатилган.

9-жадвал

Электрон ҳукуматнинг устунликлари

| Йўналишлар | Омиллар |
|-------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Хизматлар сифатини ошириш | <ul style="list-style-type: none"> - истеъмолчини қаноатлантириш; - имкони борича тежаш; - самарали ўзаро таъсир |
| 1. Жамоатчилик фикрининг қулийлиги | <ul style="list-style-type: none"> - фуқароларнинг фикр ва мулоҳазалари; - хабар бериш; - умуммиллий ташаббуслар |
| 2. Фаолият самарадорлиги-ни ошириш | <ul style="list-style-type: none"> - унумдлорликнинг ошиши; - фойдаланиш харажатлари камайиши; - бизнес жараёнларининг самарадорлиги |
| 3. Виртуал ҳамжамиятларни яратиш | <ul style="list-style-type: none"> - виртуал фуқаролик ва бизнес ҳамжамиятларини яратиш имконияти; - иқтисодиёт ривожига ҳисса; |
| 4. Стратегик ривожланишни режалаштириш | <ul style="list-style-type: none"> - қарорлар қабул қилишни қўллаб-куватлаш тизими; - мавзули ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш |
| 6. Жиноятчилик ва террориzmга қарши кураш | <ul style="list-style-type: none"> - ўз вақтида хабар бериш; - ахборот алмашинуви ва ҳуқук тартибот идораларининг ўзаро таъсири |
| 7. Иқтисодий ривожланиш-нинг кучайиши | <ul style="list-style-type: none"> - инвестициялар учун жозибадорлик; - маъмурий тўсиқларни камайтириш; - янги бизнес турларини ривожлантириш |

Электрон ҳукумат концепциясини амалга ошириш қуидагиларни таъминлаш имконини беради:

- давлат бошқаруви механизмлари самарадорлигини ошириш;
- фуқаролар ва ташкилотларга давлат ҳокимияти идоралари фаолияти хақида очик ахборотдан фойдаланишни тақдим этиш;
- аҳоли ва ташкилотларга давлат хизматларини тақдим этиш тезкорлиги ва сифатини яхшилаш;
- давлат дастурларини амалга оширишни идоралараро мувофиқлаштириш бўйича ягона механизмни шакллантириш;
- давлат умумий ахборот ресурсларини яратиш;
- давлат ҳокимияти идоралари фаолиятининг ахборотли хавфсизлиги;
- давлат хизматчилари малакасини ошириш;
- ташкилий самарадорликни ошириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш.

2. Электрон ҳукуматни тузиш масалалари. Электрон ҳукумат технологияси фуқаролар ва бизнесга давлат ташкилотлари хизматларидан қулай ва тезкор фойдаланишни таъминлаши мумкин, ундан турли қурилмалар орқали уй, ишхона ёки исталган бошқа жойда олиш мумкин. Ҳукуматлар интернет-порталлардан фойдаланган ҳолда аҳолига ҳамма давлат хизматларидан ягона фойдаланиш нуқтасини тақдим этиши мумкин, унинг ортида давлат хизматларининг ўзаро таъсири бўйича мураккаб инфратузилма яширинади.

Электрон ҳукумат қуидаги қатор ўзаро боғлиқ вазифаларни ҳал этиши керак:

- турли давлат тузилмалари орасидаги ўзаро таъсирни мувофиқлаштириш ва маъмурийлаштириш;
- давлат идоралари томонидан фуқароларга хизмат кўрсатишдан (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар олиш, паспортли хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳоказодан) фойдаланишни ташкил этиш;

- ҳокимият тузилмалари ва бизнеснинг ўзаро таъсирини ташкил этиш (давлат харидлари, лицензиялар, патентлар бериш, солиқларни тўлаш, давлат мулкини бошқариш, иқтисодиётни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш).

10-жадвал

Электрон ҳукуматнинг қўлланиш соҳалари

| Йўналишлар | Мақсадлар |
|---------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Ҳукумат фуқароларга нисбатан | <ul style="list-style-type: none"> - электрон ҳукуматнинг бирламчи мақсадини амалга ошириш; - солиқ хизматлари билан ўзаро таъсир; - ахборотни сўраш |
| 1. Ҳукумат бизнесга нисбатан | <ul style="list-style-type: none"> - давлат идораларининг тижорат ташкилотлари билан ўзаро таъсири; - online тартибидаги харид |
| 2. Ҳукумат ходимларга нисбатан | <ul style="list-style-type: none"> - ходимлар ишини соддалаштириш; - ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш; ахборот сўровлари |
| 3. Ҳукумат ҳукуматга нисбатан | <ul style="list-style-type: none"> - маълумотлардан биргаликда фойдаланиш ва ҳукумат субъектлари орасида электрон алмашинувини амалга ошириш; - файллар алмашинуви |

Электрон ҳукумат қўйидаги қатор ўзаро боғлиқ қўйидаги вазифаларни ҳам ҳал этиши керак:

- шахсий кўринишдаги ахборотни киритган ҳолда ҳукумат идоралари фаолияти билан боғлиқ қўйидаги конфиденциал ахборотни талаб қилувчи фойдаланувчини идентификатлаш учун электрон рақамли имзо тизимидан фойдаланиш туфайли кулай ҳар бир ахборотни бериш (масалан, ушбу пенсионер учун пенсия ҳисоблаш тартиби);
- фуқароларнинг муҳим иштироки билан бошқарув шаклини яратиш;
- фуқароларнинг яшаш жойидан қатъи назар ижтимоий ва маданий неъматлардан teng фойдаланишни таъминлаш;
- аҳолини ҳукумат хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш;
- ахборот тенгсизлигини бартараф этиш;

- ушбу ҳужжат қандай хуқуқقا эга эканлигини (ким ва қандай кўриб чиқилмоқда, ушбу ҳужжат бўйича қандай қарорлар қабул қилинганини) исталган вақтда билиш имконини берувчи давлат тузилмалариға жўнатилувчи ҳужжатлар трекингини (хуқуқни кузатишни) таъминлаш;

- давлат муассасалари томонидан тақдим этилувчи хизматлар доирасини кенгайтириш;

- давлат ҳокимиятининг юқори сарф-харажатли хизматларини ислоҳ этиш;

- умуман жамият доирасида ахборотдан фойдаланиш сифатини тубдан яхшилаш.

Электрон хукуматнинг қўлланиш соҳалари 10-жадвалда тасвиранган.

3. Электрон хукумат бошқаруви даражалари ва тузилмаси. Электрон хукуматни яратиш хукумат идоралари ҳужжатлари ва уларга ишлов бериш жараёнларини бошқариш билан боғлик тўлиқ доирадаги вазифаларни ҳал этувчи умумдавлат бошқарувининг тақсимот тизимини тузишни кўзда тутади.

Жаҳонда хукумат бошқарувидаги электрон тизимларининг қўйидаги даражалари мавжуд:

- маълум бўлинма ёки хукумат фаолияти жабҳаси ҳақидаги ахборотни тақдим этиш учун бир йўналишли коммуникациялар;

- фуқароларнинг жавоб таъсирига эришиш имконини берувчи икки йўналишли коммуникациялар;

- хукумат фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун трансакция тизимлари;

- фуқаролар ва давлат муассасалари орасидаги ҳамма зарур трансакцияларни амалга ошириш имконини берувчи махсус портал.

Портал – интеграцияли ахборотни тақдим этиш учун мўлжалланган вебтармоқ. Ҳамма зарур нуқталардан “ягона фойдаланиш нуқтаси” акс эттиради ва одатда бошқа веб-тармоқларга шарҳларга эга бўлиб, уларнинг таркиби порталга кирувчиларнинг манфаатлариға мос келади.

Веб-тармоқ – компьютер тармоғи орқали махсус дастурлар ёрдамида веб-шарҳловчиларни кузатишга мўлжалланган ўзаро боғлик ахборотли он-лайн

ресурслари тўплами. Веб-тармоқ электрон кўринищдаги хужжатлар тўплами, онлайн хизматини акс эттириши мумкин.

Электрон ҳукуматни яратишнинг биринчи босқичи – ушбу давлат муассасаси ёки маъмурий-худудий таълим ҳақидаги тезкор ва маълумотли ахборотни тақдим этувчи ахборотли интернет-порталини ишлаб чиқиш.

Электрон ҳукуматни яратишнинг иккинчи босқичида ахборотли интернет- портал бир томондан, ҳукумат идоралари ўртасидаги, бошқа томондан, бизнес ва фуқаролар ўртасидаги икки томонлама алмашинуви воситасига айланади. Бунинг учун улар орасидаги ўзаро ахборотли таъсир жараёнларини стандартлаш керак.

Учинчи босқичда Интернет-портал давлатнинг фуқаролар ва бизнес билан электрон шаклдаги ўзаро таъсири бўйича алоҳида жараёнларни амалга ошириш имкониятини тақдим этади. У, масалан, соликларни тўлаш, ижтимоий тўловлар, корхоналарни рўйхатга олиш ва лицензиялар беришни ўз ичига олиши мумкин.

Охирги, тўртинчи босқич портал мавжудлигини кўзда тутиб, у ҳукуматнинг ҳамма хизматлари комплексини интеграциялайди ва ҳамма фуқароларнинг ундан эркин фойдаланишини таъминлади. Бундай порталларни жорий этиш давлат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат секторида бюрократизм даражасини сезиларлича камайтиришга кўмаклашади. Портал фаолияти идораларга тегишли муассасалардаги маълумотлар, турли манбалардаги янгиликлар, раҳбарият буйруқларини бевосита ходимларнинг иш жойига “етказиш”га қаратилган.

“Шахсийлаштирилувчи портал” технологияси ёрдамида (яъни порталдан ким фойдаланиши нуқтаи назаридан муайян таркибни созлаш) давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳақидаги очиқ ахборотдан фойдаланиш мумкин. Унда ҳукумат идораларининг ўзаро, фуқаролар, жамоатчилик ташкилотлари ва бизнес билан ахборотли таъсирининг электрон тартиблари амалга оширилиши мумкин.

Фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат идоралари билан ўзаро таъсир Интернет каналлар ва маълумотларни узатиш корпоратив тармоғи воситасида жамланган Интернет-портал орқали амалга оширилади. жамланган Интернет- порталнинг афзалликлари қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат, бизнес ва фуқароларнинг самарали ўзаро таъсири;
- ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш имконияти;
- online операцияларини амалга ошириш;
- маъмурий операция харажатларини қисқартириш.

Интернет- портал қуйидаги йўл билан ахборотдан ягона фойдаланиш нуқтасини таъминлайди:

- WEB орқали маълумотларни тақдим этиш йўли билан ҳукumat ахборотидан фойдаланишни таъминлаш;
- жамоада ишлаш воситаларидан фойдаланиш йўли билан самарали ва тезкор хизмат кўрсатиш;
- “бир ойна” хизмати ёрдамида ахборот тақдим этиш;
- қарорларни қабул қилишни қўллаб-куватлаш учун ахборотни ўз вақтида ва тўғри тақдим этиш;
- юқори даражали хавфсизлик ва фуқароларнинг махфийлигини ҳимоялашни таъминлаш.

Порталдаги ахборотни долзарблаштириш учун тегишли ташкилий тузилма зарур, бунда ҳамма ҳукumat идораларининг котиблар хизмати ва ахборотлаштириш бўлимлари ходимлари жалб этилади. Бу тузилма порталдаги маълумотлар тузилмасини тартибга солувчи кенг кўламли меъёрий-услубий база, ахборотни жойлаштириш тартиби ва муддатлари, ҳукumat идоралари фаолияти ҳақида жамоатчиликка ахборот беришни ташкил этиш бўйича маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва ижро ҳокимиятининг фаолият тартиби асосида амал қилиши керак.

Портал ҳукumat идораларининг фуқаролар билан ўзаро таъсири бўйича сервислар рўйхатини тақдим этиш ва паспортлаштириш воситаси (масалан, тавсифловчилар тўпламига эга оммавий сервислар классификаторини юритиш:

сервис тақдим этиш тартиби, ҳужжатларни тартибга солувчи хизмат кўрсатишнинг меъёрий муддати, қиймат) сифатида хизмат қилиши, стандарт сервисларни уларни амалга оширувчи хукумат идораларига (сервисни амалга оширувчи ходим ва бўлинма, маълумотлар, қабул қилиш вақтларига) боғлаши ҳам мумкин.

Фуқароларнинг порталдан оммавий фойдаланишини жамоатчилик асосида ва мактабдаги компьютер синфлари, маъмурий бинолардаги ахборот шаҳобчалари ва оммабоп Интернет-кафелардан фойдаланган ҳолда, шахсий компьютерларга эга кишилар учун эса тижорат провайдерлари орқали таъминлаш мумкин.

Электрон хукумат портали турли серверлар (солик, ахборот-маълумот серверлари) бидан ўзаро муносабатда бўлган ҳолда ахборотга ишлов бериш (ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, солик тўлаш ҳақидаги маълумотлар ва ҳоказо), ишларни режалаштириш, уларнинг ижро этилиш жадвалини назорат қилиш, мажлислар тайинлаш, электрон почта алмашиш имконини беради. Ҳужжат алмашинуви сервери бошқарув идоралари, шунингдек, фуқаролар ва ташкилотлар ўртасида ҳужжатларни жойлаштириш тартибини кузатади. Давлат идоралари хизматларидан ягона фойдаланиш нуқтаси туфайли кишилар маҳаллий ижтимоий ҳаёт ва демократия жараёнларида фаол иштирок эта оладилар. Давлатнинг фуқаролар билан алоқасининг бу тарзда тузилиши унинг самарадорлигини оширишдаги муҳим шартdir. У бизнесни ривожлантириш, аввало, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига ижобий таъсир кўрсатади.

Электрон хукумат тузилмаси. Давлат бошқаруви идораларининг ахборот тизими тузилмаси ўзида қуйидагиларни жамлаши керак:

- давлат хизматчиларининг самарали иши учун интранет;
- Интернет (давлат хизматларидан фойдаланиш имконини берувчи қулай серверлар);

- алоқа марказлари (Интернетдан доимий фойдаланиш имкони бўлмаган кишилар учун хизматларни интеграциялаш имконини берувчи телефонли call-марказлар тармоғи билан бирлаштирилади);

- ёзма шаклдаги материалларни (хужжатлар, сугурта полисларини) тарқатиш учун почта хизмати.

Калит сўзлар: Ўзбекистоннинг электрон ҳукумати, ЭҲАТнинг асосий мазмуни, Ахборот-коммуникация технологиялари (АҚТ), e-Government, давлат тузилмалари, давлат идоралари, ҳокимият тузилмалари, бизнес, Портал, Вебтармоқ.

Назорат учун саволлар

1. “Ўзбекистоннинг электрон ҳукумати” концепциясида нима таъкидланган?

2. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича қайси тегишли қонунлар ва меъёрий база тайёрланган?

3. ЭҲАТнинг асосий мазмуни нима?

4. Давлат муассасаларининг веб-сайтларида қайси маълумотлар кўрсатилади?

5. Электрон ҳукуматни давлат маъмуриятида қандай ташкилий ўзгаришлар юз беради?

6. Электрон ҳукумат (e-government) бу нима? Таърифини келтиринг.

7. Электрон ҳукумат яратишдан мақсад нима?

8. Электрон ҳукуматнинг асосий фойлари қайслар ҳисобланади?

9. Электрон ҳукумат концепциясини амалга ошириш нималарни таъминлаш имконини беради?

10. Электрон ҳукумат қайси қатор ўзаро боғлиқ вазифаларни ҳал этиши керак?

11. Жаҳонда ҳукумат бошқарувидаги электрон тизимларнинг қайси даражалари мавжуд?

12. Портал бу нима?

13. Веб-тармоқ нима?

14. Интернет-порталнинг афзаликлари қайсилар ҳисобланади?

9.2. ЭҲАТ негизида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш

1. Давлат бошқарувида ЭҲАТ самарадорлиги таркибий қисмлари.

Давлат бошқаруви тизими фаолияти самарадорлиги учта таркибий қисм билан аниқланади:

- фуқаролар ва корхоналар билан ўзаро муносабат самарадорлиги;
- ҳар бир муассасанинг алоҳида ички ишлари самарадорлиги;
- ҳукумат идораларининг ўзаро муносабатлари самарадорлиги.

Электрон ҳукумат механизмлари билан таъминланган ахборот жамиятининг асосий элементларидан бири – давлат муассасалари фаолияти ва улар билан ўзаро таъсирлашиш жараённинг очиқлиги, хоҳ у давлат тенденрлари, тижорат фаолиятини лицензиялаш ёки оддийгина давлат раҳбарларининг фуқаролар билан мулоқоти бўлсин.

Давлат органларининг аҳоли билан ўзаро муносабатларига АҚТни кенг жорий этиш ҳар бир фуқарога стандарт операцияларга сарф-харажатларни қисқартириш имконини берди. Солик деклорацияларини тўлдириш, коммунал хизматлар тўлови, имтиҳон топшириш, турли маълумотномалар олиш, давлат лавозимлари учун танловларда иштирок этиш, ҳукумат грантлари ва субсидияларини олиш, давлат хизматчилари билан видео анжуманлар – ана шу баъзи жараёнлар виртуал тарзда юз бермоқда.

Давлат органлари ва фуқароларнинг уларга бевосита бюджет хизматларини кўрсатиш жараёнида ўзаро муносабатлари характерини сифат жиҳатдан ўзгартириш электрон ҳокимиятнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бунинг остида одатда ҳукумат органлари фаолиятининг ошкоралиги ва ҳисобдорлиги, тескари алоқани таъминлаш (жамоатчилик фикрини ҳукуматга етказиш), аҳолининг кенг ҳажмли ва долзарб ахборотдан фойдаланиши тушунилади. Бир вақтнинг ўзида барча республика, минтақа ва муниципиал бошқарув органлари учун аҳоли тўғрисидаги аниқ маълумотлар ҳаётий заруратга айланмоқда. ФҲДЁ идоралари ва паспорт-виза хизматларининг

бирлашган давлат ахборот ресурслари (БДАР) уларнинг манбаи ҳисобланади. “ФХДЁ–ПВХ” БДАР мисолида вазифаларнинг нусхалаштириш ва юритиш предметлари кесишуви ни истисно қилувчи турли давлат органларининг самарали ўзаро таъсирлашиш имкониятларини намоён этиш мумкин.

Қатъий равища тегишли ҳуқуқий майдон доирасида ташкил этилган БДАР асосида ҳосилавий юқори технологик маҳсулотлар, масалан, аҳолининг Давлат регистри шаклланиши мумкин. Регистрни жорий этиш фуқаролар ва давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ўзаро таъсирлашиш тартиботларини соддалаштириш, самарадорлигини ошириш ва харажатларини камайтириш, масалан, заруратни истисно қилиш, ёки турли маълумотнома ва кўчирмаларни олиш вақтларини қисқартириш имконини беради.

Рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган электрон ҳукуматнинг таянч мақсади, хусусий бизнесга қўмаклашиш учун давлат билан ўзаро муносабатлар харажатини камайтиришга қаратишдан иборат. Давлат секторининг ўзига хослиги аксарият фуқаролар ва бизнеснинг давлат хизматлари билан ўзаро таъсирлари юридик ёки тартибга солувчи қоидалар билан белгиланади, улар мазкур қоидаларга бўйсунишлари шартлигидан иборат.

Конун ва йўриқномалар одатда ижтимоий ёки иқтисодий тараққиётга қўмаклашиш учун ишлаб чиқилади (масалан, ижтимоий фаровонликни ошириш, истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, бозорда рақобатни ривожлантириш, атроф-муҳитнинг сифатини ошириш). Бироқ одатда улар фуқароларга юклатилган кўплаб мажбуриятлар ёки маъқуллашни талаб этади, эркин танлаш имкониятини сезиларли тарзда чеклайди ва аксарият ҳолатларда катта харажатларни келтириб чиқаради. Бундай маъмурий харажатларнинг ҳажмларини миқдорий кўрсаткичлар билан баҳолаш қийин. Маъқуллашга бу харажатлар алоҳида фуқароларга каби, бутун иқтисодиёт учун ҳам юқ ҳисобланади. Шунинг учун муайян шароитларга ҳаддан ташқари ёки ёмонроқ мослаштирилган тартибга солиш ҳолатлари иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга ва рақобатбардошлик ўсишига тўсқинлик қиласи.

Мазкур муаммони ҳал этишнинг дастлабки усули, қабул қилинган қарорларнинг бизнесга таъсирини баҳолаш зарурати назарда тутилган қулайроқ тартибот ва қонунчиликни яратиш бўйича қадамлар қўйишдан иборат. Давлат аралашувини, фирмалардан белгиланган шароит ва мажбуриятларни бажаришга қандай қўшимча харажатларни аниқлаш учун пухта кўриб чиқиш зарур. Бунда бу каби аралашув самарали ва натижавий бўлиб қолишига кафолатлар бериш лозим.

Давлат ушбу шартларни бажариши учун мумкин бўлган қўплаб стратегиялар мавжуд. Масалан, рентабелликнинг умумлаштирилган таҳлили, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, тартибга солиш тартиботлари бўйича стандартларни жорий этиш ва ҳ.к. АКТдан фойдаланиш уларни амалга ошириш учун таянч омил бўлиши мумкин, чунки қарорлар қабул қилиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишга таъсирни баҳолаш механизмини яратиш жараёнларини қўллаб-қувватлашага ахборот бошқаруви воситаларини тақдим этиш мумкин.

Бирок, қоидаларни яратиш бўйича жараёнлар сифатидан қатъи назар электрон ҳукумат бизнес ва фуқароларнинг давлат билан ўзаро таъсиралишнинг онлайн усулларидан фойдаланиш ҳисобига маъмурий ва тартибга солувчи талабларни бажариш харажатларини камайтириш имконини беради ва шу билан бирга тижорат секторининг унумдорлиги сингари, оддий кишиларнинг турмуш даражасига ижобий таъсир этиши мумкин.

9.2.2. Электрон ҳукуматнинг давлат секторидаги ўрни

Давлат сектори самарадорлигини оширишнинг олтида асосий соҳаси мавжуд:

- офиснинг ички фаолияти;
- давлат харидлари;
- транзакцион хизмат кўрсатиш;
- давлат сектори учун молиялаштириш ва тартибга солиш, сиёsat;
- хусусий сектор учун молиялаштириш ва тартибга солиш, сиёsat;

- фуқароларга хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг унумдорлиги.

Аксарият санаб ўтилган соҳаларда АҚТдан фойдаланиш давлат фаолиятининг унумдорлигини ошириш учун асосий дастаг ҳисобланади. Уларнинг ёрдамида офиснинг ички функцияларини автоматлаштириш, электрон харидларни олиб бориш учун маблағлар яратиш, он-айнли транзакцион хизматларини тўлиқ тақдим этиш, энг яхши қарорларни қабул қилиш учун ахборот ресурсларини кўллаш, давлат хизматчилари, хизмат кўрсатувчи фуқаролар меҳнатининг унумдорлиги ортишини таъминлаш мумкин.

Электрон ҳукуматнинг давлат сектори самарадорлигига таъсирини олти тоифа бўйича таснифлаш мумкин:

- автоматлаштириш ҳисобига хизмат кўрсатиш харажатларини қисқартириш;
- ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш орқали хизматларни етказиб бериш ёрдамида тежаш;
- харидларга давлат харажатларини қисқартириш;
- етказиб бериш занжирларини бошқаришни яхшилаш;
- ўқитиш ва командировка харажатларини камайтириш;
- хатолар, фирибгарлик ва суиистеъмол ҳолатлари сонини қисқартириш.

Фирма ички фаолиятини қайта ташкил этиши. Самарадорликни оширишни ва харажатларни реал қисқартиришни таъминлаш учун электрон ҳукумат учта қуйидаги фундаментал шартларни бажариши лозим:

1. Хизматларни самарали етказиб беришни янги каналлар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Хусусий компаниялардан фарқли ўлароқ давлат тузилмалари электрон каналлардан фойдалана олмайдиган, ёхуд чекланган фойдаланиш имконига эга мижозларга хизмат кўрсатишдан бош торта олмайди. Шунинг учун, хизматларни етказиб беришнинг янги электрон усуллари мавжуд каналларнинг ўрнини босиши эмас, балки уларни бирор вақт давомида тўлдириб боришлари лозим. Тегишли равишда, аксарият истеъмолчилар анъанавий каналлардан электрон каналларга ўтмагунга қадар

хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва тегишли харажатларни қисқартиришнинг иложи бўлмайди. Агар онлайн хизматларга талаб камроқ бўлса, у ҳолда электрон воситаларни амалга ошириш ва эксплуатация қилиш харажатлари табиий инфратузилма харажатларига қўшилади, шунинг учун хизматларни тақдим этишнинг умуний қиймати фақат ўсиши мумкин. Бинобарин, давлат сектори ўз харажатларини сезиларли қисқартиришга эришгунга қадар онлайн хизматларини илгари суришга қаратилиши лозим.

2. Самарадорликни оширишнинг асосий шарти ички тузилмалар ва жараёнларни қайта ташкил этиш ҳисобига офиснинг ички фаолиятини қайта ташкил этиш ҳисобланади. Офиснинг ички фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича тадқиқот натижаларига кўра, технологиялар электрон хукуматга ўтишдан фақат 20 % тежаш мумкин, шу билан бир вақтда қолган 80 %и ички жараёнлар ва функциялар автоматлаштириш ва қайта ташкил этиш йўли билан эришилади. Бунинг оқибати сифатида, молияларни бошқариш, ўқитиш, тўловларни қабул қилиш ва ходимлар билан ишлаш каби ички вазифалар давлат сектори олдига қисқа муддатларда АКТни татбиқ этиш ҳисобига сезиларли тежашга эришишга оид кенг имкониятларни яратиш. Фуқаролар ва бизнес учун кўплаб хизматлардан фарқли ўлароқ, бу функцияларни бутунлай электрон муҳитга ўтказиш мумкин.

3. Офиснинг ички фаолияти ўзгариши электрон хизмат кўрсатишга кўмаклашиши лозим. Яна бир муҳим шарти самарадорликни ошириш, агар ташкилот ва ходимларнинг ишлаш усулари янги технологиялар амалга оширилгандан сўнг ўзгаришидан иборат. Агар электрон хизматлар бундай ўзгаришларсиз киритилса, у ҳолда иш самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш мушкулдир. Бундай қатъий қадам, ташкилотни янги тизимни энг қулай тарзда фойдаланишга жалб чорлаш учун зарурдир.

Калит сўзлар: Электрон ҳокимият, бизнес, фуқаро, электрон муҳит, АКТ, давлат сектори.

Назорат учун саволлар

1. Давлат бошқаруви тизими фаолияти самарадорлиги таркибий қисмларини келтиринг.
2. Электрон ҳокимиятнинг муҳим вазифаси нима ҳисобланади?
3. Рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган электрон ҳукуматнинг таянч мақсади нима?
4. Давлат сектори самарадорлигини оширишнинг олтида асосий соҳаси мавжуд. Уларни келтиринг.
5. Электрон ҳукуматнинг давлат сектори самарадорлигига таъсирини олти тоифа бўйича таснифлаш мумкин. Улар қайсилар?
6. Самарадорликни оширишни ва харажатларни реал қисқартиришни таъминлаш учун электрон ҳукумат қайси фундаментал шартларни бажариши лозим?

Х боб. ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

10.1. Давлат бошқаруви тизими самарадорлигининг таркибий қисмлари

1. Фуқаролар ва бизнеснинг ўзаро ўзаро таъсирлашиш самарадорлиги. Интернет орқали аҳолининг давлат хизматчилари билан сұхбати ҳукумат ва фуқаронинг ўзаро муносабатини янада оқилона ташкил этиш имконини беради – белгиланган соатларда белгиланган жойда бевосита алоқага зарурат қолмайди, мuloқot куну-тун исталған жойдан Интернет орқали амалга оширилиши мүмкін. Республика вазирларлари, идоралари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти ва муайян қарорлари янада тушунарли ва назорат остида бўлади, бунинг ижобий натижаларидан бири мамлакатда барқарорликни мустаҳкамлашдир.

Давлат идоралари билан интернет-тижорат технологиялари воситасида ўзаро муносабат хусусий компаниялар рақобатбардошлигини оширади, ҳукумат билан ўзаро муносабатнинг расмий тартиботларини соддалаштиради ва компанияларга ҳужжат алмашинуви харажатларини камайтириш имконини беради.

Интернет-портал ёрдамида ҳар қандай фуқаро давлат бошқарувида иштирок этиши – мамлакатда юз бераётган ҳодисалар тўғрисида ўз фикрини билдириш, қонун лойиҳасига тузатишлар киритиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда жойларда фойдаланилаётган фуқаролар ва корхоналар билан “қоғозли” ишлаш технологияси фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳамда давлат органлари учун ҳам вақт ва ресурсларнинг ноишлаб чиқариш харажатлари сони ортишига олиб келади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш давлат ва фуқароларнинг ўзаро муносабатлари каналларини сезиларли кенгайтириш, ушбу ўзаро муносабат сифатини ошириш ва ўзаро муносабатлар, ҳар бир инсоннинг қизиқишилари ва умумий ижодкорлик мақсадларига интилиш

асосида тузилган фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш имконини беради.

Ахборот излаш ва олии. Интернет тармоғида давлатнинг барча органлари тўғрисида тўлиқ, аниқ ва долзарб ахборотни кулай тақдим этиш талаб этилаётган ахборотнинг излаш жараёнини сезиларли тарзда соддалаштириш, саволларга жавоб бериш мансабдорларнинг вақтини тежаш, шунингдек хатолар сонини камайтириш имконини беради.

Фуқаролар ва ташкилотларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари. Ушбу функция Интернет орқали зарур маълумотнома ёки рухсатнома сўраш ва олиш ҳамда давлат бошқаруви органларига кўзда тутилган хulosаларни топшириш имконини берувчи сервис тўплами билан таъминланади. Ундан ташқари, сўровларнинг ҳолатини кузатиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

“Ягона ойна” тамоили барча босқичдаги давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабат учун ягона нуқта мавжудлигини кўзда тутади. Бунинг учун давлат ҳокимиятининг ваколатли органларига сўровлар ва ҳисботни автоматик тарзда жўнатиш ва шу орқали давлатни фуқаролар ва бизнес учун ягона хизматлар “провайдери” сифатида кўриб чиқиши имконини берувчи тизим зарур.

Иш юритиши автоматлаштириш қоғоз шаклидаги хужжатни рўйхатга олишда у бутунлай ёки қисман электрон шаклга ўтказилади, кейинги амаллар ҳам айнан электрон рўйхатга олиш карточкалари ва хужжатларни тақдим этиш билан олиб борилишига асосланган.

Бундай технологияни жорий этиш қўйидаги имкониятларни беради:

- ташкилот бўйлаб ҳужжатлар ҳаракатини жадаллаштириш;
- ҳужжатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини кафолатлаш;
- ҳужжатлар ижроси ва бошқарув қарорлари қабул қилинишининг самарали назоратини таъминлаш;
- алоҳида мансабдор шахслар сингари, бутун ташкилотнинг ҳам ишлаш самарадорлигини ошириш;

- қоғозли ҳужжатларнинг кўплаб нусхаларини кўпайтириш, узатиш ва сақлаш харажатларини қисқартириш;

- қарорлар қабул қилинишида ижрочига максимал даражада тўлиқ ҳужжатлар асосини тақдим этиш ҳисобига уларнинг асосланганлиги ва сифатини ошириш.

Бундай ёндашувда ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида қўшимча харажатлар пайдо бўлади. Умуман олганда, агар ташкилот ҳужжатларнинг катта қисмини электрон шаклда олса уларни четлаб ўтиш мумкин.

Шуни назарда тутиш зарурки, соф электрон ҳужжат алмашинуви ва иш юритиши (ЭҲАИЮ)га ўтиш қўп вақт талаб этади. Лекин автоматлаштирилган иш юритиши тизимини жорий этиш ҳозирданоқ электрон ҳужжат алмашинувига ўтиш учун яхши технологик шарт-шароитлар яратади, чунки бундай ташкилотларда ходимлар аста-секин қоғоз билан ишлашни тарк этмоқдалар (қоғоз алмашинуви девонхона, архив ва экспедицияда сақланиб қолмоқда), уларга технологик зарурат йўқолмоқда.

Ҳужжатларнинг баъзи турлари учун (масалан, ички) электрон ҳужжат алмашувдан ҳозир ҳам фойдаланиш мумкин. У барча ҳужжат лойихалари учун уларни ишлаб чиқиш ва келиштириш босқичида бажарилиши мумкин.

Бундай тизимларни татбиқ этишнинг муҳимлиги нафақат алоҳида ҳукумат органларининг ишлаш самарадорлигини ошириш вазифаси билан аниқланади. Аввалги бўлимлардан кўриниб турганидек, ҳужжатлар билан идоравий ички ҳужжат алмашиш тизими самарали ишламаса, идоралараро ҳужжат алмашиш автоматлаштириш, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро таъсирлашиш учун порталлар тузишнинг иложи йўқ.

2. Электрон ҳукуматларни жорий этиш натижалари. Европалик экспертларнинг фикрича, электрон ҳукуматни жорий этишнинг асосий натижалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат органларига ахборотлар тақдим этиш хизматлари сифатини яхшилаш;
- мижоз(фуқаро ва бизнес)ларга хизмат кўра вақтини камайтириш;

- маъмурий тўсиқларни пасайтириш;
- маъмурийлаштириш харажатларини камайтириш;
- давлат хизматлари тўпламини кенгайтириш;
- давлат органлари фаолиятини самарадорлиги ва улар томонидан фуқаролар ва бизнесга тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш;
- мижозларнинг хизматлардан қониқиши кўрсаткичини яхшилаш.
- Ушбу алоҳида моддий натижалардан ташқари кенг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий оқибатларининг кенг доираси мавжуд:

 - ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги;
 - ахборот жамиятида ҳукумат органлари ва фуқароларнинг иштироки даражасини ошириш;
 - фуқароларни демократик жараёнларга жалб этилганилиги ўсиши;
 - олиб борилган сиёсатнинг натижавийлиги ва самарадорлигини ошириш;

“Жаҳонда, алоҳида мамлакатда, минтақа ёки шаҳарда электрон ҳукуматларни” ривожлантиришни баҳолаш учун қўйидаги иккита ўлчамни ҳисобга олиш зарур:

“Электрон ҳукумат” салоҳияти –онлайнли тартибда қулай бўлган хизматлар сони; ушбу хизматларнинг интерактивлик даражаси; фойдаланувчига йўналганлик ва қулайлик.

“Электрон ҳукумат” хизматларига улар мўлжалланганлар томонидан реал талаб – “электрон ҳукумат” хизматларидан фойдаланувчи фуқаролар ва бизнес вакиллари сони ушбу хизматлар улар қандай фойдаланишига боғлиқ.

Давлат миқёсида АКТ фойдаланишга ўтиш ҳукумат муассасалари фаолиятининг барча асосий шакллари трансформациясини англатади ва маълум молиявий харажатлар ва маъмурий ҳаракатларни талаб этувчи мураккаб ташкилий, технологик ва ижтимоий жараёнлар ҳисобланади. Бу ишдаги муваффақиятли дастурларни амалга ошириш, оқилона ташкил этишдан,

жараённинг барча иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш босқичларидан ҳар биридаги тўғри стратегия ва тактикага боғлиқ – барча даражали ижроия, қонунчилик ва суд ҳокимияти, бизнес, жамоатчилик ташкилотлари ва фуқаролар.

Электрон хукуматни яратиш учун қуйидаги ресурслар зарур: сиёсий эркинлик; бюджет ва кадрлар; АҚТ-инфратузилма; АТ – менежмент тизими; лойиҳавий ёндашув.

Электрон хукуматни яратиш натижасида келгуси натижаларни кутиш мумкин:

- давлат хизматларини қўрсатиш соҳасини кенгайтириш;
- Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ортади;
- Инвестиция муҳити яхшиланади ва минтақанинг умумий имиджи;
- Давлат ҳокимияти органлари ишининг самарадорлиги ортиб боради.

Тактик натижалар асосан харажатларни қисқартириш билан боғлиқ. Уларни аниқлаш ва ўлчаш етарлича осон. Пул ифодасида ўлчанувчи устунликлар хужжатларни сақлаш учун қанча табиий шкафларни йўқотиш, қанча майдонни бўшатиш, штатни қанчага қисқартириш (ёки, унинг ўсишини четлаб ўтиш), хукумат органлари билан ўзаро таъсирлашувчи ташкилот ва фуқаролар қанча вақт тежашларини ҳисоблаш асосида ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

Кутилаётган стратегик натижалар – бу қабул қилинаётган қарорларнинг сифатини яхшилаш, фуқароларнинг ҳукуматга ишончини ошириш, ҳукумат органларига бевосита ва бильвосита ижтимоий харажатларни сезиларли қисқартиришdir.

Электрон ҳокимиятни яратиш ва амалга ошириш мамлакатнинг иқтисодий ўсишини жадаллаштиришга, шунингдек алоҳида фуқаро ва компанияларнинг унумдорлигини оширишга кўмаклашади. Онлайнли давлат хизматлари сонини кенгайтириш билан уйғунликда тезкор, аниқ ахборотлар ялпи ичик маҳсулот ортишига олиб келади, унинг ёрдамида мамлакат жаҳон ҳамжамиятининг бошқа аъзолари орасида муносаиб ўринга эга бўла олади.

Замонавий ахборот технологиялари бир томондан давлатлар ўртасида, бошқа томондан фуқаролар ва бизнес ўртасида янада узвийроқ ўзаро алоқаларни ўрнатиш учун платформани таклиф этган ҳолда давлат бошқарувини мустаҳкамлаш учун барча имкониятларга эга.

3. ЭҲАТ – давлат органлари ишининг самарадорлигини оширишга зарур шарт-шароитлар. Ҳужжат алмашинуви ҳар қандай ташкилот фаолиятининг жуда мухим жараёни ҳисобланади. Яхши йўлга қўйилган ҳужжат алмашинуви тизими ташкилотда реал юз берувчи жорий ишлаб чиқариш фаолиятини акс эттиради ва бошқарувчиларга унга таъсир этиш имконини беради. Шунинг учун ҳужжат алмашинувини автоматлаштириш бошқарув самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ҳужжат алмашинуви ишнинг ҳолати тўғрисидаги барча зарур ахборотни ўз ичига олади ва ташкилотнинг ҳар бир талқин этилган масалани ҳақиқатда ҳал этиш жараёнларини акс эттиради.

Тушунча ва таърифлар. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ электрон ҳужжат алмашинуви тизими соҳасида қўйидаги тушуняча ва таърифлар қабул қилинган.

Электрон ҳужжат алмашинуви ахборот тизими орқали электрон ҳужжатларни жўнатиш ва олиш жараёнлари йиғиндисини намоён этади.

Электрон ҳужжат алмашув битимлар тузиш (шу жумладан шартнома тузиш), ҳисоб-китобларни амалга ошириш, бошқа ахборотларни расмий ва норасмий ёзишиш ва узатиш учун қўлланилиши мумкин.

Электрон шаклда белгиланган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификациялаш имконини берувчи электрон ҳужжат алмашинувининг бошқа реквизитларига эга **электрон ҳужжат ҳисобланади..**

Ахборот тизимлари ва ахборот технологияларининг техник восита ва хизматларидан фойдаланган ҳолда **электрон ҳужжат яратиласди, қайта ишиланади ва сакланади.**

Электрон хужжат уни электрон хужжат алмашинуви иштирокчилари идрок этиши имкониятларини ҳисобга олган ҳолда яратилиши лозим.

Электрон хужжатнинг маъжбурий реквизитлари қўйидагилар ҳисобланади:

- Электрон рақамли имзо;
- Юридик шахснинг номи ёки электрон хужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилия, исми, шарифи;
- Электрон хужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;
- уни яратиш санаси.

Электрон хужжат алмаштириш иштирокчиларининг келишиши ва қонунчилик билан электрон хужжатнинг бошқа реквизитлари ўрнатилиши мумкин.

Электрон хужжат қоғозли ташувчида хужжатга тенглашади ва у билан бир хил юридик кучга эга.

Электрон хужжатнинг асл нусхаси белгиланган тартибда унинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш шарти билан ҳар бир идентик нусха ҳисобланади.

Электрон хужжат қоғозли ташувчида нусхасига эга бўлиши мумкин. Қоғозли ташувчида электрон хужжатнинг нусхаси қонунчиликда ўрнатилган тартибда сақланади ва тасдиқланади.

Электрон хужжат алмашинуви иштирокчилари электрон хужжатни жўнатувчи ва электрон хужжатни оловчи ҳисобланади.

Электрон хужжат алмашинуvida ахборот воситачилари ҳам иштирок этиши мумкин.

Электрон хужжатни жўнатувчи электрон хужжатнинг реквизитларида кўрсатилган ва электрон хужжатни мазкур хужжатни жўнатувчи юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади..

Электрон хужжатни оловчи электрон хужжатни жўнатувчига электрон хужжат жўнатилувчи юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади.

Шартнома асосида электрон хужжатлар алмашинуви билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс ахборот воситачиси

ҳисобланади. Ахборот воситачиси электрон ҳужжатнинг мазмунини ёки улардан фойдаланиш тартибини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас, агар бошқа ҳолат электрон ҳужжат алмашинуви иштирокчилари билан шартномада кўзда тутилмаган бўлса.

Электрон ҳужжат жўнатилган ҳисобланади, агар у электрон ҳужжатни жўнатувчи ёки унинг ахборот воситачиси томонидан жўнатилган бўлса.

Агар қонунчилик ёки томонларнинг келишувида кўзда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатни жўнатиш вақти электрон ҳужжатни жўнатувчи томонидан бекор қилинмайдиган уни жўнатиш вақти ҳисобланади.

Агар қонунчилик ёки томонларнинг келишуви билан бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса:

- Электрон ҳужжатни олиш вақти электрон ҳужжатни олевчи томонидан кўрсатилган вақт ахборот тизими орқали электрон манзил бўйича электрон ҳужжатнинг келиб тушиш вақти ҳисобланади;

- Электрон ҳужжатни олевчининг жойлашган жойида олинган ҳужжат ҳисобланади, ҳатто агар ахборот тизими воситасида олинган электрон ҳужжат бошқа жойда бўлса ҳам.

Электрон ҳужжатлар қонунчиликда ўрнатилган тартибда электрон ҳужжат алмашинуви иштирокчилари томонидан сақланади.

Электрон ҳужжатларни сақлашда уларга кириш ва уларнинг нусхаларини қоғозли ташувчида тақдим этиш имконияти таъминланиши лозим.


Электрон ҳужжатни сақлаш муддати, шунга ўхшаш йўналишдаги қоғозли ташувчили ҳужжат учун ўрнатилган муддатга нисбатан кам бўлмаслиги лозим, агар бошқа ҳолат қонунчиликда кўзда тутилмаган бўлса.

Электрон ҳужжат алмашинувида электрон ҳужжатни ҳимоя қилиш қонунчиликда ўрнатилган тартибда электрон ҳужжат алмашинуви иштирокчиларига ёки бошқа юридик ва жисмоний шахслар аҳолининг зарарини бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

Қабул қилинган электрон хужжат алмашинуви концепциясига мувофиқ электрон хужжат алмашинуви тизимининг ривожланиш босқичи қўйидагилар ҳисобланади:

1. Қоғозли: Анъанавий хужжат алмашинуви технологиялари.
2. Электрон иш юритиш: Электрон канцелярия; ташкилот миқёсида иш юритишни автоматлаштириш.
3. Электрон хужжат алмашинуви: электрон хужжат алмашинуви; ташкилотнинг ҳудудий-тақсимланган тизимида хужжат алмашув.
4. Ҳужжатларни бошқариш: иш юритишидан ҳужжатлар билан ишловчи ходимларни бошқаришга; янги авлод тизимлари.

4. ЭҲАТ тузилмаси каркаси ва архитектураси. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг электрон хужжат алмашинуви тизимлари қўйидаги босқичларни ўз ичига олади: Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамаси ЭҲАТ; Вазирлик ва идоралар ЭҲАТ; вилоят ва туман ҳокимиятлари ЭҲАТ. тузилмалари каркаси 3-расмда тасвирланган.




3-расм. ЭҲАТ тузилмаси каркаси

ЭҲАТ архитектураси. ЭҲАТ архитектураси горизонтал блокларни ўз ичига олади: иш юритиш, хужжат алмашинуви, ҳужжатларни бошқариш и кириш хуқуларини асослаш. Ушбу барча блокларни «Цементловчи» бўғин бўлиб “Регламент” АС хизмат қиласи (4-расм).

Электрон хужжат алмашинуви тизимининг функцияларини автоматлаштириш йўналиши 11-жадвалда келтирилган.

Кириши ҳуқуқини асослаш қўйидагиларни кўзда тутади:

- Ҳужжатлар устидан тўлиқ назорат;
- Ҳужжатни йўқотиш эмас, балки таҳрир қилиш ҳуқуқи;
- Ҳужжатларнинг янги версияларини яратиш ҳуқуқи, лекин уни таҳрир қилиш эмас;
- Ҳужжатни аннотациялаш ҳуқуқи, лекин уни таҳрир қилиш эмас ва янги версияларни яратиш эмас;
- Ҳужжатни ўқиш ҳуқуқи, лекин уни таҳрир қилиш эмас;
- Карточкадан фойдаланиш ҳуқуқи, лекин ҳужжатнинг мазмунига эмас;
- Ҳужжатдан фойдаланишининг ҳуқуқи бутунлай йўқлиги.



4-расм. ЭХАТ архитектураси

«Регламент» АТ ЭХАТнинг асосий тизим ҳосил қилувчи блоки ҳисобланади. «Регламент» АТ асосий ҳолатлари ахборотларни қайта ишлаш ва турли қайдномаларда кўлланиувчи расмийлаштиришнинг аппаратли-дастурий воситаларини бирга олиб бориш имконини беради. Технологик босқичда «Регламент» АТ қўйидагиларни таъминлайди:

- электрон ҳужжат алмашинуви жараёнларини тартибга солиш бўйича норматив асос, шу жумладан миллий стандартлар концентрацияси;
- ҳужжатларни расмийлаштириш элементларини унификациялаш (XML-ҳужжат тузилмасини ишлаб чиқиш; XMLдан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатлар форматини ишлаб чиқиш);
- бошқарув тизимида айланувчи ҳужжатларнинг унификацияланган шакллари депозитарийсини долзарблаштириш;
- тизим ўртасида ўзаро муносабатни таъминловчи ҳужжатлар рўйхатини белгилаб ахборотлар таснифлагичини киритиш;
- маҳаллий, ҳудудий ва тармоқли ЭҲАТларнинг ЭҲАТнинг асосий талабларига мувофиқлик экспертизасини бажариш;
- тизимдан фойдаланувчилар ҳуқуқини асослашдан келиб чиқсан ҳолда электрон имзонинг ўтишини назорат килиш (шартномалар, келишувлар ва баённомалар асосида).

11-жадвал

Электрон ҳужжат алмашинуви тизимининг функцияларини автоматлаштириш йўналиши


| Автоматлаштириш йўналиши | Функциялар ва тартиботлар |
|--------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Иш юритиши функциясини автоматлаштириш | Мантиқий қайта ишлаш билан ҳужжатларни автоматик тарзда қабул қилиш (папкалар бўйича саралаш, қайта манзиллаштириш ва ҳ.к.); Қоғозли ҳужжатларни электрон шаклга ўзгартириш; Кириш ва чиқиш корреспонденциясини рўйхатга олиш; Ҳужжатларни тарқатиш; Электрон ҳужжатларни матнларни сақловчига жўнатиш; Ҳужжатларни излаш; Ҳужжатларни сақлаш; Иш юритиши бўйича статистика. |
| Ижрони назорат қилиш функциясини автоматлаштириш | Муддатлар ва ижроилар бўйича резолюция, қарорлар, буйруқлар ижросини рўйхатга олиш ва очик назорат қилиш; “юқоридан” “пастга” топшириклари бўйича ҳужжатларнинг идивидуал рўйхати; Резолюцияларнинг ижро муддати; Роезолюциялар ижросининг муддати узайтирилганлиги; Ҳужжат назоратини бекор қилиш; Ижро фаолияти бўйича маълумотнома ва ҳисоботлар. |
| Ҳужжат алмашинуви функциясини автоматлаштириш | Ҳужжатнинг ишчи версиясини қўллаб-куватлаш; Ҳужжат ижросини йўналишлаштириш; Имзолатиш; Тасдиқлаш |

| | |
|---------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| | Хужжатларни “ишга” киритиши. |
| Хужжатлар бошқарувини автоматлаштириш | <p>Хужжатнинг ҳаётийлик даврини бошқариш;</p> <p>Таҳрир қилиш/тасдиқлаш, шу жумладан тақсимланган таҳрир қилиш;</p> <p>Хужжатларни бошқариш воситаларининг тўлиқ тўплами, ҳамда:</p> <ul style="list-style-type: none"> -олишни расмийлаштириш /кўчирма бериш, -версиялар назорати, -тўлиқ матнли излаш, -назорат журналлари, -шаблонлар билан ишлаш, -ўзгаришлар тўғрисида огохлантириш. <p>реал вақт тартибида хужжатлар устида жамоа бўлиб ишлаш;</p> <p>узокдан фойдаланиш тартибида хужжатлар билан ишлаш.</p> |

Ҳокимиятнинг электрон хужжат алмашинуви тизимини таркиби 5-расмда келтирилган.

Электрон хужжат алмашинуви тизимини жорий этишнинг ижтимоий-иктисодий оқибатлари қўйидагилар ҳисобланади:

Фойдалар: хужжатларни сақлаш учун табиий жойни бўшатиш; қоғоз шаклидаги хужжатларни нусхалаштириш ва етказиб бериш харажатларини камайтириш; ходимларга харжатларни қисқартириш.



5-расм. Ҳокимият ЭҲАТнинг тузилиши

Натижалар: хужжатлар устида жамоа бўлиб ишлаш имкониятлари; хужжатларни излаш ва танлашни жадаллаштириш (турли атрибутлар бўйича); хужжатларнинг сақланувчанлик даражаси ва сақлаш қулайлигини ошириш; ижро назоратини яхшилаш.

Одатда, ЭҲАТ автоматлаштирилган воситалар билан муассасанинг янада долзарб иш юритиш масалаларини ҳал этиш имконини беради:

ташкилотни корреспонденциялаш билан ишлашда хужжатларнинг ўтишини жадаллаштириш (яратиш, келиштириш, рўйхатга олиш. Кўриб чиқиш ва ижро босқичларида);

Ташкилотнинг ташқи корреспондентларнинг сўровларига жавоб йўналишларини ўз вақтида тайёрлаш ва йўналишларини таъминлаш;

Ташкилотнинг тармоқли ресурслари ва фойдаланувчиларнинг компььютерида хужжатларни қўп маротаба нусхалаштиришни истисно қилиш;

Бир хужжатнинг кўплаб жўнатилишига заруратни бартараф этиш орқали корпоратив тармоқ трафигини юклаш;

Хар бир ижрочига муайян хужжатни (топшириш) ўтишининг берилган тартиботларини амалга оширишда хужжатлар (топшириқлар)ни етказиш хатоларини қисқартириш;

Хужжатларнинг ҳаракатланиш ва топшириқларнинг ижро йўналишини автоматлаштирилган кузатиш ҳисобига ижро тартиби ва меҳнат ресурсларидан фойдаланганлик учун назоратни йўлга қўйиш ва соддалаштириш;

Хужжатлар йўқолишини истисно қилиш;

Хужжат ва топшириқ ҳаракатининг тартиботи мониторингини ўтказиш ва муассасада иш юритишни ташкил этиш самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда уларни зарур ҳисботларни шакллантириш ва топшириқлар ижросини статистик таҳлилини амалга ошириш ҳисобига оптималлаштириш;

Хужжатларни ишончли марказлаштирилган тарзда сақлаш ва самарали излаш воситаларини такомиллаштириш.

Ташкилотлар ўртасида электрон хужжатларни айирбошлиш тизимини яратиш қуидаги имкониятларни беради:

- хужжатларни етказиб берилишини радикал(кескин) жадаллаштириш;

- етказиб бериш кафолати;
- “тилхат остида” етказиш - жүнатувчини оловчи томонидан хужжатни олиш ва рўйхатга олиш тўғрисида хабардор қилиш;
- харажатларни қисқартириш.

Анъанавий қоғозли хужжат алмашинуви ҳали ўз аҳамиятини йўқотмаслигини ҳисобга олиш зарур — яқин йилларда муҳим хужжатлар қоғоз шаклида нашр этилади, тасдиқланади ва етказилади.

Шу билан бирга, хужжат электрон шаклда жўнатилувчи, рўйхатга олинувчи ва айнан электрон нусхаси билан иш олиб бориладиган, қоғоз нусхаси эса одатий йўл билан узатилувчи интеграцияланган қоғоз-электрон технология мавжуд (қатор ташкилотларда бу усулдан фойдаланилмоқда).

Электрон рақамли имзонинг юридик аҳамиятини таъминловчи қонунчиликни жорий этиш, хукумат ва бошқарув органларининг харажатларини сезиларли тарзда қисқартириш имконини берувчи ва электрон хужжатлар билан алмаштириш тизимини яратиш имкониятларини очади.

Бундай тизимларни ишлаб чиқиш йўлида объектив қийинчиликлар мавжуд:

- қатор ташкилотларда хужжат алмашинувини бирор-бир автоматлаштириш тизимлари йўклиги;
- турли ташкилотларда фойдаланувчи тизим ва форматларнинг турли туманлиги;
- жўнатувчи ва оловчиларни ишончли аутентификациялаш зарурати;
- етказиш жараёнида ахборотларни ўзгаришлардан ҳимоялаш;
- конфиденциал ахборотни ҳимоя қилиш зарурати.

Ушбу тизимлардан фойдаланиш автоматлаштирилган хужжат алмашинуви тизимиға эга бўлмаган ташкилотлар томонидан фойдаланилади. Улар шакллар билан ишлаш воситалари, электрон рақамли имзо (ЭРИ) ва ахборотларни ҳимоя қилиш воситалари билан тўлдирилган электрон почта

орқали айирбошлаш воситалари ёрдамида хужжатларни қабул қилишлари ва узатишлари мумкин. Хужжат алмашинуви бутунлай автоматлаштирилган ташкилотлар катта фойда ва меҳнат сифимини сезиларли камайтириши мумкин.

Калит сўзлар: Интернет-портал, ягона ойна тамойили, реквизитлар, европалик эксперплар, электрон ҳукумат салоҳияти.

Назорат учун саволлар

1. Интернет-портал ёрдамида қайси фуқаролар ва қандай қилиб давлат бошқарувида иштирок этиши мумкин?
2. Ахборот излаш ва олиш қандай юз беради?
3. Фуқаролар ва ташкилотларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари қандай ташкил этилади?
4. “Ягона ойна” тамойили нима?
5. Европалик эксперпларнинг фикрига кўра, электрон ҳукуматни жорий этишнинг асосий натижалари нималарни ўз ичига олади?
6. “Электрон ҳукумат” салоҳиятини келтиринг.
7. “Электрон ҳукумат” хизматларига нималар киради?
8. Электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитларини баён қилинг.
9. Давлат ҳокимияти ва бошқарви органларининг электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари қайси босқичларни ўз ичига олади?

10.2. Электрон ҳужжат алмашинуви тизимларини жорий этиш

стратегиялари

1. Бошқарув органларини барча бўғинлари иши узлуксизлигини ва узвийлигини таъминлашда ЭҲАТ. Электрон ҳужжат алмашинуви аста-секин аксарият маҳаллий компаниялар ва давлат идораларининг ҳаётига кириб бормоқда. Маълумки талаб таклифни келтириб чиқаради ва ҳозирги вактда Ўзбекистон бозорида маҳаллий, ҳамда хорижий кўплаб тизимлар намоён этилган.

Электрон ҳужжат алмашинуви бўйича қарорлар тизим ва технологияларга қилинган инвестицияларнинг максимал сақланишини ҳисобга

олган ҳолда бошқарув органларининг барча бўғинлари иши узлуксизлигини ва узвийлигини таъминлаб жорий этилиши лозим:

- электрон ҳужжат алмашинуви тизимини яратиш халқаро талаблар ва тавсиялар, таркиби, амалий имкониятлари ва интерфейсларга мос келувчи ҳужжатларни бошқариш тизими асосида амалга оширилиши лозим;
- ҳужжатлар билан ишлаш бўйича ишбилармонлик иловаларини амалга ошириш меъёрий услубий ҳужжатлар базасига асосланиши лозим;
- электрон ҳужжат алмашинуви тизими бир вақтда электрон ва қофоз ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаши лозим;
- электрон ҳужжат алмашинуви тизими ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни қондириши лозим;
- электрон ҳужжат алмашинуви электрон имзодан фойдаланишни қўллаб-қуввалashi лозим (ЭРИ);
- хорижда, Россияда, Ўзбекистонда электрон ҳужжат алмашинуви тизимини яратиш соҳасида олинган ишланма ва тажрибадан максимал даражада фойдаланиш.

Таъкидлаш жоизки, турли синфга тааллуқли электрон ҳужжат алмашинуви тизими мавжуд ва уларни ишлаб чиқиш билан кўплаб хорижлик ва маҳаллий компаниялар шуғулланади. Маҳаллий электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари ўртасидан қуидагиларни қайд этиш лозим: «Germes» (BaekTechnologies), «Fidodocflow» (FidoBiznes), «Docflow» (IntelligentSolutions).

UZINFOCOM Маркази томонидан ишлаб чиқилган Microsoft Office Share Point Server 2007 компаниянинг маҳсулоти базасида қўшма ишлаш учун корпоратив портал қарорларни ўз жорий этиш тажрибаси мавжуд.

2. ЭҲАТ жорий этишга ёндашувлар. Электрон ҳужжат алмашинуви тизимини жорий этишнинг турли ёндашувлари мавжуд: буюртма бўйича ишлаб чиқиш; маҳаллий тажрибани ҳисобга олган тайёр ЭҲАТ технологияларини татбиқ этиш; хорижий тажрибани ҳисобга олган тайёр ЭҲАТни татбиқ этиш. Электрон ҳужжат алмашинуви тизим келтирилган.

Буюртма бўйича ишлаб чиқиши. Буюртма асосида муайян ташкилотнинг масалаларини ҳал этувчи ЭҲАТни ишлаб чиқиши, бунда муайян ташкилотнинг талаб ва хусусиятларига максимал мослиқ ва ташқи ишлаб чиқувчилардан эркинлик таъминланади. Бироқ, функционаллиги, унумдорлиги ва барқарор ишлаши билан хорижлик нусхадошлари билан рақобатлаша олувчи сифатли ЭҲАТни ишлаб чиқиши кўп вақт сарфини (тегишли равишда молиявий харажатни) талаб этиши мумкин. Бунда муваффакият кафолатланмайди ва ишлаб чиқувчилар гуруҳининг субъектив қобилиятларига ўта боғлиқ, пировардида эса ўз мақсадларига эришмаслиги мумкин.

Асосий устунликлари: ишлаб чиқиши жараёнида олинган ЭҲАТ тегишли объектнинг хусусиятларини тўлиқ акс этади.

Асосий камчиликлари: нисбатан кўп меҳнат ва кўп ишлаб чиқиши муддатларини талаб этади; яратилган ЭҲАТнинг бекарор амал қилиши, яъни амалий ишончлиликнинг паст кўрсаткичи; ёмон модернизацияланганлик ва кузатувчанлик (барқарор амал қилиш вақти умуман белгиланган вақт талаб этади).

Тайёр ЭҲАТни жорий этиши. Тайёр ЭҲАТни жорий этиши имконияти ҳар қандай ташкилотда умумий ва бетакрор қирралари мавжудлиги билан боғлиқ. Қирра ва масалаларнинг умумийлигидан фойдаланиш тайёр ЭҲАТни муайян фойдаланувчининг шароити ва унинг вазифаларига боғлаш имконини беради.

Тайёр ЭҲАТ технологияларни жорий этиши моҳияти, тайёр технологиялар мавжуд бўлганда бу технологиялардан фойдаланилади, янгилари ишлаб чиқишига ҳаракат қилмасликдан иборат.

Муайян объектнинг хусусиятлари муайян татбиқ этиши шароитларига мувофиқ тайёр ЭҲАТ технологиялар модернизациясини (мослашувини) талаб этиши мумкин.

Усулнинг тавсифи. Тайёр ЭҲАТ технологияларни жорий этиш, умумий ҳолатда буюртмачининг талаблари таҳлилига, тайёр маҳсулот таклифига, буюртмачининг талабларига мослашиш, жорий этишни ўз ичига олади. Тайёр

технологиялар параметрларининг талаб этилганидан фарқли равища, улар муайян объектнинг шароитларига мослаштирилган бўлиши лозим.

Асосий устунликлари: буюртма бўйича ЭҲАТ технологияларни ишлаб чиқишига нисбатан жорий этиш харажатларини қисқартириш.

Асосий камчиликлари: тайёр ЭҲАТ технологиялар фойдаланилиши мумкин бўлган объектлар сони камроқ; тизимни ишлаб чиқувчиларнинг малака даражасига талаб юқори.

Маҳаллий тажриба. Тайёр ЭҲАТ технологияларини жорий этишнинг маҳаллий тажрибасидан фойдаланиш бозорда намоён этилган тайёр тижорат маҳсулотларини харид қилиш, буюртмачининг талабига қўра яратиш ва жорий этишдан иборат.

Бу йўл амалга оширишда тезкор ва оддий хисобланади, чукни маҳаллий бозорда бошқа мамлакатларнинг кўплаб ташкилотларида ишлаб чиқилган ва жорий этилган тайёр ЭҲАТ технологиялар таклиф этилиши мумкин. Одатда, бу маҳсулотлар барқарор ишлайди, ишлаб чиқувчи томонидан ишланган хужжат ва хизмат кўрсатиш сервисига эга.

Хорижий тажриба. Тайёр ЭҲАТ технологияларни жорий этишнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш буюртмачининг талабларини таҳлил қилиш, тайёр маҳсулотни харид қилиш буюртмачининг талабларига мослашиш, жорий этишдан иборат(12-жадвал).

12-жадвал

ЭҲАТни жорий этишга турли ёндашувларнинг кўрсаткичлари

| | Кўрсаткичлар | Буюртма бўйича ишлаб чиқиши | Тайёр технологияларни татбиқ этиш | |
|----|-------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| | | | Маҳаллий тажриба | Хорижий тажриба |
| 1. | Яратиш босқичлари | Буюртмачининг эҳтиёжлари таҳлили, лойиҳалаштириш, расмийлаштириш ва жорий этиш (ишлаб чиқувчилар ва буюртмачилар бажаради), кузатиш | Тайёр маҳсулот таклифи, буюртмачининг талабларига қўра яратиш ва жорий этиш | Буюртмачининг талаблари таҳлили, тайёр маҳсулот таклифи, буюртмачининг талабларига мослашиш, жорий этиш (ишлаб чиқувчи ва буюртмачилар бажаради) |

| | | | | |
|----|-------------------------------------------------------|--------------------------------------------------|----------------------------------------------------|------------------------------------------------|
| 2. | Яратиш вақти | Узок | Қисқа | Ўрта |
| 3. | Қиймати | Ўрта | Паст | Юқори |
| 4. | Ишлаб чиқувчи ва буюртмачининг муносабати | Бизнес –хамкорлик (буортмачининг ички бўлинмаси) | Ташқи ташкилотларни нг бир марталик етказиб бериши | Ташқи ташкилотнинг бир марталик етказиб бериши |
| 5. | Ишлаб чиқувчилари сони | Ягона | Кўплаб | Кўплаб |
| 6. | Ахборот технологиялари -ни бирлаштириш имкониятлари | Буюртмачининг талаблари асосида аниқланади | Мавжуд эмас | Буюртмачининг талаблари асосида аниқланади |
| 7. | Буюртмачининг талабларини мұфассаллаштириш | Юқори | Паст | Юқори |
| 8. | Ишлаб чиқувчининг модернизациялашга тайёрлик даражаси | Максимал | Паст | Юқори |
| 9. | Хатолар эҳтимоллиги | Юқори | Ўрта | Паст |

ЭҲАТни танлашда қуидаги муҳим лаҳзаларни ҳисобга олиш зарур:

- бозорда намоён этилган ЭҲАТнинг турли-туманлигини (ғарб сингари МДҲ мамлакатларининг ҳам);
- ЭҲАТни таъминотчи-компанияси ишончлилиги ва у таклиф этган етказиб бериш, татбиқ этиш ва кузатиш шартлари;
- белгиланган муддатларда ЭҲАТни корхонанинг хусусияти остида ишлаб чиқиш имконияти (қулай нарх шартлари).

Умумий ҳолатда ЭҲАТ таъминотчи- фирмасини танлашда қуидаги талабларни ҳисобга олиш зарур:

- фирма салоҳияти (бозорда танилганлиги, ўзининг доимий офиси борлиги, ЭҲАТни жорий этишнинг навбатдаги лойиҳасини амалга ошириш ҳисобига бозорда ўз имижини саклаб қолиши);
- фирманинг ҳажми, шартланган муддатларда жорий этиш лойиҳасини бажариш учун унда ресурслар етарлилиги;

- фирмада ЭҲАТни ишлаб чиқувчилар ва татбиқ этувчилар етарлича кўп ва барқарор жамоаси мавжудлиги;
- ўхшаш корхоналарда ЭҲАТни ишлаб чиқиш ва жорий этишда фирманинг тажрибаси (авваламбор, жорий этилган ЭҲАТни ишда кўриб чиқиш ва уларнинг фойдаланувчилари билан мулоқот қилиш имконияти);
- ишлаб чиқувчи-фирмада дастурлаштириш бўйича технология ва стандартлар, улар қандай расмийлаштирилган (қонунлаштирилган) ва қўллаб-куватланмоқда;
- жорий этувчи-фирмада жорий технология мавжудми, ва у расман қандай қўллаб-куватланади.

ЭҲАТни танлашда, давлат ташкилотлари ва муассасалари учун қўйидагилар хослигини назарда тутиш зарур:

- катта ҳудудий тарқоқлик (минтақавий тузилма);
- қўплаб босқичлар билан бошқаришнинг мураккаб иерархияси;
- юқори тезлиқдаги электрон коммуникациялар билан етарли бўлмаган таъминланганлиги;
- мавжуд ахборот технологияларини заиф стандартлаштириш;
- ходимлар консерватизми;
- заиф кадрлар таркиби.

Шу билан бирга бу ерда ЭҲАТга юқори талаблар маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишни чеклашга қўйилади.

3. Ўзбекистон бозорида намоён этилган электрон хужжат алмашинуви тизимлари тавсифи. Ўзбекистон бозорида электрон хужжат алмашинувининг қўйидаги тизимлари намоён этилган: *DocFlow (NCIPproject), Евфрат (ЧФ «Pro-Teknika»), NauDoc (DeterTechnologies), Documentum 5.0 (Documentum), Lotus Domino.doc.*

Ўзбекистон бозорида намоён этилган ЭҲАТ тестлашга кўра, деярли барча келтирилган тизимлар асосий позициялари бўйича ишлаб чиқилган талабларни қондиради ва уларнинг асосида давлат муассасалари учун электрон хужжат алмашинувининг ташкилот учун зарур функционалига эга. Бироқ ҳар бир тизим

ўзининг хусусиятлари, маълум фойдаланиш даражаси ва миқёсига йўналишга, қўшимча сервис имкониятларининг бирор-бир тарзда ривожланган тўпламига эга. Куйида тест вақтида аниқланган ҳамда янада мос ЭҲАТ ни танлашга ёрдам бериши мумкин бўлган ушбу тизимларнинг баъзи ўзига хос хусусиятлари баён этилади.

DocFlow (NCIPProject).Doc Flow тизими хужжат алмашинувини автоматлаштириш ва электрон хужжатлар архивини юритишга мўлжалланган. Doc Flow – бу иш юритиш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш даври: регистрация, резолъюция киритиш, ижрочиликарга жўнатиш, ижро тўғрисидаги ҳисоботлар, ижро назорати, архивга киритишдан иборат. Иш юритиш жараёнларига ҳамроҳ бўлган электрон файллар версиялари назоратини қўллаб-куватлаш. Ўзбек, рус, инглиз тилларига тўлиқ мос келиш бўйича тўлиқ матнли маълумот излаш.

Тест қилиш жараёнида *Doc Flow* баъзи ажralиб турувчи хусусиятлари аниқланган:

- 1) *Doc Flow* ажralиб турувчи хусусияти, тизим “қутили” маҳсулот ҳисобланмай, балки муайян буюртмалар остида ишлаб чиқилгандир. Шунинг учун жорий этишда ушбу ташкилотнинг хусусияти остида таъминотчи томонидан тизимнинг функцияларини қўшимча ишлаб чиқиш ва созлаш талаб этилиши мумкин.
- 2) Ҳужжатларнинг йўналишларини ташкил этиш ва моделлаштиришда хужжат алмашинуви тузилмасини созлашнинг зарур воситаларига эга.
- 3) Маълумотлар базасини бошқариш ва архивлаштириш МББТ Oracleга асосланган.

Евфрат (ЧФ «Pro-Teknika»).ЕВФРАТ – Cognitive Technologies (Cunei Form намуналарни англаш тизимини ўйлаб чиқиш) хужжат алмашинуви Россиянинг таниқли илмий-техник фирмалари ишланмаси ҳисобланади.

ЕВФРАТ – Ҳужжат алмашинуви ташкилотлари ҳужжатлари ва ахборот оқимларини бошқаришнинг тўлақонли тизимини тузиш имконини беради, шунингдек мулк сони ва шаклидан қатъи назар ҳар қандай компаниянинг

хужжат алмашувни муваффақиятли автоматлаштириш учун зарур воситаларни ўз ичига олади. Тизим кичик бўлим доирасида, масалан, канцелярияда, ахборот оқимларининг мураккаб схемали барча ташкилотлар доирасида ишлашга мўлжалланган.

ЕВФРАТ тизим – ҳужжат алмашинуви қўйидаги масалаларни ҳал этишида ёрдам беради:

- ижро интизомини яхшилаш, вазифаларнинг бажарилиш назоратини оптималлаштириш, ташкилий-тақсимлаш фаолиятини таҳлил қилиш ҳисобига бизнес-жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш;
- ишчилар иш вақтини харажатларини қисқартириш ва харажатли материалларга қўшимча харажатлар;
- корхонанинг ягона ахборот муҳитини яратиш;
- хужжатлар ҳисоби ва сақланишининг ишончлилигини таъминлаш;
- ахборотларнинг самарали ҳимоясини ташкил этиш.

ЕВФРАТ тизими – ҳужжат алмашинуви қўйидаги имкониятларни беради:

1. Ягона маълумотлар базасида хужжатларни бир зумда излаш, сақлаш, рўйхатга олиш.
2. Топшириқларни бажариш назоратини ташкил этиш.
3. Турли журнал ва ҳисботларни шакллантириш.

Хужжатлар билан ишлашнинг конфиденциаллигини таъминлаш учун барча ходимларга ташкилотда уларнинг лавозим мажбуриятлари ва статусига мувофиқ фойдаланиш ҳуқуqlари берилади. Тизимда фойдаланувчилик ролини шакллантириш ва уларни муайян ижро чилар ўрнига кўрсатиш мумкин, бу эса бир ходимни бошқаси билан вақтинчалик ёки доимий алмаштириш тартибида ишни ташкил этиш имконини беради.

Хужжатларни келиштиришда ЭРИ криптографик шифрлаш ва татбиқ этиш, фойдаланувчилар ҳаракатини хужжатлаштириш санкциялаштирилмаган (руксат берилмаган) кириш эҳтимоллигини бутунлай истисно қиласди.

Хужжатларни излаш нафақат регистрация карточкаси майдонларидан исталгани бўйича, балки карточкага биритирилган файлларнинг матни бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ижро назорати тизими ташкилотда хужжатнинг ўтиш тартибини тўлиқ тиклаш имконини беради. Бу парралель (бир неча изланувчиларга эга) ва изчили (бир вақтда эмас, балки кетма-кет бажарилувчи) топшириқлар, шунингдек масъул ижрочи чиқарувчи кичик топшириқларни яратиш ҳисобига эришилади.

4. Электрон-рақамли имзо. Умумий қоидалар. Ишбилармонлик хатларини юритишда, шартномалар тузишда масъул шахснинг имзоси бир неча мақсадни кўзловчи хужжатнинг бевосита атрибути ҳисобланади:

- мавжуд намуна билан имзони солишириш орқали хатнинг ҳақиқийлигини кафолатлаш;
- хужжатнинг муаллифлигини кафолатлаш (юридик нуқтаи назардан).
- Ушбу талабларни бажариш имзонинг қўйидаги хусусиятларига асосланади:
 - имзо аутентик, яъни унинг ёрдамида хужжат олувчига у имзо қўювчига тегишлилигини исботлаш мумкин;
 - имзо қалбаки эмас; яъни хужжатда афтографи бўлган кишигина ушбу хужжатга имзо қўйиши мумкинлиги исбот ҳисобланади;
 - имзо қўчирилмайди, яъни хужжатнинг бир қисми ҳисобланади ва шунинг учун уни бошқа хужжатга қўчириш иложи йўқ;
 - имзоли хужжат ўзгармас ҳисобланади;
 - имзо шак-шубҳасиз.
- имзо намунасига эга бўлган ҳар қандай киши хужжат имзо эгаси томонидан имзоланганига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Қоғозсиз хужжат алмашинувининг замонавий воситаларини, электрон тўлов воситаларини ривожлантиришни хужжатнинг ҳақиқийлиги ва яхлитлигини ривожлантирмай тасаввур қилиб бўлмайди. Оддий имзонинг асосий хусусиятларини сақлаб қолувчи электрон-рақамли имзо (ЭРИ) шундай восита ҳисобланади.

Электрон-рақамли имзо ёпиқ ЭРИ фойдаланган ҳолда ушбу электрон хужжатнинг маълумотларини махсус ўзгартириш натижасида ва очиқ калит ёрдамида электрон хужжатда ахборот бузилмаслиги ўрнатиш ва ЭРИ ёпиқ калити эгасини индентификациялаш имконини берувчи имзо ҳисобланади.

Шундай қилиб, ЭРИ электрон хужжатни имзолаган шахсларга исталган хужжатларни имзолаш ва тасдиқлаш имконини беради.

ЭРИ шакллантириш ва текшириш дастурий восита ёрдамида амалга оширилади, яъни ЭРИ воситаси.

Электрон хужжатни жўнатиш учун қуидаги хужжатлардан фойдаланилади:

- оддий электрон почта;
- электрон хужжат алмашинуви тизимлари.

ЭРИ тузишнинг бир қанча усувлари мавжуд, айнан:

- симметрик алгоритмлар асосида электрон хужжатни шифрлаш. Ушбу схема учинчи шахс тизимида – иккинчи томоннинг ишончидан фойдаланувчи атрибут мавжуд бўлишини кўзда тутади. ЭРИ шифрлаш далилининг ўзи ушбу схемада хужжатни авторизацияси сирли калит ва унинг атрибутини узатиш ҳисобланади.

- ассиметрик алгоритмларни шифрлаштиришдан фойдаланиш. Хужжатни имзолаш далили жўнатувчининг сирли калитда шифрлаш ҳисобланади.

- аввалги ғояларни ривожлантириш ЭРИ кенг тарқалган схемасига айланди – ассиметрик алгоритм ёрдамида хеш-функция ёрдамида ЭРИ қайта ишлашнинг якуний натижасини шифрлаш.

Санаб ўтилганлардан ташқари, ЭРИ схемасини қуришнинг бошқа усувлари ҳам мавжуд: гурухий имзо, эътиrozсиз имзо, ишончли имзо. Ушбу хилма-хилликнинг пайдо бўлиши электрон хужжатларни узатиш ва қайта ишлаш электрон технологиялари ёрдамида ҳал этилувчи масалаларнинг хилма-хиллиги билан ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасида электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш учун қўйидагилар қўлланилади:

- халқаро стандарт RSAEncryptionSHA 1;
- миллий стандарт O`zDST 1092:2005 «ЭРИ шакллантириш ва текшириш жараёнлари;
- миллий O`zDST 1092:2005 алгоритмни амалга оширувчи ЭРИ воситаси сифатида миллий криптопровайдер.

Халқаро RSAEncryptionSHA 1 стандарт асимметрик шифрлаш алгоритмларига асосланган ахборотларни қайта ишлашнинг криптографик усуллари киради.

5. Асимметрик шифрлаш алгоритмлари. Криптографик баённомалар асосий турларини ривожлантиришни (калитли айирбошлиш, электрон-рақамли имзо (ЭРИ), аутентификация ва б.) очиқ калитлар ва улар асосида асимметрик шифрлаш баённомаларини яратмай амалга ошириб бўлмайди.

Асимметрик крипто алгоритмларнинг асосий ғояси, хабарни шифрлаш учун битта калитдан, шифрдан чиқаришда эса бошқасидан фойдаланишидан иборат. Шундай қилиб, сирли калитлар билан айирбошлиш масаласини ҳал этиш заруратидан қутиладилар.

Умуман, асимметрик шифрлашдан фойдаланишда ёзишмалар тизими қўйидаги кўринишга эга бўлади. Ёзувларни амалга оширувчи N абонентлардан ҳар бири учун ўз калитлар жуфти танланган: "очиқ" E_j ва "ёпиқ" D_j , бунда j – абонентнинг рақами. Барча очиқ калитлар тармоқнинг барча фойдаланувчилари учун таниш, ҳар бир ёпиқ калит, аксинча, у тегишли бўлган абонентда сақланади. Агар 7-рақамли абонент 9-рақамли абонентга бермоқчи бўлса, у маълумотларни E_9 калити билан шифрлайди ва унинг 9-абонентига жўнатади. Тармоқнинг барча фойдаланувчилари E_9 калитини билиши ва шифрланган жўнатма кетувчи каналга кириш имконига эгалигига қарамай, улар дастлабки матнни ўқий олмайди, чунки шифрлаш тартиботи очиқ калит бўйича алмашмайди.

6. Электрон ҳужжат алмашув тизимлари истиқболлари. Ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан электрон ҳужжат алмашинуви тизимларини жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш жараёнларининг самарадорлигини сезиларли тарзда ошириш ҳисобига ахборотлашган жамиятга ўтишига реал ижтимоий-иктисодий ва маданий шартшароитлар яратишдан иборат.

Маълумки, бошқарув ишбилиармонлик жараёнларининг 90-95 % и бирор-бир кўринишда ҳужжатлар билан узвий боғлиқ. Ҳужжатларни ижро учун зарур мутахассисларга жўнатилишини самаралироқ, келишилган ҳолда, йўналтириш учун ҳужжат алмашинуви тизими зарур бўлади. Мантиқа зид бўлмаган ҳолда, компьютерлаштириш даврида аксарият компаниялардаги компьютерлар ҳозирга қадар “ёзув машинкаси” вазифасини бажариб келмоқда, электрон шаклда терилган ҳужжатлар эса фақатгина чоп этилгандан сўнг амалга киритилмоқда. Масалан, банкка тўлов қайдномаларини бир лаҳзада жўнатиш одат тусига кирди.

Лекин аксарият ҳужжатлар билан бундай ҳолат бироқ сустроқ кузатилмоқда. Ҳужжатни бошқа ташкилотга жўнатиш ёки архивга қўйиш учун уни дастлаб тўғри расмийлаштириш ва чоп этиш зарур бўлади. Маълум нусхалар сонини чоп этиш ва жўнатиш вақт ва моддий харажатларни: улар нусха кўпайтириш техникасини, поча хизматининг тегишли талабларига қўра расмийлаштирилган конвертлар харид қилишни талаб этади. Почта орқали хатни олган контрагент, қўл меҳнати билан ҳужжатларга реквизитлар қўйиши, қоғоз нусхаларини сканерлашга мажбур бўлади.

Бунда электрон ҳужжатлар қоғоз шаклидаги ҳужжатларга нисбатан анча тезроқ ва самаралироқ манзилга етказилиши, уларни назорат қилиш ва излаш осонлиги, улар компакт шаклида сақланиши ҳамда шахсий маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаши муқаррар.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида нафакат сақланиб қолиш, балки ривожланишни мақсад қилган ташкилотлар буларга фақатгина ишни ташкил этишнинг энг самарали технологияларидан фойдаланган ҳолда

эришиш мумкинлигини англашлари лозим. Таянч технологиялардан бири — электрон ҳужжат алмашинуви бўлиб, унинг ёрдамида ташкилот ичида, ташкилотлараро, тартиба солувчилар, таъминотчи ва истеъмолчилар, мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнини самарали ташкил этиш мумкин. Бунда ЭҲАТкатта талабга эга восита ҳисобланади, шу билан бирга иқтисодий бекарорлик шароитида ва бюджетни тежашда корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун жуда зарур.

Хозиги кунда ЭҲАТнинг заруратга айланаётганини деярли ҳамма англаб етди. Бу эса бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш, қоғоз харажатларини қисқартириш, қимматли майдонни тежаш, персоналнинг тобелигини қисқартириш, тартиб-интизомни яхшилаш, янги ходимларнинг мослашиш тезлигини ошириш имконини беради.

Электрон ҳужжатларни сақлаш, излаш, жўнатиш жуда осондир, бу жараёнлар давомида хеч қандай ҳужжат йўқолмайди. Ҳужжат алмашинуви — бошқарув самарадорлигини оширувчи ресурсларни тежовчи технология, бу эса инқироз даврида жуда муҳимдир.

Илгари ЭҲАТнинг дастлабки буюртмачилари жуда мураккаб таркибга эга ва ҳужжатлар билан ишловчи ва қоғоз шаклидаги мураккаб ҳужжат алмашинувидан ҳориган жуда кўп сонли ходимларга эга йирик корхоналар бўлди. Ҳозир эса кўплаб ташкилотларга татбиқ этилаётган оммавий буюртмачи нуқтаи назаридан ҳозирги воқеликларни хисобга олувчи маҳсулотлар рақобатбардош бўлиб бормоқда. Рақобат устунлиги сифатида ҳужжат алмашинуви ҳозирда нафақат йирик ва катта компанияларга, балки манфаатлари баъзан кирий буюртмачилар билан мос келмайдиган кичик ва ўрта компанияларга ҳам керак.

Кичик компаниялар учун, масалан мураккаб қоғозбозлик қоидалари бўлмаслиги, офис маҳсулотлари билан бирлаштиришнинг кенг имкониятлари, тизимнинг соддароқ ва ўрнатилиши ва созланиши муҳимдир. Ҳужжатлар билан ишлаш функциялари бирор сервис кўринишидаги исталган иловадан олиш учун қулай бўлиши лозим.

Ташкилотнинг иқтисодий ўсиш даврида қўшимча харажатларга эътибор қаратишмаган. Аксарият ташкилотлар ЭҲАТни ўрнатмаганлар, кўпчилиги қиммат ишланмалардан фойдаланганлар, бунда қоғоз шаклида ҳужжат алмашув усулини ҳам сақлаб қолганлар. Ҳозирги кунда ЭҲАТни танлаш харажатлар ва самарадорлик нисбати нуқтаи назаридан янада оқилона бўлиши лозим.

ЭҲАТни танлаш эса ҳақиқатда мураккабдир — бугунги кунда мазкур масалада тизимнинг унификацияланиш ва нусхалаштиришга йўналтириш лозим. Илгари аксарият ташкилотлар ўзининг қимматли индивидуал тизимларни ишлаб чиқиш билан банд бўлганлар, бу қўшимча харажат, хизмат кўрсатиш харажатларини кўпайтиришни келтириб чиқарди. ЭҲАТ айнан намунавий бўлиши лозим. Бу харажатларни сезиларли қисқартиради ва жорий этиш тезлигини қисқартиради. Бу иш юритишнинг ягона қоидаларини, тизим тўғрисидаги низомлар, тизимни ташкил этишга техник талабларни ишлаб чиқишини қўзда тутади. Мамлакатда ягона ҳужжатлаштириш мұхитини яратиш учун шарт-шароитлар пайдо бўла бошлайди.

Ҳужжат алмашинуви — бу мамлакатнинг ишбилармонлик маданияти, уни бир лаҳзада алмаштиришнинг иложи йўқ, лекин бугунги кунда электрон ҳужжат алмашинуви тизимини яратиш учун барча шароитлар мавжуд. Қоғоздан электрон ҳужжатларга бутунлай ўтиш яқин йилларда амалга ошади, гарчи бунга ҳали баъзилар ишонч ҳосил қилмаган бўлса-да. Идоралароро ҳужжат алмашинувини ривожлантириш жараёнлари фаоллаштирилаётганлиги ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бу ғоя қисман амалга оширилганда, ҳеч бир компания ЭҲАТсиз амал қила олмайди.

Таъкидлаш жоизки, биз ҳозирги кунда қоғоз-электрон ҳужжат алмашинуви даврида яшамоқдамиз. Қоғоз йўқ бўлмади ва келгусида ҳам ҳам ўз кучини йўқотмайди, буни нафақат анъаналар, балки аввалдан машҳур бўлган қулайликларни ҳам аниқ англаш лозим, лекин вақт ўз ҳукмини ўтказди.

Ўзбекистон учун ўз тажрибалари ва ҳужжатларни қайта ишлашга оид миллий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда электрон ҳужжат алмашинуви

тизимини жорий этиш бўйича жаҳон, хусусан Россия тажрибасидан фойдаланиш муҳимдир.

Калит сўзлар: DocFlow (NCIProject), Евфрат (ЧФ «Pro-Texnika»), NauDoc (DeterTechnologies), Documentum 5.0 (Documentum), Lotus Domino.doc.

Назорат учун саволлар

1. Электрон ҳужжат алмашинуви бўйича қарорлар тизим ва технологияларга қилинган инвестицияларнинг... Саволни давом эттириб жавоб беринг?
2. Таъкидлаш жоизки, турли синфга тааллуқли электрон ҳужжат алмашинуви тизими мавжуд ва уларни ишлаб чиқиш билан қўплаб хорижлик ва маҳаллий компаниялар шуғулланади. Булар қайси компаниялар?
3. Буюртма бўйича ишлаб чиқиш деганда нима назарда тутилади?
4. Тайёр ЭҲАТ технологияларни жорий этиш моҳияти нималардан иборат?
5. ЭҲАТни жорий этишга турли ёндашувларнинг кўрсаткичлари тўғрисида маълумот беринг.
6. ТайёрЭҲАТ технологияларни жорий этишнинг хориж тажрибаси нимадан иборат?
7. ЭҲАТни танлашда қайси муҳим талабларни ҳисобга олиш зарур?
8. ЭҲАТни танлашда, давлат ташкилотлари ва муассасалари учун қайси хосликни назарда тутиш зарур?
9. Ўзбекистон бозорида электрон ҳужжат алмашинувининг қайси тизимлари намоён этилган?
10. ЕВФРАТ тизими – ҳужжат алмашув қайси имкониятларни беради?
11. Электрон-ракамли имзони тушунтириб беринг.
12. Ёпик ЭРИ фойдаланган ҳолда ушбу электрон ҳужжатнинг маълумотларини қандай ўзгартириш лозим?
13. Электрон ҳужжатни жўнатиш учун қайси ҳужжатлардан фойдаланилади?
14. Ассимметрик шифрлаш баённомаларини яратиш нима учун керак?

ХУЛОСА

Давлат – жамиятни ахборот даврига ўтиши даврида асосий даъватчилиридан бири ҳисобланади. Ҳақиқатдан хукуматда ўзгариш жараёнларига таъсир кўрсатиш учун кенг имконият мавжуд. Ахборот жамияти кўпчилик ташкилотларни “Электрон концепция”сини қабул қилишни тақозо этмоқда. Улар аҳолига интеграллашган электрон кўринишда хизмат кўрсатиш имкониятларини излайди, ахборот таъминоти тенгсизлигини бартараф этади, бутун ҳаёт мабойнида билим олишни таъминлайди, мижозлар билан ўзаро муносабатларни такомиллаштиради, иқтисодни ривожлантиради, кўпчилик инсонлар иштироқида бошқариш шаклларини яратиш, мақсадга мувофиқ меъёра қоидаларини белгилайди.

Охир оқибатда давлат хизматларини автоматлаштириш оралиқ звеноларсиз “тўғри демократияга” олиб келади.

Ташкилотларнинг Интернетга чиқишиларини бошланиши билан “Электрон ҳукуматга” ўтиш жараёни бошланади, бу ўз навбатида давлат хизматларини аҳамиятини ва тузилмасини янгидан шакллантиришни тақозо этади. Фуқаро “рулда” бўлади, давлат хизмати ва маълумотлар керакли вақтда, керакли жойда, керакли кўринишда аҳоли хоҳлаган ҳолда тақдим этилади. Муваффақиятли жорий этилган электрон давлат хизматлари очик, умумий мурожаатга эга, фойдаланувчига қаратилган, интеграллашган ва давлат ва ҳусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлик тамойилларига асослаган бўлади. Улар фақат Интернетга уланган фуқароларнинигина жалб қилмай, балки тармоққа Интернет билан таниш бўлмаганларни ҳам жалб қилиши мумкин.

Бу мақсадга эришиш учун – ҳусусий корхоналар ва фуқароларга қўшимча хизматлар кўрсатиш лозим.

Тўлиқ маънода, “электрон ҳукумат” – бу инфратузилма ҳисобланиб, бугунги кунда давлат органлари томонидан ўзининг вазифаларини янги усулда бажаришга ўтиш учун яратилмоқда. Улар IT-воситаларининг уч туридан – инфратузилма, вертикал ечимлар ва мурожаат этувчи турли манзиллар, яъни жамоат порталларидан таркиб топган.

Давлат хизматларига мурожаат бўлган тармоқ дунёдаги жисмоний шахслар учун яратилган бўлиб, бу виртуал дунёда аҳолининг давлат ташкилотлари билан ўзаро алоқаларининг энг мукаммал усули ҳисобланади.

Интернетда аҳоли учун хизмат кўрсатишнинг воситаси сифатида давлат веб-сайтлари, электрон магазин ёки MSN кўринишидаги жамоат порталларидан фойдаланиш мумкин.

Давлатнинг асосий эътибори ўз фуқароларига мумкин қадар кўп сонли провайдер хизматлари йўлларини тақдим этишга қаратилган. Жамоат порталлари бир кунда ўзига, давлат веб-сайтига бир ойда ёки бир йилда мурожаат этувчилар сонига тенг миқдордаги аҳолини жалб этиши мумкин.

Интернетда давлат хизматининг самарали тармоғини яратиш иш бажариш жараённида мижозлар, провайдер хизматлари ва давлат ташкилотлари билан боғланувчи жамоат порталлари ўртасида техник интеграллашувни талаб этади.

Тармоқнинг турли иштирокчилари ўзаро эксклюзив шартномалар тузмайдилар, аксинча, керакли умуммурожаат муносабатлар интеграциясини таъминлаш учун ҳар бир иштирокчи қабул қилинган хизмат кўрсатишнинг тижорат-қоидалари ва очик ва стандарт техник талаблар асосида фаолият юритади.

Интернет орқали тижорат-модели жараёнларини амалга ошириш эксклюзив бўлмаса-да, давлат хизматлари мижозлар билан ўзаро боғланишининг иш фаолиятини ва аҳоли учун кўрсатилаётган хизматнинг юқори сифатини таъминлаши зарур.

Ахборотлаштириш жараёнлари ўз табиатига кўра жамиятни демократлашувига олиб келиши ва давлат халқ учун ёки халқ давлат учун масалаларини ечиши лозим. “Давлат-жамият” тизими ахборот алмашув шароитида ва ахброт коммуникация технологиялари ёрдамида маҳаллий ҳокимият фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш имконияти демократияни ривожланишига олиб келади. Бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлари ва худудий хусусиятларни инобатга олган меъёрий-хуқуқий базани яратиш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мүмкинки, “Электрон ҳукумат” шаклланиши ва тармоқда таркиб топиши, давлат ва худудий тузилмалар, давлат органлари ва фуқаролар, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, тижорат тузилмалари ўртасидаги муносабатларни юзага келтирди. Лекин реал вақт мабойнида бажариладиган ишларни Интернет жараёнларига қўчириш халқ томонидан тўлиқ тушуниб етилмаган. Шунинг учун “Электрон ҳукумат” дастурини оммавий ахборот воситалари орқали ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари орқали оммавийлаштириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. System analysis and design. Publisher: John Wiley & Sons, Inc., 2015, p.594.
2. Ralph M. Stair, George W. Reynolds. Principles of Information Systems. 2016 Course Technology, Cengage Learning, 705 p.
3. Электронное правительство. Электронный документ оборот. Термины и определения. Учебное пособие./Кабашев С.-М.: -Инфра-М., 2015.-320с.
4. Мусалиев А.А., Бегалов Б.А., Мохова Е.А.. Системы электронного документооборота. монография. Ташкент: ТГЭУ. 2009.-128с.
5. Зайнидинов Х.Н., Қорабоев Ж.Ф., Артикова М.А., Садуллаев С.С. «Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш муаммолари”, Интеллект-ифо Илмий-амалий журнал, Тошкент, 2013, № 3-4, 13-19 бет.
6. Фуломов С.С., Бегалов Б.А. Информатика ва ахборот технологиялари. Дарслик Т: 2010 йил.
7. Автоматизированные информационные технологии в экономике: Учебник/Под ред. Проф. Г.А. Титоренко. – М.: ЮНИТИ, 2006. – 399с.
8. Балдин К. В. Информационные системы в экономике: Учебник. – 3-е изд. – М.: Издательство – торговая корпорация «Дашков и К°» 2006. – 395 с.
9. Гаврилов М.В. Информатика информационные технологии: Учебник для студентов вузов. - М.: Гардарики, 2006. - 655 с.
10. Раҳматуллаев М.А., Каримов У.Ф., Мухаммадиев А.Ш., Атаджанов Ж.А. Корпоратив ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими (КАРМАТ). – Т.: А.Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008.–36 б.
11. Арам Пахчанян. Внедрение систем электронного документооборота: проблемы и решения // <http://www.iteam.ru>.
12. Александр Глинских. Мировой рынок систем электронного документооборота // <http://www.iteam.ru>.
13. Зайнидинов Х.Н., Қорабоев Ж.Ф. «Интранет ўқув курслари контентини бошқарувчи тизим». ЭҲМ учун дастур. DGU 02689. Республикаси Интеллектуал мулк Агентлиги, 14.01.2013 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.- 40 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Конуни. - Т. 2015.
- 3.“Электрон ҳужжат айланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. № 611-II от 29 апрел 2004 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни. //Халқ сўзи. 11 февраль, 2004 й.

5. “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Халқ сўзи. 21 май, 2004 й.
6. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони.// Халқ сўзи. 6 июн, 2002 й.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни 11.12.2003 йил.
8. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. № 562-II от 11 декабрь 2003 й.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. - Т. 1997 й.
10. Ўзбекистон Республикасининг: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонуни. - Т. 1997й.
11. Мирзиёев Ш.М. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури. //Халқ сўзи.,2017й, 7 февраль
12. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -56 б.
13. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-104 б.
14. Eric J. Braude, Michael E. Bernstein. Software engineering: modern approaches - second edition. - Waveland Press, Inc. 2016. – 783 р.
15. Гулямов С.С., Романов А.Н., Алимов Р.Х. и др. Дистанционное экономическое образование –Т.: Шарқ, 2004.-432с.
16. Максимова О.В., Невзорова В.И. Информационные технологии для экономистов: Учеб. пособ. - Ростов н/Д: Феникс, 2004. – 416 с.
17. Арам Пахчанян. Внедрение систем электронного документооборота: проблемы и решения // <http://www.iteam.ru>.
18. Александр Глинских. Мировой рынок систем электронного документооборота // <http://www.iteam.ru>.
19. Сибирская Е.В., Старцева О. А. Электронная коммерция. Учебное пособие. – М.: ФОРУМ, 2008. – 288 стр.

Интернет сайтлари

1. [ww.gov.uz](http://www.gov.uz) - Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.

2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. www.itounil.gov.uz - Компьютерлаштиришни ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси мувофиқлаштирувчи Кенгашининг сайти.
4. www.unitech.uz - Ўзбекистондаги телекоммуникация хизмати.
5. www.bilimdon.uz - Ўзбекистоннинг фан ва таълим портали.
6. wwwilm.uz - Ўзбекистоннинг йирик миллий ўқув-ахборот портали.
7. www.cer.uz - Ўзбекистан Республикасининг иқтисодий тадқиқотлар маркази.
8. www.mineconomu.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.
9. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлигининг сайти.
10. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.
11. www.search.re.uz - Ўзбекистоннинг ахборотларни излаб топиш тизими.
12. www.edu.uz - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги портали.
13. www.ziyonet.uz - Таълим портали.
14. **Ошибкa! Недопустимый объект гиперссылки..**

МУНДАРИЖА

| | | |
|-----------|----------------------------------------------------------------------------------|-----|
| КИРИШ | 3 | |
| I боб. | АХБОРОТ ВА КОРПОРАТИВ ҲУЖЖАТЛАР ОҚИМИ | 6 |
| 1.1. | Корхонада ҳужжат алмашинуви | 6 |
| 1.2. | Умумий статистик маълумотлар | 7 |
| 1.3. | Корпоратив ҳужжатлар салмоғи | 9 |
| 1.4 | Электрон ҳукумат мақоми | 12 |
| II боб. | ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИ | 14 |
| 2.1 | Электрон ахборот ресурслари | 14 |
| 2.2. | Ҳужжатлаштириш тизимини такомиллаштириш йўллари | 22 |
| III боб. | ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ | 31 |
| 3.1. | ЭҲАТнинг асосий хусусиятлари | 31 |
| 3.2. | Электрон ҳужжат алмашинуви жараёни | 41 |
| IV боб. | ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИ | 52 |
| 4.1. | Электрон ҳужжат алмашинуви тизимларини таснифи | 52 |
| 4.2. | ERP ва ЕСМ-тизимлар | 62 |
| V боб. | ЭҲАТ БОЗОРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ | 71 |
| 5.1. | Жаҳон ЭҲАТ бозори | 71 |
| 5.2. | Жаҳон иқтисодиётининг турли тармоқларида ЭҲАТнинг қўлланиши | 81 |
| VI боб. | ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАНЛАШ | 90 |
| 6.1. | ЭҲАТни қийматини ҳисоблаш | 90 |
| 6.2. | ЭҲАТни танлашда буюртмачининг нуқтаи назари | 97 |
| VII. | ЭҲАТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЖИҲАТЛАРИ | 110 |
| 7.1. | ЭҲАТни жорий этиш методологияси | 110 |
| 7.2. | Электрон ҳужжат алмашинуви тизимларини жорий етишдаги муаммо ва ечимлар | 119 |
| 7.3. | Корхоналар ва улар фаолияти турларининг ўзига хослиги | 128 |
| VIII боб. | ИҚТИСОДИЁТ БОЗОРИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ | 139 |
| 8.1. | ЭҲАТда критериялар мос инвестициялар киритиш | 139 |
| 8.2. | ЭҲАТ самарадорлигини миқдорий баҳолаш | 147 |
| IX боб | ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИ | 157 |
| 9.1. | Электрон ҳукуматни тузиш мақсади ва тамойиллари | 157 |
| 9.2. | ЭҲАТ негизида Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш | 169 |

| | | |
|---------------|---------------------------------------------------------------------------|------------|
| X боб. | ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ | 176 |
| | ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | |
| 10.1. | Давлат бошқаруви тизими самарадорлигининг таркибий қисмлари | 176 |
| 10.2. | Электрон ҳужжат алмашинуви тизимларини жорий этиш стратегиялари ХУЛОСА | 191 |
| | ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 196 |
| | | 199 |

СОДЕРЖАНИЕ

| | | |
|--------------------|--------------------------------------------------------------------------------|------------|
| | ВВЕДЕНИЕ | 3 |
| ГЛАВА I. | ИНФОРМАЦИЯ И ПОТОК КОРПОРАТИВНЫХ ДОКУМЕНТОВ | 6 |
| 1.1. | Документоборот в предпритии | 6 |
| 1.2. | Общие статические данные | 7 |
| 1.3. | Вес корпоративных документов | 9 |
| 1.4 | Статус электронного государства | 12 |
| ГЛАВА II. | КОНЦЕПЦИЯ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОННОГО ДОКУМЕНТОБОРОТА | 14 |
| 2.1 | Электронные информационные ресурсы | 14 |
| 2.2. | Пути совершенствования системы документирования | 22 |
| ГЛАВА III. | ТЕХНОЛОГИЯ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОННОГО ДОКУМЕНТОБОРОТА | 31 |
| 3.1. | Основные свойства СЭД | 31 |
| 3.2. | Процесс электронного документоборота | 41 |
| ГЛАВА IV. | СОВРЕМЕННЫЕ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОННОГО ДОКУМЕНТОБОРОТА | 52 |
| 4.1. | Классификация систем электронного документоборота | 52 |
| 4.2. | Системы ERP и ЕСМ | 62 |
| ГЛАВА V. | АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ РЫНКА СЭД | 71 |
| 5.1. | Мировой рынок СЭД | 71 |
| 5.2. | Применение СЭД в различных сферах экономики мира | 81 |
| ГЛАВА VI. | ОЦЕНКА И ВЫБОР СИСТЕМ ЭЛЕКТРОННОГО ДОКУМЕНТОБОРОТА | 90 |
| 6.1. | Вычисление стоимости СЭД | 90 |
| 6.2. | Точка зрения заказчика при выборе СЭД | 97 |
| ГЛАВА VII. | ОСОБЕННОСТИ ВНЕДРЕНИЯ СЭД | 110 |
| 7.1. | Методология внедрения СЭД | 110 |
| 7.2. | Проблемы внедрения и решения систем электронного документоборота | 119 |
| 7.3. | Особенности предприятий и их различных функций | 128 |
| ГЛАВА VIII. | ЭФФЕКТИВНОСТЬ СИСТЕМ ЭЛЕКТРОННОГО ДОКУМЕНТОБОРОТА В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РЫНКЕ | 139 |
| 8.1. | Ввод инвестиций в соответствии критериям СЭД | 139 |
| 8.2. | Количественная оценка эффективности СЭД | 147 |
| ГЛАВА IX. | СИСТЕМ ЭЛЕКТРОННОГО ДОКУМЕНТОБОРОТА В ГОСУДАРСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ | 157 |
| 9.1. | Цели и принципы создания электронного государства | 157 |

| | | |
|-----------------|------------------------------------------------------------------|------------|
| 9.2. | Совершенствование системы управления государства на основе СЭД | 169 |
| ГЛАВА X. | ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СИСТЕМ ЭЛЕКТРОННОГО ДОКУМЕНТОБОРОТА | 176 |
| 10.1. | Составные части эффективности систем государственного управления | 176 |
| 10.2. | Стратегии внедрения систем электронного документоборота | 191 |
| | ЗАКЛЮЧЕНИЕ | 196 |
| | ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА | 199 |

CONTENT

| | |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| INTRODUCTION | 3 |
| I. INFORMATION AND FLOWS OF CORPORATE DOCUMENTS | 6 |
| 1.1. Workflow in the enterprise | 6 |
| 1.2. General statistics | 7 |
| 1.3. Place and role of corporate documents | 9 |
| 1.4. E-state status | 12 |
| II. CONCEPT OF THE ELECTRONIC DOCUMENT SYSTEM | 14 |
| 2.1. Electronic Information Resources | 14 |
| 2.2. Ways to improve the documentation system | 22 |
| III. TECHNOLOGY OF ELECTRONIC DOCUMENT TURNING SYSTEM | 31 |
| 3.1. The main properties of the EDMS | 31 |
| 3.2. Electronic Document Process | 41 |
| IV. MODERN ELECTRONIC DOCUMENT CIRCULATION SYSTEMS | 52 |
| 4.1. Classification of electronic document management systems | 52 |
| 4.2. ERP and ECM systems | 62 |
| V. ANALYSIS OF THE MODERN STATE OF THE EDS MARKET | 71 |
| 5.1. World Market EDMS | 71 |
| 5.2. Application of EDMS in various areas of the world economy | 81 |
| VI. EVALUATION AND SELECTION OF ELECTRONIC DOCUMENT TRANSFER SYSTEMS | 90 |
| 6.1. Calculating the cost of EDMS | 90 |
| 6.2. The point of view of the customer when choosing the EDMS | 97 |
| VII. FEATURES OF IMPLEMENTATION OF EDMS | 110 |
| 7.1. Methodology for the introduction of EDMS | 110 |
| 7.2. Problems of implementation of electronic document management systems and their solutions | 119 |
| 7.3. Features of enterprises and their various functions | 128 |
| VIII. EFFICIENCY OF ELECTRONIC DOCUMENT TRANSFORM SYSTEMS ON THE ECONOMIC MARKET | 139 |
| 8.1. Entering investment in accordance with the criteria of EDMS | 139 |
| 8.2. Quantitative assessment of the effectiveness of the EDMS | 147 |
| IX. SYSTEMS OF ELECTRONIC DOCUMENT CIRCULATION IN PUBLIC ADMINISTRATION | 157 |
| 9.1. Objectives and principles of creating an electronic state | 157 |
| 9.2. Improving the state management system based on the EDMS | 169 |

| | | |
|-------|-----------------------------------------------------------------------------|-----|
| X. | PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF ELECTRONIC DOCUMENT TRANSFER SYSTEMS | 176 |
| 10.1. | Components of public administration effectiveness | 176 |
| 10.2. | Strategies for the implementation of electronic document management systems | 191 |
| | CONCLUSION | 196 |
| | LITERATURE | 199 |

Абидов Абдужаббор Абдухамидович,
Власова Наталья Юрьевна,
Жуковская Ирина Евгеньевна,
Собиров Абдурасул Абдугаффарович

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМЛАРИ
Ўқув қўлланма

IQTISODIYOT – 2019

Mуҳаррир

Вахабова М.М.

Мусаҳҳих

Хожиакбарова М.С.

Лицензия А1 № 240 04.07.2013й. Босишга 5.06.2019 йилда рухсат берилди.
7.08.2019 йилда босилди. Бичими: 60x841.16. Офсет босма. Times New Roman гарнитураси. Шартли 13,4 б.т. Нашр б.т. 13,0. Адади 100.
Буюртма № ___.
Баҳоси шартнома асосида.

Iqtisodiyot нашриётининг матба бўлимида босиб чиқарилди,
100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 49.

73(07) Электрон хужжат алмашинуви тизимлари. / Ўқув қўлланма.

Абидов А.А., Власова Н.Ю., Жуковская И.Е.,
Собиров А.А – Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 220 б.

1. Абидов А.А.
2. Власова Н.Ю.
3. Жуковская И.Е.
4. Собиров А.А.

ISBN 978-9943-986-55-8

УДК: 6П.2.15:338.24

КБК:65.290-2